


**ЖҮЛМИРЗА ОЙМИРЗАЕВ**



**БАХТ  
БЕШИГИ**

П о в е с т ь



Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
„Ёш гвардия“ нашриёти—Тошкент—1970

Қорақалпоқчадан Сурайё Сайдалиева таржимаси.

С(Қорақ)  
0—39

Жўлмирза Оймирзаевнинг бу повестида икки давр авлодининг кечмишлари ҳикоя қилинади. Кишилар эшигида саргардон бўлиб, етимликнинг аччиқ-чучугини тотиган автор янги ҳаётга қадам қўйган йигит орқали ўз бошидан кечирган воқеаларни баён этади. Автор повесть қаҳрамонининг улғайиб, янги ҳаётга қадам қўйганини қизиқарли тасвирлаган.

Оймирзаев Жўлмирза. Бахт бешиги. Повесть. Қорақалпоқчадан тарж. Т., „Ёш гвардия“ 1970. 112 бет. Тиражи 30000.

Аймирзаев Ж. Колыбель счастья. С(Қарак)

7—6—3



Бошим кал, кўзларим чақчайган, қорачадан келган бола эдим. Етти ёшимга қадар қалбимни қандай азоб-уқубатлар тиглагани ёдимда йўқ... Суюгим қотмаёқ етимлик «йўлдош» бўлди менга, ўз эркимдан маҳрум қилиб, елкамга мишиб олди у. Тонг ёришар-ёришмас уйқудан турардим, то қош қорайгунча кўз ёшларим дарё бўлиб оқарди. Кунлар узоқ, тунлар қайғули эди...

Дунёга келган кунимдан бошлаб ҳикоя қилсам, мана бундай бўлган экан:

Темир билан тошнинг фарқи бор деганларидек, етим билан етимликнинг ҳам фарқи бор экан. Етимлигим она сутини эмган кунимдан бошланган экан. Эски урф-одатга кўра, «чиққан қиз чийриқдан ташқари» деганларидек, эриникдан қайтиб келган аёлнинг туғиши айб ҳисобланаркан. Онам бечора шу эски одатнинг қурбони бўлган. Орадан тўққиз ой ўтиб, тўлғоқ тутган онам бўтасидан айрилгандек бўзлаган.

Онамнинг ой-куни етиб, вақт-соати яқинлашаётганини Жанигул деган ўғай онаси сезиб қолган. Қийналиб юрган онамнинг шу соатни, севган одамини кутгандай, орзиқиб кутганини Жанигул опа яхши тушунган. Шундай қилиб, сир билдирмай сиртдан кузатиб юрган.

Қош қорайган пайтда онам овулнинг орқа томонидаги ўтлоққа бориб, мени далада туққан экан. Уйда туғдинг нима-ю, далада туғдинг нима, чиркин замоннинг шафқатсиз удумларига кўнмай бўладими, деб тўлғоқ тутганда турли хаёлларга борган, бутун вужуди қайғу-аламга ботган. Мени бўғиб ўлдиришга кўзи қий-

маган. Танасидан қон, кўзидан ёш оқиб, бир парча эт — чақалоқни бағрига босган.

«Инга, инга» деб жаранглаб чиққан овозимни ўчириш учун, онам шошиб-пишиб оғзимни беркитган. Дунёга келган замон «инга»лаб йиғлаган овозим босилгач, онамнинг аҳволини фаҳмлаган Жанигул опа унинг олдига келган. Онам саросимага тушиб, этаги билан мени яширган-да, ҳеч нарсани кўрмаган кишидек бақрайиб ўтираверган. Онамнинг бу ҳаракатини сезган Жанигул опа аянчли воқеани аёнлаган-у: «Вой ўлмасам», деб чаққонлик билан мени онам яширган жойдан олиб, камзулига ўраган... Онамни суяб, қўшниси Оллоберганнинг уйига олиб борган. Чой ичириб, овқатлантириб, ҳушига келтирган. Онам эски урф-одатдан қўрқиб роса изтироб чеккан, эс-ҳушидан айрилган. У кўп вақт шу аҳволда қолиб, мени эмиза олмаган. Анча вақт ўтгандан сўнг ўзига келган. Ниҳоят, Жанигул опанинг айтганини қилиб, мени бағрига босиб эмизган.

Жанигул опа онам билан мени ёмон одамлардан яшириб, Оллоберганнинг уйида олти кун сақлаган. Еттинчи кун онам оғир замоннинг одатига, одамларнинг фисқи-фужурига чидай олмай мени ташлаб, севишгани Жуманиёз билан қочиб кетган.

Шу тариқа чақалоқ маҳалимдаёқ онамнинг оқ сутидан айрилиб, Жанигулнинг қўлида қолибман. Умрида фарзанд кўрмаган Жанигул мени ўз қучоғига олиб, меҳр билан, ардоқлаб парвариш қилибди. Сут чиқмасада, кўкрагини тутиб, эмизаверибди. Мени снгири сути билан боқибди. Кунлар, ойлар оғир азоб-уқубат билан ўтаверибди. Жийда толқонини шакарга аралаштириб, кейин сутга қўшиб бериб, овқат ейишга ўргатибди.

Шундай қилиб, дунёга келиб «ингалаган» овозни эшитишга, бир парча қип-қизил эт чақалоқни бағрига босишга зор бўлиб юрган Жанигул опа мени боқиб олибди.

Етти ёшимгача Жанигулнинг жонидан ҳам яхши кўрадиган боласи эдим. У мен учун ўзини қурбон қилишга тайёр эди. Жанигул ҳушфеъл, мулойим, жасур аёл эди. Мени бир нафас кўрмаса кўнгли ғалати бўлиб, ўзини қўйгани жой тополмасди. Менсиз меҳмонга бормас эди. Қўшниларникига ўт сўраб чиққудек бўлса, қайтиб келибоқ: «Айланай қароғим, ёлғизим! Жигаргўшам, қора кўзим», деб эркалатарди.

О, бечора Жанигул — онагинам! Мени сен тугмаган бўлсанг-да, туққан онамдан ҳам яхши кўришингни эслайман, лекин у вақтларда кўлимдан нима ҳам келарди? Қичкина бола эдим-да! Сен баъзан тунлари уйғониб, ўқсиб-ўқсиб йиғлардинг. Мени бағринга босиб: «Еруғ юлдузим! Елғизим!»— деб эркалаганларинг, меҳр тўла овозинг ҳамон қулоғимда. Ҳақиқатан ҳам мен ёлғизинг эдим. Майишган кулбангда мендан бошқа киминг бор эди? О, она! Энди ўйлаб кўрсам, кўнглинг тўла ғам бўлганидан, етимнинг ҳолига ачинганингдан, замона қисматидан нолиб йиғлар экансан.

Тўшагимга бағрини бериб ётган Жанигул онамнинг иссиқ кўз ёшлари юзимга тушганда кўнглим аллақандай бўлиб, юрагимда қандайдир қўрқинч пайдо бўларди. Жанигулнинг мени бағрига босиб, юпатганларини унуттишга ҳаққим йўқ. Қишда қучоғига олиб, ёзда бағрига босиб: «Азаматим», деб эркалаганлари ҳамон юрагимнинг тўридан жой олиб турибди.

Етти ёшимда Жанигул онамдан айрилдим. Унинг қандай касалга чалиниб, қандай ўлганини билолмай қолдим. Жанигул онамнинг касал бўлганига қаттиқ қайғурдим. У пайтларда ақлим ҳеч нарсага етмас, на қиларимни билмасдим. Йиғлаб бориб Жанигулнинг қариндош-уруғларини айтиб келай деса, унинг яқин уруғлари кимлар эканини билмас эдим.

Жанигул онам ўладиган кунни кундузи билан тинмай ўтин тердим. Қичкинагина кулбасини ўтинга тўлдириб қўйдим. Бу кулба шундай путурдан кетган эдики, телик-тешигидан бемалол қарға кириб-чиқа оларди... Дабдаласи чиққан туйнугидан кўриниб турган кўкдаги юлдузларни санаб ўтирганим эсимда. Бунинг устига, салпал ўзимни таниган пайтимда туйнукдан шуъласи тушиб турган ойни кўриб: «Ой тушиб кетяпти» деб йиғлаганларимни ҳалигача унутганим йўқ.

Ўша кунни ўтин териб чарчадимми, Жанигул онам: «Тушлиқдан қолган ёрма гўжани иситиб ич», деса ҳам иситиб ичмадим. Ёрма гўжани совуқ ҳолича бир ҳўплаб, зоғора пондан бир тишлам еб тўйиб қолдим. Кейин уйқу босди. Ҳар кунги одатим бўйича, касал ётган Жанигулнинг ёнига бориб ётдим, уйқуга кетдим.

Саҳарда туриб қарасам, илгарилари жуда эрта турадиган Жанигул онам чўзилиб ётибди. Кўнглим бир нарсани сезгандек бўлди. Аввал опа деб чақирдим, ке-

йин турткилаб кўрдим, ундан кейин кўзларини бармоғим билан очиб кўрдим. Қулоғини ушладим, пешанасини, юзларини силадим, кичкина қўлларим билан оғзини очиб кўрдим. Қани энди уйғонса. Жуда бўлмагандан кейин опалаб овозим борича бақирдим, у ёқдан-бу ёққа қимирлатиб, қучоқлаб, бошимни кўкрагига қўйиб ялиндим, уйғонмади, чурқ ҳам этмади.

Қанча ҳаракат қилмай, донг қотиб ухлаб ётган одамдай кўзини очмади. Бутун вужудимни қўрқув босди. Қайта-қайта кўксига бошимни қўйиб, юзига юзимни тегиздим. Эсим чиқиб кетганидан юм-юм ёш тўкиб, ҳўнграб йиғлардим, холос. Бақириб йиғлаган овозимни эшитган қўшнилари дарров тўпланишди.

Йиғилганларнинг Жанигулга тикилиб: «О, бечора-ей! Улиб қолибди!»— деган совуқ сўзлари юрагимга наштардек санчилди. «Ўлди» деган бир оғиз совуқ сўз қайғу зардобига айланиб, бутун танамга тарқалди-да, қора кўзларимдан оқаётган мунгли ёш селга айланди. Кўп ўтмаёқ ҳўнграй-ҳўнграй ўзимдан кетдим. «Атрофимда парвона бўладиган ғамхўримдан айрилдимми-а? Энди ким овқат пишириб беради? Қим менга ғамхўрлик қилади?»—деб ўйлайман.

Шум ажал сеvimли онамни, жонимдан яхши кўрган Жанигулни мендан айирди. Тўпланган овул одамлари пул чиқаришди, гўшт, ёғ, гуруч йиғишди. Овул домласини олиб келиб жаноза ўқитишди. Одамлар тобутни кўтарай деб турганда: «Онамни бермайман!»—деб бақириб йиғлаганларим эсимдан чиққани йўқ ҳали. Тобутни ушлаб олган қўлларимни қайириб туриб, одамларнинг насиҳат қилиб айтган сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранглаётгандай.

Жанигулнинг тобути орқасидан бир чақирим ергача югуриб бордим. Одамларга ета олмай ярим йўлда қолиб кетдим. Йиғлайвериб ҳолдан кетганимданми, жазирама иссиқданми, қора терга ботдим. Тобут кўтарганларнинг қаёққа кетганини била олмай, йўлда ўтириб қолдим. Жанигул онамни кўмиб келаётган одамлар қайтишда мени овулга олиб келишди.

Севикли Жанигул онам энди абадий йўқ, у ўлган. Эски уй кўзимга илон чиққандек ёмон кўриниб қолди. Айрилиқ билан ёлғизлик ситами бағримни тилди. Олдинги етимлик — етимликми, етимликни ёмонлигини энди кўрдим. Юпатадиган, оч қолсам овқат берадиган,

ҳол-аҳволимни сўрайдиган ёлғиз Жанигулдан айрилдим. Онамдек бўлиб бағрига босган Жанигул онамнинг илиқ қучоғини соғиниб, талай кунларни уйқусиз ўтказдим.

Кун ўтган сайин кўнглим ғаш бўлаверди. Йиртиқ иштон билан тўзиган кўйлагим увада бўлиб кетди. Оёғим кир бўлиб, қарғанинг оёғидек ғадир-будур бўлиб қолди. Етимлик мени илондай чулғаб, ўз гирдобига тортиб олди. Онасидан айрилган қулундай қора кўзларим жавдираб, ёлғиз ўзим қолавердим. Овулма-овул дайдиб, егулик овқат тилаш йўлига тушдим. Қим менга сал кулимсираб қараса, оҳимга тушунса, ўша кўзимга ота-онамдан кам кўринмасди.

Жанигул ўлгандан кейин, орадан бир ой ўтмаёқ овулнинг қўй-эчкиларини тўплаб боқа бошладим. Ҳар кимларнинг уйида навбат билан тунаб, кун кечирдим. Сўз қайтармайдиган, айтган ишни қиладиган бола бўлдим. Шу одатимни билган одамлар мени ёмон кўришмасди.

Армоним катта эди. Онамни ўйлаб оҳ ураман. Ҳар кимларнинг уйида ичган-еганим ўзимга юқмайди, ҳаммаси ҳам Жанигул онамнинг қора толқонига ўхшамас эди.

Куз кунларининг бири. Қўй-эчкиларни қалин янтоқзорда боқдим, қўйларнинг ёйилиб ўтлашига, янтоқни курт-курт ейишига завқланиб қарайман. Кўзим қўйларнинг ёйилиб ўтлашида бўлса, хаёлим Жанигулда. Қийишқ таёғимни қўлимга олдим. Атрофимга кўз ташладим. Тип-тиниқ осмон денгиз сувидек кўм-кўк кўринди.

Узоқ ўтирдим. Уй кетидан ўйлар босиб келарди. Болалик ўйларим: «Бугун фалончиникига бораман. Ўшанинг навбати. Хотини ёмонроқ, қовоғини солиб, қора товоққа қандай ёрма гўжа қуйиб бераркин, нариги уйдаги аёл яхши эди, навбати келмаса киргизмайди, уйига киритганда яхши бўларди»,— деб ўйлашдан нарига ўтмасди.

Ўйим ҳам тугамай, чала қолди. Кўзларим юмилиб, мункиб кетдим. Уйқум келганини билиб, ширин уйқудан қолмай, деб ётдим. Куз шамоли, қоратолнинг сояси мени роҳат қучоғига олди. Сийпалаб эсаётган ёқимли шамош жонга ором бағишларди. Ухлаб қолибман.

Қанча вақт ухлаганимни билмайман. Биров енгимдан тортгандек бўлди. Дарров уйғониб, шоша-пиша

теварак-атрофга қарадим. Отдан тушиб, олдимда турган одамга кўзим тушди. Ҳушим учиб, юрагим ёрилаёзди. Дарров ўрнимдан турдим. «Кўзиларим қовун, тарвузга ёки бировнинг экинига тушганга ўхшайди, шунинг учун мени ургани келган экан»,— деб гумон қилдим. Чап бериб қочишга ҳозирландим.

Рўпарамда турган қора соқолли, кўзлари катта-катта, қадди-қомати келишган, узун бўйли, озгин одам танишдек кўринди. Шундай бўлса ҳам гуноҳкор одамдек унинг юзига қарай олмадим. У менинг қочмоқчи бўлиб турганимни сезиб, олдинга бир қадам босди, чап қўли билан отининг жиловини ушлади. Қамчисини белига қистирди. Ҳамон мендан кўзини олмай қараб турарди.

Мен эса қарашга ботина олмай, чақчайиб туриш уят бўлади, деб ўйладим. Ерга қараб турдим, кейин унга ер остидан кўз ташлаб қўйдим.

— Сен Жўлмирзамисан?— деди у.

— Ҳа,— дедим. Унга яна бир қарадим-да, дарров кўзимни ерга тикдим.

— Қарогим, қандай аҳволга тушиб қолибсан-а.

«Қарогим!»— дейман ичимда. Қандай ёқимли сўз! Жанигул онам менга айтадиган ўша ёқимли сўзни бу киши қаёқдан билиб олдийкин, деб ҳайрон бўламан. Бу сўзни ҳақиқатан ҳам анчадан бери эшитмаган эдим. У кишининг меҳрибон овози кўнглимга гулгула солди. Бўғинларим бўшашиб кетди. Узимга нима бўлганини билмай қолдим. У менинг бу аҳволимни сездими дейман:

— Қўрқма, қарогим... Нега қўрқасан? Бу ёққа кел!— деб қўлларини ёзганида, қучоғига отилганимни билмай қолдим.

Унинг кимлигини билмасам, танимасам ҳам ёқимли сўзлари юрагимни тўлқинлантириб юборди. У мени бағрига босиб, эркалаб, пешанамдан ўпди. Ҳол-аҳволимни сўради. Эски қалпоғимни бошимдан олиб, сочимни силади, ўсиб кетган сочимни олдириш кераклигини айтди. Мени бошдан-оёқ кузатиб чиққан бу одамнинг кўзларига қарадим. Бироқ уни биринчи марта кўраётганлигимдан ҳеч кимга ўхшата олмадим. Мени қучоғидан чиқарди. Мен қимир этмай, ён-веримга қарашга ҳам ийманиб турардим. У менга анча гапларни айтди, аммо кўпига тушунмадим.



Шуни англадимки, у яқин қариндошимиз экан. Унинг: «Мен билан кетасанми, яхшилаб тарбиялайман, кийинтираман, мана бу эски кийимларни ташлаб юборамиз. Қирлаб кетибсан...» деган сўзларининг акаларча ғамхўрлик билан айтилганини яхши тушунаман... «Майли, сиз билан кетаман» деганимдан кейин, у қўй-эчкиларни тўплашни буюрди.

Дарров бориб қўйларни тўплашга киришдим. Қўйларни ҳайдаб юриб ҳам унга қараб-қараб қўяман. У ҳам ёрдамлашиб юборди. Ҳаммасини тўплаб, овулга ҳайдаб бордик. Кейин овулнинг энг кексаси Емберген деган кишига менинг аҳволимни айтди, мени олиб кетишга рухсат сўради. Иккови мени кўрсатиб, баъзан менга қараб узоқ сўзлашишди.

Қўй-эчкиларни эгаларига топшириб бўлдим. Нотаниш киши мени отга мингаштириб олди. Мен кетаётиб тез-тез орқага қарайман. Бирга ўйнайдиган болалар ва қизлар орқамдан қараб қолишди.

Нима учундир, узоқлашиб кетган бўлсак ҳам қайта-қайта овулга қарайвердим. Йиртиқ наматни қушнинг қайрилган қаноти каби ҳилпираётган ўтов олдида Жанигул онам бутун вужуди билан мен томон интилиб, жавдираб турганга ўхшарди.

Кўзимни юмдим, кўз ёшларим юзимдан юмалаб туша бошлади. Совқотган кишидек нягим шақ-шақ титрайди. Укириб йиғлаб юбора ёздим. Бироқ нотаниш одамдан уялдим.

Баландликдан тушгандан сўнг овулга қараган эдим, кўринмади у. Шу вақт нотаниш одам нима учундир орқасига бир қаради. Шундан кейин от жипловини силтаб-силтаб қўйди. «Гузар йўли»га тушиб кета бошладик. Йиртиқ чопоним билан кўз ёшимни артдим. Кўп юрмаган бўлсак-да, ориқ отнинг лўкиллаб юришидан суяк-суягим зирқираб кетгандай бўлди. Отга биринчи марта миннишим эди. Овулдан узоқлашган сайин ёнимга қийшайиб ўтира бошладим. Гоҳ ўнг қўлимга, гоҳ чап қўлимга таянаман. Хуллас, қулайроқ ўтиришнинг иложи-ни топмадим...

Қош қорая бошлаганда нотаниш одамнинг овулига етиб келиб, отдан тушдик. У отини боғлади-да, мени уйига етаклаб кирди. Қорни дўмбайган ҳомилдор аёл қозон осаётган экан. Унинг сержаҳллиги қовоғидан билиниб турарди. Эшикдан кирганимда менга бир ўқрай-

ган эди, нима қилишимни билмай, ерга қараб қолдим. Унинг ўткир қора кўзлари юрагимни тешиб ўтгандай бўлди.

Умримда бундай ўткир кўзли келинчакни биринчи кўришим. Нотаниш одам мени ўнг томонга, эшик ёнига ўтқизди. Ўзи тўрга, тўшак устига чиқди. «Жўлмирза деган ботир шу», деб менга илиқ нигоҳ ташлади. Мен ҳам ундан кейин келинчакка уккиникига ўхшаган чақчайган кўзларим билан қараб қўйдим.

Мени ўз уйига олиб келган одам Жанигул онамнинг ўғай укаси Оллониёз деган киши экан. Жанигул онамнинг ўлганини эшитиб, менинг сарсон бўлиб юрганнимни билгач, мени уйига олиб келган экан. Иссиқ уй, илиқ кутиб олиш, бунинг устига иссиқ овқатга тўйиб олгач, танам яйраб, уйқу босди. Қуни билан от устида чайқалиб жуда чарчаган эдим. Ухлаб қолибман. Саҳарда Оллониёз эски кийимларимни ўзи ечиб ташлаб, мени чўмилтирди. Олдиндан олиб қўйганми, бундан хабарим йўқ, чўмилиб бўлганимдан кейин тоза кўйлак ва иштон кийгизиб қўйди. Сочимни олдириб, янги дўппи кийгизди.

«Болага ким кулиб қараса, ўша яқин» деганларидек, Оллониёз оғамнинг ҳурмати менга жуда ёқиб тушди. Истаганимча ётар, хоҳлаганимча ухлар, тўйганимча овқат ердим. Тўлишиб, юзимга қон югуриб қолди. Жанигул онам ўрнига Оллониёзга суяндим, оғам ҳам хушфеъл киши экан.

Овул болалари билан ҳам дўстлашиб кетдим. Қорним тўқ, устим бут эди, қайғумни ҳам аста-секин унута бошладим. Ўйинларимиз ошиқ, копток, ой кўрмак, бекинмачоқ, беш тошдан иборат эди.

Болалар билан тўпланишиб қўшиқ айтадиган, ким ўзар ўйнайдиган, курашадиган бўлдим. Аста-секин кучқувват йиғиб, курашда ўз тенгимни йиқитадиган бўлиб қолдим. Югуришганда болалардан ўзиб кетишим қизиқ бўлди. Нима учун шундай экан? Ёшлигимдан иссиқсовуққа кўникиб, «сувга ташласа чўкмайдиган, ерга урса синмайдиган» бўлиб қолганим учундир. Албатта шундай! Аммо муштлаша олмас эдим. Бунисни тан оламан. Чунки муштлашишни ёмон кўрардим.

Оллониёз оғамнинг овулига жуда ўрганиб кетдим. Унинг уйига ўз боласидек бемалол кириб чиқардим. Оллониёз оғам менга доимо очиқ кўнгил билан қарагани учун Ўразгул келинкойимнинг қовоғини солиб юри-

ши унча билинмасди. Кўп ўтмай Ҳразгул келинойим ўғил туғди. Унинг отини Матниёз қўйишди. Матниёзни жуда яхши кўрардим. Ҳразгул эмизиб бўлиб болани менга берар, кечгача йўргакларини чувалтириб уни кўтариб юрардим.

Матниёзни яхши кўрганим учун Ҳразгул менга аввалгидан кўра яхшироқ қарайдиган бўлиб қолди. Тез-тез киришни ювиб, қорнимни яхшилаб тўйғизарди. Илгари менга жирканиб қараса, энди «қароғим, чироғим, ундай қил, бундай қил» деб юмшоқ супургидай мулоийим муомала қиладиган бўлиб қолди. Бу менга жуда ёқарди.

Илгари Оллониёз оғам бирор ёққа кетса, мен ҳам доим эргашардим. Кўп марта орқасидан югуриб, ботқоққа ботиб, ё унга ета олмай, итдан қўрқиб, ярим йўлдан қайтиб келиб юрдим. У ҳам менга раҳм қилиб, баъзида ўзи билан олиб кетарди.

Бироқ, кейинчалик Ҳразгул менга бутунлай бошқача муносабатда бўла бошлади. Мен Матниёзни қанча яхши кўрсам, Ҳразгул менга янада зўр ихлос билан қарайдиган бўлди. Кўкдан излаганим ердан топилиб, кўнглим ўрнига тушди.

Турдибой деган бола билан жуда дўстлашиб кетдим. У билан бир марта муштлашиб калтак едим. Шундан кейин дўстлигимиз олдингидан ҳам мустаҳкамланиб, туғишган ака-укадек бўлиб қолдик. Иккаламиз тил бириктириб, бизга қарши чиққан болаларни дўппослайдиган бўлдик. Шунинг учун овул болалари биздан ҳайиқишар, биз нима десак, шунга кўнишарди.

Турдибойдан қўрққан болалар унга «Шариқхон» деб лақаб қўйишди. У шундай чаққон эдики, катта одамни кесиб кичкина қилгандек туюларди. Ўзи кичик бўлса ҳам, катта одамга ўхшаб гапирарди. У ҳам менга ўхшаган етим экан.

\* \* \*

Кун ботган пайт. Овул маркази бос-босга учради. Ҳамма одам уйндан ташқарига югуриб чиқди. Отлиқ одамлар овул кўчаларидан от чоптиришиб, уйма-уй юришиб, кўринган одамга совуқ хабарни айтишарди. Бу қандай хабар, қандай янгилик, нима ҳақда эканини тушунмадик.

Болалар ҳаммамиз тўпланиб, қандай хабар эканини

билиш учун одамлар оғзига тикилардик. Шунда ҳам бу нима хабарлигини англай олмадик.

Овулнинг ҳамма одамлари бирдан уйларини йиға бошлашди. Уй анжомларини ҳовлига олиб чиқишди, овул остин-устин бўлиб кетди. Одамлар нарсаларини йиғиб, қўлга илинган кўч-кўронини араваларга ортиб бўлди. Мана йўлга тушилди. Тип-тинч, осойишта яшаб турган халқ бирдан ғулғулага келди. Қарилар билан норасида гўдакларнинг аянчли йиғиси ер юзини ларзага келтиргандай бўлди. Ҳамма одамлар шу тарзда бир томонга кетиб борарди.

Қулоғимга «Эшон қалъа» деган сўз чалинди. Унинг қандай шаҳар эканини ёки қаёқдалигини билмас эдим. Овулдан қўзгалган кўч билан мен ҳам кетавердим. Матниёз билан Уразгул келинойим арава устига чиқиб олишган, мен бўлсам уларнинг орқасидан борардим. Аравага чиқ, дейишган эди, кўнмадим. Устим юпқа эди. Мен юпқа кийимим билан совқотиб қоламан, деб аравага ўтирмадим, яёв юршни маъқул кўрдим. Матниёз билан Уразгул кўрпага ўраниб олишди.

Одамлар орасида шивир-шивир гап. Ким нима ҳақда гапираётганини эшитсам ҳам, ақлим етмасди. Ушанда ёдимда қолганлари билан ўз кўзим билан кўрганларим шу бўлди:

Халқ золим босмачиларнинг зулмига учраган эди. Ҳамма одамлар ўз овулида қолишни истамай, «Эшон қалъа»га борарди. Уша кунни кундузи босмачилар Шағал кўприкда, Шўртонбойда, Тақир кўлда, Қуваниш ёрма қумлиги билан тўқайида халқни талаб, тўс-тўполонини чиқарган экан.

Қонжиғали деган ердан энди ўтганимизда, орқамиздан бир тўда босмачилар етиб келди. Одамлар ҳар томонга тирақайлаб қочди. Бировлар ўзини чакалакзорга урди, бировлар чуқурга. Қоча олмай қолиб, босмачининг қўлига тушганлар қон ютди. Босмачилар шундай золим одамлар эканки, улар ҳомиладор аёлларнинг қоринини ёриб ташлашди, гўдакларни терак, жийдага уриб ўлдиришди. Буларни кўриб баданим қалтираб, тишларим ғичирлаб кетди, юрагимда қасос ғазаби аланга олди. Қаршилиқ кўрсатишга кучим етмайди. Дарров ариқ ичига тушиб яшириндим. Юзимни ўраб, оғир азобни кўрмай деб, кўзларимни йиртиқ этагим билан беркитдим, кўлоқларимга қўлимни тикдим.

Орадан кўп вақт ўтмай, босмачилар бирдан қайтиб кетишди. Омон-эсон қолган одамлар араваларга ўликлар билан тирикларни қўшиб юклади. Яна йўлга тушдик. Бирор кишидан садо чиқмайди. Одамлар ўлдирилганларга қаттиқ қайғурар, юзларида азоб-уқубат алангаси ёниб тургандай эди. Шунда ҳам овоз чиқармай, ҳар ким ич-ичидан азоб чекади, унсиз йиғлайди...

Йўл бўйи бирор яхшилик кўрмадим. Бундай қийин аҳволга тушган бизнинг овулми десам, ҳамма овулларнинг бошига ҳам шу кўргулик тушган экан. Овулда қолган кўр кампирлар билан чолларни «мол-дунёнингни топиб бер» деб отиб ташлашган экан. Улар уйларининг олдида, ариқ бўйларида қора қонга беланиб ётишарди. Босмачилар ёш қизларни, қўлга тушган йиғитларни олиб кетишганди.

Бундай оғир аҳволни кўрган халқ шунинг учун ҳам «Эшон қалъа»га шошиларди.

«Эшон қалъа»га ярим кечада етиб келдик. Бу ерга тикилган ўтовлар, қурилган қўралар кўплигидан қўнишга жой ҳам йўқ эди. Шунинг учун келган одамларнинг ҳаммаси «Эшон қалъа»нинг ғарб томонига жойлаша бошлади. Ҳар ким ўзича бошпана қиларди. Бировлар ўтов тикди, бировлар чипта, бўйра билан атрофни ўраб олди. Ишқилиб, келган одамларнинг ҳаммаси бир амаллаб ўрнашиб олди.

Қамалнинг қанча кунга чўзилгани эсимда йўқ. «Боланинг билгани ўйин» деганларидай, ҳамма болалар тўпланиб, шундай воқеалар бўлиб турса ҳам ўйинни қўймасдик. Кеч ётар, эрта саҳарлаб туриш олардик.

Уйлар бир-бирига жуда яқин тикилган эди. Шунинг учун ҳам тез кунда «Эшон қалъа»нинг ичи сасиб кетди. Қалъада ҳар хил сўзлар тарқалди. Авваллари овулда «Большевик келармиш», «ҳукумат ўрнатармиш» деган хабарлар гоҳ-гоҳ эшитилиб қолса, энди бундай хабарлар «Эшон қалъа»да ҳар куни эшитилиб турарди. «Большевик, ҳукумат» деган икки сўз кўнглимизга яқиндай туюларди.

Одамларнинг оғзида доим бир гап: «Ленин деган одам чиққанмиш. Подшони тахтидан ағдарганмиш. Ҳамма бойликларни меҳнаткашларга бўлиб берармиш. Кишиларга эрк бериб, пешанасини силармиш». Бу сўзлар камбағалларни беҳад хурсанд қиларди.

Бу гапларни эшитиб севинчим ичимга сиғмасди. Бу

большевиклар қандай одамлар экан? Бир кўрсам эди! Ҳукумат дегани нимакин? Ленин деган одам биз томонларга ҳам келармикин? У қандай гапираркин, деган саволлар ёғиларди.

«Эшон қалъа» қамалида неча кунлаб ётарканмиз, халқ оғзида юрган бу сўзларда бизнинг орзу-тилакларимиз ҳам ифодаланган эди. Болалар билан ўйнаб юрсам ҳам, ўз овулимизга соғ-саломат қайтиб борсак, большевиклар келиб етим-есирларнинг пешанасини силаса, бахтим очилармикин, деб ўйлардим. Бу умидим кундан-кунга кучаяди.

Қамалдаги уч нарса ҳамон ёдимда:

Бир куни туш вақтида ҳамма одамлар Халқобод томондаги шоликорликка қараб югуришиб қолишди. Бундай пайтларда ҳамманинг олдида болалар бориши маълум. Биз ҳам катталарга қўшилиб чопиб кетдик. Шоликорлик атрофига тўпланган халқ ўртадаги бир одамга жирканиб қараб турарди. Одамлар қаҳр-ғазабга минган, қовоқлари солинган. Ҳамма қўлини мушт қилиб, ўртада турган кишини лаънатларди.

«Бу ким? Унинг гуноҳи нима?»—деган саволларга одамлар юзидаги қаҳр-ғазаб жавоб бериб тургандай эди.— У — Баспай деган қароқчи бўлиб, партизанларнинг асл душмани, халқ хоини, овулларимизни босиб, чопиб, талаб юрганлардан бири экан.

Баспайнинг бундай сотқинлик ишлари маълум бўлгандан кейин, қизил партизанлар уни халқ ўртасига олиб келиб: сизларнинг золим душманингиз шу, дейишди. «Золим сотқинга ўлим!» Бу сўзлар халқ оғзидан чиққан ҳукм эди. Баспай отиб ташланди.

Шу куни кечқурун яна бир қизиқ воқеа юз берди. Мен Матниёзни кўтариб юргандим. Шу яқин жойда ўйнаб юрган болаларнинг олдига кетаётсам, бир аёл яқинимдан югуриб ўтиб кетди. Кейин уйдан кели сопини олиб чиқиб, эшикнинг олд томонида қазилган ўрага югурди. Уранинг олдига бориб, кели сопи билан ниманидир ургандай бўлди. Аёлнинг бу ишига биз болалар ҳайрон қолдик. Югуриб бориб қарасак, катта, қора қалпоқ кийган бир одам жон-жаҳди билан ўрадан чиқишга уриняпти. Аёл кели сопини кўтариб, ҳалиги одамнинг устига кели туйгандай туширди. Одам ўра ичига йиқилиб кетди. Аёл кели сопини кўтариб, ҳовлиққанча қочиб қолди. Биз у кишига ачинганимиздан бақириб юбордик.

Овозимизни эшитган одамлар югуриб келиб, ўрага йиқилган одамнинг бошидан қалпоғини олиб, ўзини тортиб чиқаришди. Оғзидан оққан қон ёқасига тўплашиб қолган экан. У кели сопининг зарбидан ўлиб қолганди. Уни тинтиб кўришувди, чопонининг остидан қилич чиқди. Одамлар қилични олишиб: «Бу босмачи-ку, Баспай қароқчининг шерикларидан, нақ каллакесар. Барака топкур аёл довюррак экан»,— дейишди. «Буни қайси аёл ўлдирганин ким? Ким бўлса ҳам ўлдириб яши қилибди»,— дейишарди улар.

Мен у вақтда ёш бўлсам ҳам халқ ғазаби ва қудратини сеза бошладим. Халқ ўз душмани — босмачиларни таг-томири билан қуритишга отланганини англадим.

Қатта қувонч келтирган бир кун асло ёдидан чиқмайди.

Бир куни ҳамма Халқободнинг қибла томонига тикилиб қараб қолди. У томондан саф тортиб аскарлар келарди. Қараб турган одамлар аввал дувиллаб қочишди. Халқободга келган аскарлар шу ердаги одамлар билан аралашиб кетди. Елкаларига милтиқ осган, белларига қатор ўқлар тизилган камар боғлаган аскарлар орасида қарилар ҳам, ёшлар ҳам, руслар ҳам, бошқа миллатлардан ҳам бор эди.

Аскарларнинг деярли ҳаммаси шинель кийган, ҳар хил қурол-яроқ осган, юзлари қизарган, кўзлари ўйнаб турарди. Улар ҳамма жойни қараб чиқишди. Қочган одамларни тўплаб келишди. Одамлар билан аралашиб, улар билан сўзлашиб юришибди. Баъзи бировлари одамлар билан қучоқлашиб кўриша кетишди.

Эркакларнинг ҳаммасини йиғиб бўлгандан кейин, аёллар ҳам уйдан битта-биттадан чиқиб, аскарларнинг олдига кела бошлашди. Уларнинг сўзларини, келтирган хабарларини эшитиб, қувончлари ичига сиғмай кетди. Аскарлар: «Коммунистлар партияси, Ленин отамиз сизларга озодлик берди. Халқ озодлигига қарши чиққан зolim босмачиларни, қонхўр бойларни қуритамиз», дейишди.

Орзиқиб кутган большевикларимиз келишибди, бахт олиб келади деган кишиларимиз шулар экан. Одамларнинг зўр қувонч билан айтган бу гаплари ҳаммадан ҳам мени севинтирди. «Менга ўхшаган бечора етим, бахти қоранинг кўз ёшини қуритадиган қунлар ҳам бор экан», дейман ичимда. Ҳатто оламга жар солгим, дунё-

га келганимда қандай бақирган бўлсам, овозим борича шундай бақиргим келарди.

Етимларнинг оёқ остида топталиб қола бермаганига, тенглик, бахт, Ленин деган сўзлар кечаги бечора етимнинг юрагини чексиз шодликка тўлдириб, катта бахтсаодат келтирганига қувонаман-у, ҳўнграб йиғлайман. Севинганимдан йиғлайман. Жаннгулим — онам, онацинам, сен бўлганимда балки бахт олиб келган Қизил Армия йиғинида қатнашармидинг? Мени қўлларингда кўтариб: «Қара, дўмбоғим, қулуним, етим-есирнинг куни туғди»,— деб қувонармидинг.

\* \* \*

Бир минг тўққиз юз йиғирманчи йил эди. Оллониёз оғам овул Советининг раиси бўлди. Менинг ҳам аҳволим яхшилана бошлади. Унинг тўнғич ўғли Матниёз, кичик ўғли Бекмирза каби мен ҳам шу уйда туғилган боладек бўлиб кетдим. Уларни ўз туғишган укаларимдай орқамда опичиб юраман. Бекмирзани куну тун орқамдан тушурмайдиган бўлдим.

«Ўн ёшлик бола — ўйин боласи» деганларидек, қорним тўқ, кийимим бут бўлганидан доим болалар билан ўйнаганим-ўйнаган. Етимлигимни ҳам унута бошладим. Оллониёз оғам мени ўз фарзандидек яхши кўрарди. «Жнян юракка яқин» деганларидек, мени ёт ҳисобламаганига жуда қувонардим. У мени ўз ўғиллари билан баробар эркалатарди.

Бу одам ҳам Жанигул онамдек етимпарвар экан, деб ўйлайман. У овул Советига раис бўлгандан кейин иш билан ҳар жойга кетарди. Бир неча кундан сўнг келса, ўз болалари қатори мени ҳам эркалатарди. Ҳол-аҳволимни сўрар, пешанамни силар, юрагидан чиққан сўзларини аямасди.

Етти ёшимдан ўн ёшимгача — уч йил яхши яшадим. Уч йилдан кейин Оллониёз оғам вафот этди. Унинг болалари Матниёз, Бекмирза, янги туғилган Эшмирза — тўртовлон яна етим қолдик. Орадан кўп вақт ўтмай Бекмирза ҳам ўлди. Уразгул келинкойим уч боланинг орасида қўққайиб қолди.

Оллониёз оғам ўлгандан кейин мен жуда ғамга ботдим. Бу ўлим Жанигул онамнинг ўлиmidан кейин мен учун энг огир йўқотиш бўлди. Овулдаги одамларнинг



хаммаси тўпланди. Қариндош-уруглари, дўст-биродарлари — ҳаммаси келди. Белимни ушлаб «вой-вой»лаб, ўзимдан кетиб қолгунча йиғлаганим ҳамон ёдимда.

Кўнгли яримта етимнинг йиғлаганини кўрган одамларнинг кўз ёшларини тия олмаганлари унутиларми-ди? Жанигул онам ўлганда «ўлимнинг нима эканини» тушунмасдан, қўрқиб йиғлаган бўлсам, энди ўлган одамнинг қайтиб келмаслигини, ўлим ҳаётнинг душмани эканини тушуниб йиғлардим. Тўкилган кўз ёшларимга, қалбимнинг ўртанганига ҳамма тан берди. Оллонийё оғамни ўша кунни мазорга олиб бориб қўйишди.

Кўмгани борганларнинг кетидан мен ҳам қайтиб келдим. Пиртиқ бўз кўйлагим кўз ёшимдан ҳўл бўлиб кетибди. Оллонийё оғамнинг ғамхўрлиги, пешанамни силаб эркалаши, «қароғим» деган сўзлари ёдимга тушса кўнглим бузилиб кетади, ўзимни тута олмайман...

Орадан кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Қора тоғнинг тошидай қора ўйлар боса бошлади. Қорним тўқ бўлса ҳам, кўзим оч эди. Кўринган одамга кўз тикиб, телмириш билан куним ўтди. Бошимни силаб: «Айланай қароғим» деган сўзларни энди эшитмасдим. Бунинг устига Уразгул келинойим сержаҳл, ўз айтганидан қайтмайдиган хотин эди. Унинг кўзига мен «жин бўлиб» кўрина бошладим. Турсам бошимга, ўтирсам оёғимга урадиган бўлиб қолди. Ана шундай одати бор одамни кўнгилга яқин олиб бўлмас экан.

Уразгулга ёқармиканман деб куну тун тиним билмайман, сув ташийман, уй супураман, сигир билан бузоққа, қўй ва эчкига ўт юлиб келаман. Молхонани тозалайман, ўтин ташийман, тегирмон тортаман, хуллас, шу уйнинг ўти билан кириб, кули билан чиқаман. Шундай бўлса ҳам куним азобда ўтди. Қўлим боғлиқ, йўлим тўсиқли бўлиб кўринади. Саҳар турганимча ярим кечада ётаман. Уразгул, Матнийё, Эшмирза ётгандан кейин эшикни занжирлаб, чироқни ўчириб келадиган ҳам мен бечора эдим. Бунинг устига «нари ёт, бери ёт, тўшак торлиги» дегандай, Уразгул келинойим кўзи илинса ҳам менга нари ёт, бери ёт деб бир оғиз қаттиқ сўз айтмай ухламас эди.

Уразгулнинг ўжарлигимни ёки бўлмаса Оллонийё оғам ўлгандан кейин оғир қайғу таъсириданми, у менга бошқача қарайдиган бўлиб қолди. Бу қарашидан менинг шу уйга бегона эканлигим сезилиб турарди. Мат-

ниёз билан Эшмирза учовимиз бир товоқдан ёрма ичаётганимизда, шошилиб, куйиб-пишиб ичмоқчи бўлсам, қўлимдан қошиқни тортиб оларди у. Ҳузгулнинг нега бундай қилишининг сабабини тушундим. Шунинг учун улар овқатга тўйиб олмагунларича қўлимга қошиқ ушламайдиган бўлдим.

Улар овқатланиб, ўзлари туриб кетишмагунча термилиб ўтирдим. Олдимизга овқат келганда кўз остидан Ҳузгулга мўлтираб қарайдиган бўлдим. Шу сабабли тортинчоқ ҳам бўлиб қолдим. Кўзим Ҳузгулда бўлса, хаёлим Жанигул онам билан Оллоғниёз оғамда бўларди, уларнинг мени яхши кўришлари ҳақида ўйлардим.

Жанигул: еяқол, ичақол, жонгинам, дерди, Оллоғниёз эса кияқол, қароғим, дер эди. Шу сўзлар ёдимга тушиб ўкинаман, қайғураман, лекин иложим қанча? Қопқонга тушган қуёндай кўзимни бақрайтириб, ичимдан зил кетсам ҳам, сиртимдан сир бой бермай ўтиравераман.

Ҳузгулнинг юзини кўрмасликка қасам ичар, унинг кўзига қумурсқадек кичкина бўлиб кўринишга тиришардим. Матниёз билан Эшмирзани эргаштириб, қиттак баҳона топсам Турдибой билан Чимбергеннинг олдига югурардим. Мен уларни кўриб, йиғлаб юрагимни ёзай деб борардим, ўзларини кўришим билан кўнглим тинчланарди. Айтмоқчи, уларнинг бири отасидан, яна бири онасидан ажралган ярим етимлар эди.

Ҳузгулни таниганимдан бери унинг бир одатини билардим. У уйда бир қисим ҳам ғалла отини қўймай, жўхорини ҳам, тариқни ҳам, бугдойни ҳам, арпани ҳам тегирмонга солиб ўн қилиб қўярди. Тинмай тегирмонни тортаверганидан, унинг тортқичи билан бақалоғи чидамасди.

Бир кун қош қорая бошлаган пайт эди. Матниёз билан Эшмирзани эргаштириб тегирмонхонага кирдим. Биз киришимиз биланоқ Ҳузгул тортқич билан мени савалаб қолди. Кўзимдан ўт чиқиб кетди. Бошим айланиб, кўзим косасидан чиқиб кетгандай бўлиб, атрофимни туман қоплади. Дарров икки қўллаб пешанамни ушладим. Бошим тарс ёрилиб кетди деб ўйладим. Шартта ўгирилиб, жон-жаҳдим билан югуриб ҳовлига чиқдим. Бошим айланиб, ерга йиқилдим.

Орқамдан қувиб келаётгандир деб яна ўрнимдан турдим. Кетимдан биров чиққандай бўлди. Қарасам, Ҳузгул мени урганда қўрқиб кетишган Матниёз билан

Эшмирза экан. Уларнинг чиққанини аниқ кўрдим-у, яна қочдим. Уларнинг олдида Ҳразгул мени қувлаб келаётгандир, деб зовурдан ошиб ўтдим. Зовурнинг атрофидаги қамиш орасига яшириндим. Эшмирзанинг чинқирган овози эшитилди. Уни ҳам ураётганга ўхшайди, деб, чидамай орқамга қайтиб, олдига бориб қўлимга олдим-да, бағримга босдим. Бутун аъзойи баданим титрарди. Қўзимдан мўлт-мўлт ёш оқиб, йиғлаб юбордим. Буни кўриб, Матниёз билан Эшмирза ҳам ҳўнграб йиғлай бошлади. Мен эса боягидек ҳўнграйман, холос. Бир вақт тегирмонхонанинг эшиги очилди. Эшмирзани кўтариб қочай десам бўлмади. Дарров уни ерга қўйиб, ура қочиб қолдим. Эшмирза орқамдан бўтадай бўзлаб, чирқираб йиғлаганча қулочини ёзиб йиқилди. Ҳразгулнинг эса:

— Ҳа, жонинг чиққур, жувонмарг, етимча,— деб қараб орқамдан қувиб келаётганини сездим.

Ҳразгул қувиб келяпти, мен оёғимни қўлимга олиб қочиб кетяпман. Қўлига тушсам соғ қўймайди. Тортқич тегиб шишиб чиққан пешанамни яна баттар шиширадиган бўлди дейман. Бошимни ёради, оёғимни ёки қўлимни синдиради, ё қовурғамни пачақлайди. Қўлига тушмай, деб бояги беркиниб олган жойимга ўзимни отдим.

Шошилганимдан, ўзимни зовурга жуда ҳам узоқдан ташлаган эканман, йиқилиб, юмалаганимча зовурнинг ичига тушиб кетдим. Овчининг итидай сувни шапиллатмасдан зовурнинг нариги бетига сузиб ўтиб, қирғоққа тирмашиб чиқа бошладим. Уша ерда қамиш ва ўтлар орасига беркиндим. Қулоқ солсам Ҳразгулнинг шанғиллаган овози келяпти. Албатта, у мени титраб-қақшаб қарғаяпти.

Икки гўдакнинг овози тинди. Матниёз ҳам, Эшмирза ҳам Ҳразгулдан қўрққанларидан йиғлашдан тўхтаган эдилар. Ҳразгулнинг, юр, юр дейман, қирилгурлар, деб қарғаётганини эшитиб, сув ичида туравердим. Бир вақт унинг шанғиллаши тинди. Энди унинг уй ичида тўнғиллаши элас-элас эшитиларди. Сувда туриб Жанигул онамнинг айтган гаплари ёдимга тушди. У ёшлигидан етим қолиб, бефарзанд ўтганини, турмушнинг аччиқ-чучугини тотиб кўп қийналганини, хўрликда кечирган кунларини ғамгинлик билан гапириб берарди.

Шу зовур бўйидаги тепаликлар мен туғилган ер эмасмикин, ҳозир сувга ботиб турган ерим ўша зовур-

дир, деб ўйлайман. Ҳузрулнинг бақириси ҳам, тўнғиллаши ҳам эшитилмай қолди. Мойга тушган сичқондай бўлиб сувдан чиқдим. Сувга тушганимда совқотиб қолган эканман, қўрққанимдан билмабман ҳам. Қирғоқда анча ўтириб ўзимни босиб олдим. Қўйлак, иштонимни ечиб, сувга чайқадим-да, сиқиб яна кийиб олдим. Энди қаерга борсам экан? Миямдан шу ўй ярқ этиб ўтди. Оғир хаёлга ботиб, муштдай бўлиб шишиб, кўкариб кетган пешанамни ушладим. Ўйлаб-ўйлаб ўйимнинг охирига етолмадим. Яна ечиниб кийимларимни бошимга ўраб сувга тушдим. Нариги қирғоққа ўтгач, чор атрофимга аланглаб, уй томонга кета бошладим. Анчагача қулоқ солиб турдим. Уйдан тиқ этган овоз эшитилмади.

Чумчуқни пойлаётган мушукдай кўзларим жавдираб эшикка яқинлашдим. Тирқишдан қараётганимда бошим айланиб, ўзимни тута олмай эшикни ушлаб қолдим. Эшик ёнчираб кетди. Қўрққанимдан юрагим ёрилаёзди, қўлимни дарров тортиб олдим.

— Пишт-пишт,— деди Ҳузрул этган ерида.

— Мушукми?— деди Эшмирза сесканиб.

— Мов мушук,— деди Матниёз ҳазиллашиб.

— Мушукдан қўрқаман,— деб Эшмирза йиғлаб юборди.

— Мушук эмас, жувонмарг Жўлмирза бўлса керак,— деб Ҳузрул ўрнидан туриб, эшик томон юрди.

У эшикдан чиққунча мен анча ерга қочиб борган эдим. Ҳузрул бақириб, ҳовлига чиққунча, мен жўхори-зор орасига кириб кетдим. У:

— Сен жувонмаргни уйга киргизиб бўпман,— деб бақириб, уйга кириб кетди.

— Қаерда, кимникида ётсам экан?— ана шу савол миямдан кетмас, ҳамон чопиб борардим. Мени бугун тунайдинг жой эмас, ҳозирги аҳволдан қандай қилиб қутулиш қайғуси қийнарди. Бунинг устига Матниёз билан Эшмирзани ўйнатаман деб тонгдан буён наҳор юрган эдим. Очлик устига бу қайғу қўшилиб, мени буткул ўзиб юборди.

Жўхориборда узоқ туриб совқотдим. Баъзан қоним қизишиб, жаҳлим чиқади. Танимда қалтироқ пайдо бўлади. Жағим-жағимга тегмай қалт-қалт титрайман. Худди жағим тушиб кетгандай, чеккаларим зирқирайди. Кўзларим косасидан чиқиб кетгандай бўлади. Бунинг устига пешанам қуриб-қовжираб қолгандай тиришади.

Жўхоризордан чиқсам Ҳразгулнинг чангалига тушади-гандайман.

Ҳразгулнинг мени нега урганини, нимага уйдан қушлаб чиқарганини яхши биламан. Биз тегирмонхонага кирганда, сариқ чопонли, бошига телпак кийган бир киши турган эди. У кишини овулдагилар «мулла» дейишарди.

Бу мулла Оллониёз оғам ўлгандан олти ой ҳам ўтмасданоқ ўтовимизнинг атрофида тез-тез кўринадиган бўлиб қолди. Баъзи кунлари кутилмаганда учраб қолади. Муллани шундай ёмон кўриб қолдимки, фақат уни отгани ўқим йўқ эди, холос. Биз тегирмонхонага кирганда мулла Ҳразгул билан қучоқлашиб турган экан. Еш бўлсам ҳам «бир балоси» борлигини дарров сездим. Бу «бир балоси»ни кўриб қолганим учун Ҳразгул пешанамга тортқич билан урган эди. Ҳразгул билан мулла ўртасидаги муносабатни олдиндан билиб юрганым учун манглайимга теккан тортқич ўрни пешанага босилган қасос тамғасидай бўлди. Бу қасос тамғаси пешанамдагина эмас, юрагимда ҳам из қолдирди.

Уша таёқ билан мени Ҳразгул эмас, мулла ургандай бўлиб туюлди. Ҳзабдан шундай қалтираб кетдимки, тишларим такиллар, агар ҳозир олдимда бўлса мулланинг қулоғини тишлаб олгудек эдим. Жўхори япроқларининг шамолда шитирлаши менга, муллаининг манглайига сен ҳам ур, уганда ҳам бошлаб ур, пешанасининг қоқ ўртасига қулочкашлаб сол, деб шивирлаётгандай эди.

Ҳзабим қайнаб бораётир. Кўзимни юмаман, юмган сайин иссиқ ёш томчилари юмалаб тушади. Ҳам-аламга тўлган юрагимни йиғлаб бўшатдим. Қўлларимни кўкрагимдан олдим-у, ерга йиқилиб кетаётгандай бўлдим. Икки қўлим билан икки ёнимдаги жўхорини маҳкам ушлаб қолдим... Қора тун мени ўз бағрига олганди. Кўзим тиниб, дунё тўнтарилиб кетаётгандай бўлди, жагим ёпишиб, тилим сўзга келмай, шилқ этиб қулаганимни бошим оғриганидан кейингина сездим.

Орадан анча вақт ўтган бўлса керак... Қари мулла қучоғини очиб келяпти. Кўзимни очиб, икки қўлим билан юзимни тўсдим. Тутун орасида қолгандай нафасим қайта бошлади. Бутун кучимни тўплаб, туришга интиламан, лекин ўрнимдан тура олмайман. Энди ўлдим, деганимда бемалол кўзимни очдим. Мулла тугул ҳеч

нарса йўқ эди. Гандираклаб, жўхори поясига осилиб ўрнимдан турдим. Жон ҳолатда жўхоризордан чиқдим.

Ҳамма ёқ сув қуйгандай жимжит, фақат атрофдан итларнинг ҳуришигина эшитилади. Кўкдаги юлдуз ва ойдан бошқа ёруғ нарса йўқ. Овул, ҳамма одамлар уйқуда. Бу қора тунда уйқусини тарк этиб юрган фақат мен — бу қандай жабр, бу қандай ситам! Бегуноҳ бўлсам ҳам мулланинг дастидан таёқ еб, тунда тентираб, бўзлаб юрган мен эдим. Гуноҳим нима, Ҳуразгул билан мулла суйишибгина эмас, бемазагарчилик қилишса ҳам менинг ишим нима? Ҳуразгул пешанамга тортқич билан урмаса ҳам, унга қаршилиқ кўрсатишга ожизман-ку! Бояги бошимга тушган таёқнинг зарби ҳали ҳам танамни зирқиратарди.

«Мулла билан Ҳуразгул бир-бирига ишқ-муҳаббат изҳор қилаётганда уларнинг олдига тўсатдан бориб қолган мен бечоранинг гуноҳим нима? Алдаб-сулдаб чиқариб юборса бўлмасмиди. Эй бемеҳр мулла, сенинг дастингдан таёқ едим, сен эса норасталигимни ҳисобга олиб бир қараб ҳам қўймадинг». Бундай ўйлар менга тинчлик бермасди. Ҳўнграб-ҳўнграб, ўксиб-ўксиб йиғлайман. Йиғлайман-у, кўз ёшларимни артиб яна юраман. Бошим айланганидан қадам босолмай баъзан ўтираман. Яна ўрнимдан туриб инграйман. Бир бахтсизлик кетидан ғам-ташвиш келаверди. Шунинг учун ҳам қишда қувонмадим, ёзда юпанмадим, қандай кунга қолдим, деб ғижиниб, гавдамни зўрға кўтараман. Кўйлагим билан чопонимнинг елкалари куйган, қолган ерлари илма-тешик. Қадам босган сайин оёғим билан эмас, гўё пешанам билан сурғалиб кетаётганга ўхшайман.

Жимирлаган юлдузлар Жанигул онамнинг боқиши каби ёқимли бўлса, осмондаги ой Оллонёз оғамнинг очиқ кўнглидай кўринарди. Нақ тепамда Ҳуразгулнинг қаҳри каби даҳшатли, қуюқ қора булут тўпланган эди. Ҳар қадамда тўхтаб, орқа-олдимга қараб юра-юра Ҳуразгул уйининг олдига келиб қолдим. Кўзим очиқ бўлса ҳам, кўнглим ёпиқдай, уйга кирсаммикин, ичкарига киритармикин, ёки мендан муллани афзал кўриб, тортқич тегиб шишган пешанамга яна тушириб қолармикин, деб тагин тўхтаб қолдим. Нима бўлди ўзи, ўтирсам ўпоқ дейди, турсам сўпоқ дейди. Шу ўйларимнинг тагига етмаёқ эшик ёнига етганимни сезмай қолибман. Чиптани кўтардим, лекин ёғоч эшикка илгак солиғлиқ экан.

Илгакни чиқаришга интилдим. Гашқарида қолган мушук боладай ёғоч эшикни қанча тирнасам ҳам очолмадим. Овозимни чиқариб уйғотишга юрагим дов бермади.

Ҳамма ширин уйқуда ётганда эшик олдида туришим жуда қизиқ-ку, йўқ, қизиқ эмас, хўрлик-ку!

Ортиқ чидай олмадим, яна қалтироқ тута бошлади. Нима бўлса бўлар, деб бутун иродамни тўплаб, яна чий эшикни итарган эдим, у қаттиқ шиқирлади. Ҳузрул уйғониб кетди. Қалт-қалт титраб турган эдим, Ҳузрулнинг овозини эшитиб, устимдан худди сув қуйгандай бўлди.

— Кимсан?— деди ётган жойида Ҳузрул жаҳл билан.

— Мен,— деб зўрға жавоб қилдим.

— Ҳа, қирилгур ит, йўқол, жинни...

— Опажон, тобим қочиб қолди,— дедим қўрққанымдан қалтираб.

— Ҳа, чувринди, ҳали саними...

Шундай дейиши биланоқ яна ура қочдим. Уйнинг орқасига қараб бурилганимда Жамол деган кишининг қора кўппаги орқамдан қувиб қолди. Шунчалик югурдимки, итга тутқич бермай зовур бўйига келдим. Ит ҳам мени танидимни, ҳайтовур орқасига қайтиб кетди. Ерни искаб-искаб яна мен томонга юрди. Думини ликиллатиб, эркаланиб олдимга келди. Энди нима қилсам экан, қаерда ётсам экан, кимнинг уйига борай — ҳамман бир-бир кўз олдимдан ўтказдим.

Ниҳоят ҳеч қаерга бормайдиган бўлдим. Тупроқни текислаб, бошимга ёстиқдай қилиб уйдим. Уша ерда ётиб қолдим. Қора кўппак ҳам менга қоровул бўлгандек тумшугини ерга қўйиб ётди. Мени ўй-хаёллар чулғаб олди. Кўзим илинди дегунча дарров кўзимга илон, чаён, бузоқбоши, бутун махлуқ зоти кўринаверди. Бирини ўраб олади, иккинчиси чақади, учинчиси бўйнимдан ўрмалайди. Шундай қилиб сира ухлолмадим. Азоб, қайғу қучоғида алламаҳал зўрға уйқуга кетдим.

\* \* \*

Азон пайтида Алламберген деган батракнинг уйига бордим. У киши бола бўлганим учунми ёки ҳаммага бирдай меҳрибон, одамгарчилик қиладиган киши бўлгани учунми, ишқилиб, мени яхши кўрарди. Алламберген

ҳам менга ўхшаб ёшлигида етим қолиб, қўл кучи билан кун кўраётган, туғилган жойидан, қариндош-уруғларидан айрилган одам эди.

Алламберген аввал ўз овулидагиларнинг эшигида хизмат қилган, кейин чоракорлик қилган, бойларнинг эшигида қанча йил ишлаб қўли пул кўрмаган, бутун умри хўрлик билан ўтган одам. «Бу дунёда хизмат қилсанг, у дунёда роҳат кўрасан», деб муллалар уни алдаб-сулдаб, ҳатто кийим-кечакка ҳам пул беришмаган.

Шунинг учун Алламберген овулидан кетиб қолган. Тўрткўл ва Хива тарафларда бой савдогарларга ёллашиб ишлаган. У ерларда гурбатда, сарсонликда умри хор-зорлик билан ўтган. Ниҳоят овулга қайтиб келиб, бу ерда ҳам бурунгидан баттар кун кечириб юрган эди. Фақат Совет ҳокимиятигина Алламбергенни одам қаторига қўшди.

Мен кириб борганимда Алламберген оға нонушта қилиб ўтирган экан. У оқ кўнгил, хушфеъл, гавдали одам эди. Унинг қалин қора соқоли ўзига жуда ярашиб тушарди. Кириб боришим биланоқ, кел, ўтир деб жой кўрсатди. Алламберген ҳам, унинг хотини ҳам, ўғли Чимберген ҳам менга қараб-қараб қўйишарди.

Улар чой ичиб, зоғора нон билан сўк еб ўтиришган экан. Мени ҳам чойга қондирди, зоғора билан сўкка тўйдириб, шундан кейингина ҳол-аҳволимни сўради. Ҳамма гапни айтиб бердим. Алламберген оғанинг менга раҳми келди, чин кўнгилдан раҳми келди. Мулланинг бераҳимлигидан жаҳли чиққанидан кўзлари қисилиб кетди. Бироқ, ўйлашиб турди-да, мени эргаштириб, Ҳузугулнинг уйига олиб борди. Унга ялишиб-ёлворди. Ҳеч бўлмаса, ўз нонини ўзи топиб ейдиган бўлгунча Жўлмирза сеникида тура турсин, деб илтимос қилди. Мен ноилож яна ўша гамхонада қолавердим. Алламберген хайрлашиб чиқиб кетди.

— Сен чиркин...— деб Ҳузугул оташкурак билан оёғимга туширди.

— Вой-вой,— деганимча эгилиб, унинг қўлини ушлаб олдим.

— Бақирма, ўлдираман!

— Вой-вой, опагон, суюгим синиб кетаёзди-ку!..

Бундан бошқа ҳеч нарса дея олмадим. Ҳузугул йиғлашга ҳам фурсат бермай, бир халта жўхорини олиб



тегирмонхонага чиқиб кетди. Матниёз билан Эшмирзанинг менга раҳмлари келиб, ёнимга яқинлашишди. Кўнглим бузилиб кетди. Бу норасидаларнинг меҳрибонлиги кўнглимни йдириб юборди:

— Оға, йиғлама,— деб Матниёз йиғлай бошлади.

— Апам уя бейеди,— деб Эшмирза ҳам йиғлаб юборди. Улар йиғлама дейишган сайин баттар йиғлайман. Эшмирза ўрнидан туриб, менга бир қараб қўйди-да, лапанглаб олдинга юрди. Сандиқ устида турган саватдан иккита тухум олди. Кейинги олган тухуми қўлидан тушиб кетган эди, Эшмирза эшикка бир қараб қўйди-да, юмалаб кетган тухумни ушлаб олди. Икки кўзи эшикда, тухумни менга келтириб бермоқчи. Биров келиб қолмасин, деб эшикдан кўзини узмайдн. Ҳеч ким келавермагач, индамай тухумни менга узатди. У эшикка бир қарайди-ю, менга бир қарайди.

— Еяқол, биз кечаси еганмиз,— деди Матниёз.

— Зе, зе,— деди Эшмирза тухумни оғзимга олиб келиб.

Мен тухумни олдим. Икки нораства ялиниб турганда олмай бўладими. Биттасини тозалаб, энди оғзимга солган эдим, Уразгул кириб қолди. Тухумни кўриб бўзариб-гезариб, кўзлари олайиб, менга ташланди!

— Болаларимнинг ризқини единг,— деб бир тепди.

— Вой-вой,— деганимни биламан, тухум қўлимдан учиб кетди-ю коптокдай юмалаб бориб ўчоққа тушди. Оппоқ тухум кулга беланди. Унг томонимга қарасам, Матниёз қўрқиб қочаётиб, иккинчи тухумни босиб олибди, у ҳам пачақ-пачақ бўлиб кетибди.

— Оғзингдан қора қонинг келгур,— деб Уразгул яна менга ташланди.

— Опажон, энди тегмайман,— деб ёлвордим.

— Еб бўлибсан-у, энди нимасига тегасан?

— Еганим йўқ-ку, опажон,— деб кулга тушган ва пачақланган тухумга қарадим.

Учовимиз бирданига уйдан қочиб чиқдик. Мен уйнинг орқасига югурдим. Матниёз билан Эшмирза тўдоқнинг жўжасидай орқамдан югуришди. Учаламиз уйнинг бурчагида анчагача турдик. Уразгул тепганда ўнг бикинимни этининг тумшуғи тешиб ўтгандай бўлган эди. Кўйлагимни кўтариб қарасам, кўм-кўк мўматалоқ бўлиб кетибди. Силаб кўрай деб қўлимни тегизган эдим, оғриқдан чинқариб юбсрай дедим.

— Бунақа кўрган куним курсин, — дедим ичимда. Шу кўйи ўйга толиб қанча ўтирганимни билмайман. Бир вақт қарасам, Матниёз билан Эшмирза қўлларидан келганича мени юпатмоқчи бўлиб, тиришиб ётишибди.

Матниёз билан Эшмирзани эргаштириб зовур бўйига қараб юрдим. Муюлишга борганда уй томонга қарасам, салланг қурғур мулла Уразгул билан гаплашиб турибди. Дарров орқамга қайтдим. Бекиниб олиб, уларнинг гапларига қулоқ солдим. Улар кўп гаплашишмади. Мулланинг ошга кетяпман, кечаси келаман, деган сўзларини аниқ эшитдим.

Мулла кетгандан кейин Уразгул тегирмонхонага кирди-да, тегирмон торта бошлади. Мен бўлсам Матниёз билан Эшмирзани эргаштириб зовур ёқасига чиқдим ва мулла кўздан ғойиб бўлгунча орқасидан қараб турдим. Мулла кетиб бораркан, унинг босган ҳар қадамдан ер жирканаётгандай, шамол ғувиллаб, муллани қувиб кетаётгандай туюларди. Қани энди ҳозир қанотлари кенг, кучли, каттакон бургут бўлиб қолсам-у, муллага етиб олиб, бошидан чангаллаб осмонга кўтарибсам... Уни чангаллаганимча кўкда парвоз қилсам, тоғнинг этаги катта кўл бўлса, ўша тоғ устига чиқсам, муллани тилка-пора қилиб тошларга, қояларга судраб учсам, ниҳоят муллани шу тоғ устидан пастга юмалатиб юборсам, пичоқдай ўткир тошлар унинг танасини бурда-бурда қилиб юборса, суяклари пачоқ бўлиб, бир бўлаги зовурда, бир бўлаги тошда қолса, соғ қолган қисми тоғ этагидаги денгизга ёки кўлга, ёки бўлмаса Амударёга ўхшаш тез оқар дарёга тушиб, ўлигидан ҳам асар қолмаса, деб ўйлардим.

Бошқа одам қуриб кетганмиди, Уразгул нега шу мулла билан топнишиб қолди, деб жаҳлим чиқади. Овулда уйланмаган, хотини ўлиб бева қолган одамлар борку. Нега ўшаларга тега қолмайди, нима учун қўш хотинли ҳароми муллага кўз ташлайди, нега номусимизни сотади, деб аччиғланаман. Шу муллани овулнинг йигитларига айтсаммикин, бир масхара қилсаммикин, деб ўйлайман. Лекин яна бир ўй менга тинчлик бермасди: борадиган жойим, ботадиган кўлим йўқ. Уразгул қувиб юборса қаерга бораман. Уразгулнинг бу қилмишини юзига солсам, мени яна сулайтириб урмасин тагин, деб қўрқаман.

Ўйимнинг охирига ета олмадим. Охири Матниёзни

ўроқ олиб келишга юбориб, ўзим Эшмирза билан қолдим. Эшмирзанинг менга жуда ҳам ўхшаганига ҳайрон бўлиб, унинг афти-башарасига қараб яна ўйланиб қолдим. Бекмирза ҳам, Эшмирза ҳам ота-онасига эмас, менга ўхшар эди.

Матниёз ўроқни олиб келди, зовурнинг икки томонидан ўт ўрдим, ўзим кўтара оладиганимни орқаладим, қолганини Матниёз кўтарди. Ўтни молхонага келтирдик. Ўтни тушираётганимда Ҳузғулга кўзим тушди, у менга қараб турарди. Бесабаб ураверганидан Ҳузғулни ёмон кўрардим. Юзига қарагим келмасди. Қаршилиқ кўрсатай десам, кучим етмасди. Ҳузғул ҳам кўз қирини ташлаб, менга ёмон қарагандай бўларди.

Шундай бўлса ҳам, шу пайт Ҳузғулнинг менга қарашида сал илиқлик бордек туюлди. Одатда у менга қовоғини солиб гапирарди. Бу сафар эса очиқ чеҳра билан гапирди. Ундай қил, бундай қил, укаларингни ўйнат, молларга ўт сол, дегандай бўлди. Аммо бу гаплар менга ёқмади.

— Бошим оғриб турибди, бир ухлаб олай, сизлар ўйнаб келинглар. Келганларингдан кейин сиқмон<sup>1</sup> пишириб бераман,— деди. Бу гаплар менга ёқмаса ҳам диққат билан эшитдим. Ҳузғулнинг тилёғламалиқ қилишида бир гап бор, нега яхши гапириб қолди, деб ўйлайман.

— Анави ёққа боринглар, Турдибой, Чимберген билан ўйнанглар,— деб такрорлади Ҳузғул.

Бу гапларни ҳадеб такрорлайвериши кўнглимга шубҳа солди. Учовимиз кунчиқар томонга кетдик. Ҳузғул кетимиздан бир оз қараб турди-да, кейин эснаб, икки қўлини энсасига тираб, керишганича уйга кириб кетди. «Анави ёққа бориб ўйнаб келинглар, мен ухлаб олай» деганида, кўз олдимда ҳийлакор мулланинг башараси гавдалангандай бўлди.

Қулоғида заргар қуйган сирга бор,  
Улоқ гўштин еяр бўлсанг қирга бор,  
Муҳаббатнинг гаштин сурай десанг,  
Кундуз ухлаб, оқшом туриб ёрга бор,—

деган қўшиқ қулоғимга эшитилгандай бўлди.

Матниёз билан Эшмирзани эргаштириб, Турдибой,

<sup>1</sup> Хамир овқатнинг бир хили (тарж.).

Чимбергеннинг олдига бордим. Қош қорайгунча ўйнадик. Қуёш ботгандан кейин икки укамни эргаштириб уйга келдим. Уразгул ваъдасининг устидан чиқиб, сиқмон пишириб қўйган экан. Бу сафар заранг косага сиқмон қўйиб олдимга қўйди. Уни ичиб бўлганимдан кейин яна қўйиб берди. Уни ҳам ичиб олдим. Яна қўйиб берса ичардим-у, лекин бундай қилмади. Заранг косани олиб, ичига иссиқ сув қўйди, ювиб, артиб жойига қўйди. Эшмирза билан Матниёз бўлса, биринчи қўйиб берган овқағни ҳали ҳам ичиб бўлишгани йўқ. Турсин сулуз кўз деган холамиз, «етимнинг қорни кенг бўлади», дер эди.

Менинг шундай хаёлларга борганимни билган Уразгул: энди сен йигит бўлиб қолдинг, шу уйнинг эгаси



сенсан, мол-ҳолнимиз бор, қақир-қуқуримиз бор. Кеча анави овулда бировнинг сизгини ўғирлаб кетишибди, кун иссиқ, ҳовлида кўз-қулоқ бўлиб ёт, деб гапира кетди. Уразгул мени бу гапларни айтаётганида, яна уришадими деб, Матниёз билан Эшмирза сиқмон ичишни йиғиштириб қўйиб, қулоқ солиб туришарди. Уразгулнинг гапларини яхши тушундим. Бу гапларнинг илдизи қаёққа бориб тақалишини сездим.

У гапини тугатибоқ, «ҳа» ёки «йўқ» дейишимни ҳам кутмай, молхона эшиги олдига тўшак солиб берди. Мен ҳам ноилож ётдим. Ҳовлига чиқиб ётишим биланоқ Матниёз билан Эшмирзани ҳам ётқизди. Бир вақт чироқ ўчди, Уразгулнинг ўзи ҳам ётганга ўхшади. Лекин менинг уйқум келмади. Бутун хаёлим муллада эди. Бугун мулланинг келишини

яхши биламан. Алламбергенга айтсаммикан, ёки Убайдулла билан Сейдуллага айтсаммикин, деб ўйлайман.

Орадан анча вақт ўтди, нима қилсам мулланинг таъзирини бераркинман, деб ўйлаб-ўйлаб, бир нарса эсимга тушиб кетди. Абдулла Умаров деган бир йигит бўларди. У чаққон бола бўлиб, шаҳарда катта бўлган, чимбойлик эди, овулга бир қариндошиникига келиб турарди. Абдулланинг қўлидан ҳар иш келар, бизга ҳар хил ўйинлар ўргатарди. Турдибой билан мен унинг ўйинларини дарров ўрганиб олардик.

Ана ўша ўйинлардан бири ёдимга тушиб ирғиб ўрнимдан турдим-да, оёқ учида бориб ўтовга қулоқ солдим. Ҳеч қандай овоз чиқмади. Ен-веримга қулоқ солдим-да, кейин мулла келадиган йўлга чиқдим. Тун қоронғи бўлса ҳам, кўзи ўрганган одам анча-мунча нарсани кўра оларди.

Илиқ ёз шамоли эсиб турар, баъзан тун қушлари ва итларнинг овози эшитилиб қоларди. Ҳамма уйқуда. Атроф жимжит. Мулланинг йўлига пешвоз чиқиб, анча вақтгача турдим. Узоқларга тикиламан, чор атрофимга қарайман. Орадан анча вақт ўтгач тун тинчнини бузиб келаётган муллани кўрдим.

Йўлнинг ўнг томонидаги тепаликка чиқдим. Тепалик чаңгал ва ўтлар билан қопланган эди. Ўтларнинг ўртасига ўтириб олганимда, мулла анча яқинлашиб қолган эди. Кийимларимни ечиб, муллани кўрқитдим.

— Астағфирулло! — деб мулла турган жойида қотиб қолди.

«Худо, ўз паноҳингда сақла! Гуноҳимни кечир, эй парвардигор», деб қўлини кўксига қўйди. Ўша пайтда биров туртиб юборса, мулла йиқилиб кетгудек эди. Кийимимни бошимга салла қилиб ўраб муллани қувлаб кетдим. Мулла ит қувлаган эшакдай тирақайлаб қочиб берса бўладими! Гандираклаб, ҳар қадамда бир қоқилиб йиқилиб, оёғидаги кавуши икки ёқда қолиб кетди. Мулла «вой-вой»лаганча орқасига қарамай овулгача қочиб борди. У оёғи ерга тегиб-тегмай қочарди. Қўрққанидан йўлнинг фарқига бормас, оқбош, янтоқ, чаңгал, юлғин борми — орасидан ўтиб кетарди. Мен анча ергача мулланинг орқасидан бордим. Мулла ҳансираганча овулда кўздан ғойиб бўлгач мен ҳам орқамга қайтдим.

Мулланинг йўлда қолган кавушини кийиб олиб, уйга

қайтдим. Овулга яқинлашганимда хаёлимга яна бир нарса келди. Бу кавушни қаёққа қўйсам экан. Эрталаб мулла изимдан келиб фаҳмлаб қолса, мени ер билан яксон қилади, деб қўрқдим. Кавуш ҳамон оёғимда, энди нима қилсам экан? Босган изимдан яна орқага қайтдим. Овулни айланиб, зовур ёнидаги юлғунзорга келдим.

Юлғунни муллалар «хосиятли гиёҳ» дейишарди. Кавушни юлғин шохига илиб қўйдим. Товоним билан юриб зовур бўйига чиқдим. Сабаби, алвастининг панжаси бўлмайти, товони билан юради, деб эшитган эдим. Эрталаб мулла изимга тушса, бу алвастининг изи экан, деб ўйласин дедим. Бораётганимда кўприкдан ўтган бўлсам, қайтишда зовур ичига тушиб ўтдим. Изимни билиб қолмасин деб, уйга яна ажриқзордан қайтдим. Уйга келдим-у, нафасимни босиб бир оз ётдим.

— Жўлмирза,— деган Уразгулнинг товуши эшитилди. Мен индамадим.

— Жўлмирза деяпман,— деб қаттиқроқ бақирди у.

— Нима?— деб жавоб бердим уйқусираган кишидай.

— Ажалнинг уруғи!

— Нима деяпсиз?

— Қаттиқ ухлама, ўлиб қолибсан-ку!

— Ўлганим йўқ,— дедим нима жавоб беришимни билмай.

— Сергак ёт.

— Яхши.

Уразгул шу вақтгача ухламай ётган экан, бир оздан кейин ҳовлига чиқди. Атрофимда айланиб, ёнимга келди. Бет-кўзимни силаб кўрди. У келаётганида, кўзимни қаттиқ юмиб, ўзимни ухлаганга солиб ётдим. Лекин юрагим дук-дук урарди. Айёр хотин юрагимга қўл солиб кўриб, сиримни билиб оладими, деб қўрқиб ётдим. Уразгулнинг мен билан иши бўлмади, уйнинг атрофини қараб чиқди, теваракка назар солди. Мен эса буларнинг ҳаммасини кўриб ётибман. Атрофни қараб чиқиб, ҳеч ким келмаганини кўргач, уйга кириб кетди...

\* \* \*

Кечаси ҳовлида ётганимдан гумонсиради шекилли, ёки бўлмаса бошқа сабаб биланми, ҳар қалай, Уразгул бугун менга уйда ёт деб қолди. Уразгул нима буюрса

ҳам йўқ деёлмасдим, албатта. Энди ётайлик деб турганимизда мулла келиб қолди. Ҳузурнинг қувончи ичига сиғмай ўрнидан сапчиб турди. Муллани очиқ чехра билан кутиб олди. Тўрға кўрпача солиб берди. Мулла кириб келганда қиш чилласида устимдан муздек сув қуйгандек бўлди. Унга энг жирканч одамга қарагандай қарадим.

Мулла тўрға чиқиб ўтирди. Қўлини ёзиб, юз-кўзидан бошлаб соқолигача силаб, алланималарни пичирлаб фотиҳа қилди.

— Мана бу болаларнинг отаси тушимга жуда тез-тез кирадиган бўлиб қолди. Шунга озгина бўғирсоқ пишириб, қуръон ўқитиб юборай, деб сизни чақиртирган эдим,— деди Ҳузур қозон атрофида уймалашиб. Мулла ҳам унинг гапини маъқуллаб, алланималар деди. Бўғирсоқ пишиб, чой дамлагандан кейин, Ҳузур мулланинг олдида дастурхон ёзиб, уни ноз-неъматлар билан тўлдириб ташлади.

Мулла чой ичиб ўтирганида Ҳузур Матниёз икковимизни уйғотиб, товухонадаги хўрозни ушлаб келгани жўнатди. Ҳузур уйғотганда ўзимни ёлғондан ухлаганга солиб ётгандим. Чўчиб уйғонган бўлдим. Матниёз билан майдонга чиқдим. Товухонага кирдик.

Гугурт ёқиб, хўрозни ушлаб олиб келдик. Хўрозни овоз чиқаришига ҳам қўймасдан, бўйнидан хиппа бўғиб Ҳузурнинг қўлига бердим. Мулла дарров ёнидан пичоғини олиб, хўрозни эшик олдидаги ўчоқнинг устида сўйди. Ҳузур хўрознинг бўйнидаги қонни ювиб, патини юла бошлади. Ҳузур билан мулланинг бир-бирига маъноли қараши, кўз уриштиришини кўрганим сари юрагим сиқилиб, уйдан чиқиб кетишга баҳона қидирардим.

— Қорним оғрияпти,— дедим ниҳоят Ҳузурнинг қулоғига пичирлаб.

— Ул... эшикка чиқ, ҳа одобсиз, ҳирсдай бўла туриб шу гапларни айтадимни киши,— деб Ҳузур мени уришиб берди.

«Чиқ» дейиши биланоқ ташқарига югурдим. Ҳузурни алдаб эшикка чиқиб олганимдан ҳурсанд эдим. Мен дарров Алламберген оғанинг уйига югурдим. Бахтимга оға хотини ва боласи билан уйда ўтирган экан. Эшикдан кирмасданоқ ўзимни тўтолмай йиғлаб юбор-

дим. Оға белбоғи билан күз ёшимни артиб, бошимни силаб, ҳол-аҳвол сўради.

Унга мулла билан Уразгул ўртасида бўлган ҳодисаларни бирма-бир сўзлаб бердим. Оға гапимни эшитиб бўлиб, яхши, бир оздан кейин бораман, деди.

\* \* \*

Уразгул қозоннинг қопқоғини очди. Хўроз гўшти солинган паловнинг хушбўй ҳиди сўлагимни оқизиб юборди. Уразгул гуручни ағдариб кўрди, капгир билан гурс-гурс уриб, устини сийпалади. Кейин дамлаб қўйди. Гуручни ағдараётганида, ер остидан қараб ўтирганимни Уразгул сезган экан.

Палов егим келгани шунчаликки, қозондан кўзимни узолмай қолдим. Уразгул менга ўқрайиб қараб қўйди. Ўқрайса-ўқраймаса, у билан ишим йўқ, фикри-ёдим паловда. Шу лаззатли паловдан бир ошасам майлийди, деган хаёл кўнглимга қаттиқ ўрнашиб қолди. Кўп йиллардан буён палов еганим йўқ эди-да!

Уразгул ошдан бизга ҳам берар, ўзларига бир товоққа солар, балки Матниёзни ҳам чақирришар, Эшмирза иккаламизга заранг-паранга солиб берар ёки менга қозоннинг қирмочи тегармикин, деб ўйлаб ўтирарканман, Уразгул ўрнидан турди.

Ҳар кунни мен ётадиган увадаси чиққан кўрпани муллага билдирмай ҳовлига олиб чиқди. Буни кўриб ёқамдан сумалакдай совуқ муз киргандай бўлди. Кўнглим хунук бир нарсани сезиб турарди. Мулланинг олдида айтишга тортиндими, илгари отимни айтадиган Уразгул бу сафар: «Ҳой бола!» деб мени нозли овоз билан ҳовлига чақирди.

— Мулламиз болалар олдида овқат ея олмас эканлар, укаларингни олиб, шу ерда ётақол, сизларга овқатдан кўп олиб қўяман, укаларингни чақир,— деди.

Унинг гапларига ишонгим келмади-ю, лекин ноилож рози бўлдим. Кўнмай ҳам иложим йўқ эди. Матниёз билан Эшмирзани чақирган эдим, улар эринчоқлик билан олдимга келишди. Уларга ҳовлида ётишимизни айтдим.

Шу орада оёғи-оёғига тегмай юрган Уразгул кўрпатаўшакни олиб келиб, бизга ўрин солиб бўлган экан. Матниёз, қорним очди, деган эди. Уразгул «ёт!» дейиши биланоқ Матниёз ҳам, Эшмирза ҳам ўзларини таппа



тўшакка ташлашди. Мен ҳам Эшмирзанинг ёнига ётдим. Уразгул гамхўрлик қилган киши бўлиб ён-веримизни қимтиб ўраб қўйди-да, ичкарига кириб кетди.

Матниёз, Эшмирза учаламиз гинг демай ётибмиз. Ичимизда энг ёшимиз Эшмирза. Иккаламизнинг ҳам унга раҳимиз келади, лекин қўлимиздан нима ҳам келсин. Бир оздан кейин Эшмирза қулоғимга шивирлаб сув сўради. Ичкарига киришга қўрқаман. Ҳовлида четанга қистириб қўйилган қовоқда сув олиб келиб бердим. Эшмирзадан қолган сувни ўзим ичдим. Оёғимнинг учида, овоз чиқармай юриб бориб, қовоқни ўрнига илиб келдим.

Матниёз ухлаб қолган экан. Эшмирза ҳам сув ичгандан сўнг данг қотиб қолди. Мен бечора ухлай олмай у ёнбошимдан-бу ёнбошимга ағдарилман. Эрталабдан бери оч юриб сувни кўп ичиб юборган эканман, ҳар ағдарилганда ичимда «шилқ-шилқ» қилади. Бунга гоҳ хўрлигим, гоҳ кулгим келади.

Уйқу қурмагур келавермади ҳадеганда...

Бир пайт уй ичидан гўнғур-гўнғур овоз чиқди. Мулла билан Уразгул нима ҳақдадир гаплашаётган эди. Гаплари аниқ эшитилмасди. Шунча қулоқ солсам ҳам гапларини англай олмадим. Беихтиёр ўрнимдан туриб эшикдан мўраласам, қозон ўчоқдан туширилган экан. Уразгул лаганни артиб-тозалаб, палов суза бошлади. Садағанг кетай қизил палов, капгирнинг лаганга тегиб тикирлаши биланоқ ҳиди эшикдан чиқиб худди бурнимни қитиқлаётгандай бўлди.

Лаззатли палов билан лиммо-лим тўлган лаган мулланинг олдига ёзилган дастурхонга қўйилди. Уразгул қулайроқ ўтириб олди-да, хўрознинг бўтакасини, тўшини, сонини устихон деб мулланинг олдига қўйди.

Урф-одатимизга кўра анави бўтака болаларга — Матниёз ёки Эшмирзага тегиши керак эди, қора қонинг келгур мулла гўдакларнинг ризқини еб қўяди-ку, деб жон-поним чиқиб кетди. Уразгул хўроз гўштини тўғраб бўлгач, муллага поз-карашма билан, олинг, деди.

Мулла Уразгулга бир қаради-ю, паловга узун қўлини узатиб оғзини тўлдириб бир ошади. Оғзимнинг суви келиб кетди. Биров орқамдан келиб қўли билан сийпади. Қўрқанимдан бир сакраб тушдим. У Алламберген экан. Севинганимдан теримга сиғмай кетдим. Алламберген мен мўралаган ердан бир қаради-да, эшикни

очиб лип этиб кириб кетди. Кирибоқ муллани савалаб қолади деб эшик тирқишидан қарадим.

Алламберген эшикдан кирганда мулла билан Ҳразгулнинг ранги ўчиб кетди. Мулла шоша-пиша қўлни лагандан олиб:

— Келинг, ўтиринг! Қўлингизни ювинг!— деб овқатга таклиф қилди.

Ҳразгул бўлса ўтирган ўрнида қотиб қолди. Аллаамберген бир муллага, бир Ҳразгулга қараб, гап нимадалигини тушунди. Индамай қўлни ювди-да, чўкка тушиб мулланинг ўнг томонига ўтирди.

— Ҳали ухламаган экансиз,— деди Ҳразгул.

— Паловнинг ҳиди ухлатармиди?— деб чўрт кесиб жавоб берди Аллаамберген.

Мулла ҳам, Ҳразгул ҳам Аллаамбергеннинг важоҳатидан, шартта-шартта гапиришидан бир нарсани фаҳмлади.

— Овқатга қаранг,— деди мулла.

— Олдин сиз олинг,— деди Аллаамберген.

Мулла лаганга қўл чўзиши биланоқ Аллаамберген ҳам паловга қўл урди. Аллаамберген оғзини тўлдириб ошаган сайин палов ўпирилиб кетаверди. Ҳразгулнинг қизганаётганини сезган Аллаамберген атайин катта-катта олиб, устма-уст ошади. Ҳадемай олди ўпирилиб лаганнинг тагига етди. Палов озайган сари Ҳразгул: «Енг, иссиқ-иссиқ енг!» деб турли баҳоналар билан гўшларни мулланинг олдига сўриб қўярди.

Бундан жаҳли чиққан Аллаамберген ошнинг ярмидан кўпини еб қўйди. Айёр мулла Аллаамбергеннинг нафси бузуқ эмаслигини, балки Ҳразгулга аччиқ қилиб кўп еяётганини сизди. Аллаамберген уриш чиқармаса эди, деб ичидан зил кетиб ўтирди. Шунинг учун мулланинг иштаҳаси бўғилиб, палов ея олмай қолди. Бунини мен шўрлик кўриб тургандим. Аллаамберген паловдан ҳар ошаганда худди ўзим ошагандай, жоним роҳат қилгандай бўларди. Эшик тирқишидан қараб туриб, қора терга ботдим.

Орадан анча вақт ўтди. Ҳразгул шунча ҳийла қилса ҳам, Аллаамберген паловни охиригача туширди. Лаганда бир дона ҳам гуруч қолмади десам ёлғон бўлмас. Аллаамберген лаганнинг тагигача ялади. Гоҳ-гоҳ паловдан бир ошаб, қалтираб ўтирган мулла ноилож:

— Ошни эгасига бер деганлар,— деди.

— Ошнинг ўзи эгасиники-ку!— деб жавоб қилди Алламберген.

— Чақирилмаган киши буюрилмаганини ейди,— деб сўзга аралашди Уразгул лаганни олиб кетаётиб. Лекин Алламбергеннинг жаҳли чиққанини сезиб қолди-да:— Ҳазиллашяпман, кўнглингизга келмасин,— деб қўшиб қўйди.

— Ҳазиллашиб айтган дилидагни айтади, деганлар,— жавоб қилди Алламберген.

Алламбергеннинг илмоқли гапи Уразгулга ҳам, муллага ҳам тушунарли эди. Бу гап уларнинг тилини боғлаб қўйгандай, анча вақтгача чурқ этишолмади. Алламбергеннинг ярим кечада келиши, айниқса овқат сузган пайтда кўриб келиши муллани ташвишга солиб қўйган эди.

— Ишинг ўнгидан келса отанг билан ҳазиллаш, деганлар. Ҳазилинг ўринли. Палов жуда ширин бўлибди. Устига бир чойнак чой бўлса, узукка кўз қўйгандай бўларди,— деди Алламберген, Уразгулга сир бой бермай.

— Иштаҳангиз жуда очилган экан!..

— Янгасининг қўлидан қайниси овқат еса иштаҳа очилмай қолармиди?

— Авваллари бундай ҳазиллашмас эдингиз-ку!

— Ётсирашиб юардим-да!

— Олдин мени танимасмидингиз?

— Таниш бошқа-ю, ҳазил бошқа.

— Ҳа, энди ҳазиллашадиган бўлиб қолдингизми?— деб Уразгулнинг жаҳли чиқди.

— Бировнинг дилини оғритмаслик керак-да,— деди мулла Уразгулнинг жаҳли чиққанини кўриб.

— Бировнинг дилини оғритмаслик керак деддингизми?— деб қайтариб сўради Алламберген.

— Ҳа.

— Мен бировнинг дилига озор бердимми?

— Янгангизнинг жаҳлини чиқардингиз. Ҳазил бошқа-ю, чин бошқа, деганлар,— деб мулла илжайди.

— Бу яхши гап. Ундай бўлса ростини айтайлик.

— Хўш, ростини айтса нима бўлар экан,— деб хавотирланди Уразгул.

— «Мулламиз», сиз одамларга ақл ўргатасиз, нега ўзингиз тескарисини қиласиз?— деди Алламберген мулланинг юзига тикилиб.

— Мен нима қилибман, Алламбергенжон?

— Сизми?! Сиз сағирларнинг ризқи-рўзига қўл уряпсиз.

— Астагфирулло,— деб мулла ёқасини ушлади.

— Сиз номусимизга тегяпсиз.

— Эй, бадбахт, оғзингга қараб гаппр, қарғишимга учрайсан.

— Ўзинг бадбахт!

— Унақа дема, Алламбергенжон.

— Бола бечоралар ҳовлида ётипти. Сиз бўлсангиз қўлнингиздан мойини оқизиб, хўроз гўшти солинган паловни еб ўтирибсиз. Онасининг ор-номусига тегасиз!..

— Худо йўлида фарз бўлгани учун келдим-да.

— Сизларга фарз-у, бизларга фарз эмасми!

— Насиб қилган экан, сиз ҳам едингиз!

— Бу шолига менинг меҳнатим сингган, сув қуйганман. Мана бу беномус Уразгул мени меҳнат қилганим учун чақиргани йўқ. Ўзим тасодифан гаплашгани келган эдим. Оғир меҳнатни мен қиламан. Ер ҳайдайман, суғораман, парвариш қиламан, болаларнинг оғзига ош бўлармикин, устига кийим-бош бўлармикин, деб тинмай меҳнат қиламан. Меҳнатимиз роҳатини эса сизларга ўхшаган ҳаромтомоқлар кўради. Овқатимизни еб, номусимизга тегадди.

— Мен кетдим,— деб мулла ўрнидан сакраб турди. Алламберген ҳам ўрнидан туриб мулланинг йўлини тўсди.

— Ҳеч қаёққа бормайсиз. Мен сиз билан узил-кесил гаплашиб олмоқчиман.

— Мен сен билан гаплашишни истамайман, йўлимни тўсма!

— Тўхтаг!

— Кўзимга кўринма,— деб мулла Алламбергеннинг юзига бир шапалоқ солди. Алламберген ғазабидан қизариб кетди. У кўзларини олайтириб, муллага тикилганича қолди. Мулла Алламбергеннинг юзига шапалоқ туширганда, Уразгул ўрнидан ирғиб туриб Алламбергенга ташланди. У ҳам Алламбергенни савалаб ташламаса эди, деб қўрқиб эшикни очдим-да, мулланинг олдига қандай борганимни билмай қолдим. Мулланинг шапалоғи жағимга шап этиб туриб қолди. Кўзим тиниб кетди. Эс-ҳушимни йиғиб олгач, бир муллага, бир Алламбергенга қарадим. Икки қўлим билан мулланинг ўнг қўлини чангаллаб, бармоқларини тишлаб олдим. Пак-

кидай ўткир тишим мулланинг бармоқларини кесиб юборган экан, тирқираб қон чиқиб кетди. Мулла бақриб юборди.

Бунн кўрган Ҳразгул одатдагидек оташкуракни олиб менга ташланди. Менга отган оташкурак Алламбергеннинг чап билагига тегди. Қонаган бармоғини рўмолча билан боғлаб олган мулла яна Алламбергенга ташланди-да, кўкрагига мушт солди. Алламберген муллани маҳкам қучоқлаб олди. Иккови юмалашиб, бир-бирини ура бошлади. Ҳразгул қўлидаги оташкураги билан мени қувлаб кетди. Мен бир-бирини дўппослаётган Алламберген билан мулланинг атрофидан айланиб қочиб, туткич бермадим.

Ҳразгул оташкуракни ҳар отганда гоҳ муллага, гоҳ Алламбергенга тегиб, мени уролмасди. Мен Ҳразгулдан қочиб ҳаллослаб юрарканман, Алламберген мулланинг бошлаб таъзирини берди. Ҳразгул мени на ушлаб ололмай, на уриб хумордан чиқолмай, бекорга қува-қува чарчади. Мени қувишдан тўхтаб, оғзи-бурни қора қонга беланиб ўтириб қолган мулланинг ёнига югурди.

Мулла гандираклар ўрнидан туриб Алламбергенга ташланмоқчи бўлган эди, у оёғини кириб туриб мулланинг нягига бир туширди. Мулла гандираклар бориб ерга йиқилди. Ҳразгул овозининг борица дод солди.

— Йиғлама, овозингни чиқарма,— деб бақирди Алламберген.

Ҳразгул овози пасайган патефондай жим бўлиб, пиқпиқ йиғлашга ўтди. Алламберген бурнидан оққан қонни этаги билан артиб, бурнига пахта тиқиб қўйди. Қон тўхтагандай бўлди. Ҳразгул мулланинг бошини суяшга Алламбергендан тортинди шекилли, индамай ўтира қолди. Алламберген аллавақтгача ўзини боса олмай, энтикиб турди.

Мен ҳам ўзимни босиб олдим. Бундай қарасам, чап жағим осилиб кетаётгандай бўлди. Ҳразгулга билдирмай ушлаб кўрсам, чаккам шишибди. Қўлим тегиши биланоқ ачишиб кетди. Чаккамни қайта-қайта сийпалайвердим. Алламберген муллага бир қараб қўйди. Мулла ерга тираниб зўрға ўрнидан турди, ўтовнинг ёғочига осилиб, ниҳоят қадам қўйди. Алламберген ҳам, Ҳразгул ҳам эшик томонга юришди.

— Тўхта, мулла,— деди Алламберген.

— Нима дейсан, қилғиликни қилиб қўйиб, яна нима

демоқчисан?— деди у уйнинг ёғочига суянганича Алламбергенга қарамай.

— Энди бу овулга қадам боса кўрма.

— Шундайми?

— Шундай, етимларнинг ризқини ейдиган бўлсанг, бу дунёдан умидингни уз.

— Шундайми?!

— Шундай!

Мулла уйнинг тўридан остонагача бир неча марта дамани олиб келди. Остонага етгач, Алламберген яна уриб қолмасин деб ёнига қараганча уйдан зўрға чиқиб кетди.

Алламберген мулланинг орқасидан чиқиб кетгач, Ҳазратгул шошиб ўрнидан турди. Мен ҳам Ҳазратгулдан ўтиб кетиб, ҳовлига отилиб чиқдим. Бели майиб бўлган қашқирдай судралиб кетаётган мулланинг орқасидан қараб турган Алламберген ялт этиб менга қаради. Юрагимга қувонч тўлгандай мен ҳам унга кулиб боқдим.

— Жўлмирза,— деди у.

— Лаббай.

— Укаларингни уйғот. Уйга кириб ётинглар.

Чаккамнинг зирқираб оғриётганига қарамай, югурганимча Матниёз билан Эшмирзанинг олдида бордим. Шошиб-пишиб уйғотдим уларни. Ҳеч нарсадан беҳабар қаттиқ ухлаб ётган укаларим тез-тез туртишимдан уйғониб кетишди.

— Опанг чақиряпти,— дедим уларга нима дейишимни билмай.

— Мулла кетдими?— деб сўради Матниёз уйқу аралаш.

— Мулла гумдон бўлди.

— Уйда ётамизми?

— Ҳа, уйда ётамиз!

Бу гап оғзимдан чиқмасданок Эшмирза уйга қараб югурди. Алламберген мени эргаштириб уйга кирди. Уйга олдин кирган Матниёз билан Эшмирза нима қилишларини билмай гўдаиб туришган экан. Улар йиғлаб ўтирган Ҳазратгулга қараб ҳайрон бўлиб туришарди, буни кўрган Алламберген:

— Ҳазратгул, бемехр бўлма, тур,— деди қатъий оҳангда.

— Нега бемехр бўларканман?

— Бўлмаса болаларга ўрин солиб бер.

Уразгул ўрнидан туриб жой солди, ёпинишга кўрпани тайёрлаб қўйди. «Ётинглар!»— деди у бизга қараб. Матниёз, Эшмирза учовимиз Оллониёз оғамдан қолган юмшоқ тўшак билан яхши кўрпа орасига кириб ётдик.

— Тенг-тенги билан дейишган, мулла сенинг тенгинг эмас. Оқ кўнгил болаларнинг ризқини ҳаромтомоқларга берма!— деб Алламберген Уразгулга хўмрайиб қаради-да, чиқиб кетди.

\* \* \*

Муштлашиш «гаштини» суриб ётиб донг қотиб ухлаб қолибман. Уразгулнинг ухлаган-ухламаганидан хабарим йўқ. Эҳтимол ухламагандир... Ужар хотин эди у. Алламбергеннинг гаплари уйқу бермагандир. Уразгулнинг муллага бўлган муҳаббати барбод бўлди-да, ахир. Шунинг учун ухлай олмагандир...

Тонг отиб, қуёш сал тиккароқ кўтарилибди. Қулоғим зирқираб ўзимдан-ўзим чўчиб уйғондим десам, Уразгул қулоғимдан тартаётган экан. Оғриган қулоғимни иккала қўлим билан ушлаб, ўрнимдан сапчиб турдим. Уразгулнинг қулоғимни чўзғилаб турган қўлини зўрға ёздим.

Уразгул менга еб юборгудек тикилар, шу топда отгани ўқи, кўргани кўзи йўқ эди мени.

— Бойваччадай ётишини қаранг-а! Уятсиз! — деб пўнғиллади эшикдан чиқиб кетаётганимда. Уразгулнинг бундай-турткилашларини, қарғишларини ҳар кун эшитаверганимдан, унинг гаплари энди менга кор қилмайдиган бўлиб қолганди.

Уразгулнинг турткилаб уйғотишдан мақсади «қилдан қийиқ» топиб, мени яна дўппослаш экан. Мен даладан ўтин олиб келганимда у Матниёз билан Эшмирзани ҳам уйғотиб юборган эди. Мен келиб яна ўчоққа ўт ёқдим. Қуриб кетгур ҳўл ўтин ёниб кетақолмай, бурқсирди. Уразгулдан гугурт сўрагани ботина олмадим. Мен ёқмоқчи бўлган юлғин нуқул писиллаб чирсиллайди-ю, лекин ёнмайди.

Ўт ёқаман деб пуфлай-пуфлай кўзим қизариб, бошим оғриб кетди. Пуфлаганим сари икки чаккам зирқиллайди, мулланинг тарсакиси тушган ери совуқ чимчилагандай бўлиб оғрийди. Энгашиб, усти-устига ўтни пуфлаб

ёндиролмайт тажанг бўлиб турганимда, биров орқамдан келиб тепиб юборди. Юзим билан ўчоққа йиқилиб, юзи-кўзим кулга беланди. Иссиқ кул юзимни ёндириб юборди деб чаққонлик билан ўчоқнинг нариги ёғига қурбақадек сакраб ўтдим.

Ўчоқнинг у томонида безрайиб қараб турган Ҳузгулни кўриб ўрнимдан ирғиб турдим. Ҳузгулга қарашга ботина олмадим. Нима қилсам экан, деб ўйлашга ҳам вақт бўлмади.

— Ўтни ёқ!— деб шанғиллади у.

Яна ўтни пуфлай бошладим. Бир ўтни пуфлайман, бир тепамда қовоғини солиб турган Ҳузгулга қарайман. Қийналиб ўтирганимни кўрган Эшмирза гугурт олиб келиб берди. Гугуртни энди олай деб турганимда:

— Гугуртсиз ёқ, бу ёққа бер уни!— деб гугуртни кўлимдан тортиб олди.

Бурунги пуфлаш-пуфлашми, ўтни пуфлайвериб ўпкам оғзимга келди. Кўзимдан оққан ёш юзимдан юмалаб этагимга тушди. Салга ёнадиган ўт ёнмай силламни қуритди. Тепамда Ҳузгул қоровулдай ғўдайиб турибди. Мукка тушиб ўтираверганимдан тиззам оғриб кетди. Улдим-толдим деганда зўрға ёқдим.

Ҳузгулнинг жаҳли чиқиб, қовоғи ссилиб кетганини эрталаб турганимдаёқ билган эдим. Бу қорайиб турган булут ёғмай қўймайди, дегандим нчимда. Ҳузгулнинг жаҳли чиққанини Матниёз билан Эшмирзалар ҳам фаҳмлашган экан. Улар ўринларидан турганларидан буён бир оғиз ҳам гапирганлари йўқ. Иккаласи баъзан бир-бирига, баъзан менга қараб қўйишарди. Кўз остидан Ҳузгулга назар ташлашарди.

Ҳузгул гоҳ ўтиради, гоҳ туради. Бир нарсаларни олади-да, яна қўяди. Гоҳ ҳовлига чиқади, гоҳ уйга кирди. Ҳайтовур ҳеч тиним билмади. Менга қумғонни ўтга қўйиб, чой қайнатишни буюрди. Қумғонга сув тўлдириб, зўрға пуфлаб ёндирган ўтимни олдириб ўтирибман. Ҳузгул атрофимда айланиб юриб, ўтирган жойимдан яна тепиб юборадими, деб қўрқиб, алланарсаларни аста-секин қимирлатиб қўяман.

Бир вақт чой қайнади. Қумғонни ўтдан олиб, энди чой дамлай деб турганимда Ҳузгул кўлимга бир урди-да, чойнакни олиб, ўзи чой дамлади. Тундаги паловнинг қирмочларини солиб Матниёз билан Эшмирзанинг олдига қўйди. Иккови олдиларига овқат келганда менга



қараб-қараб қўйишди, нимадир демоқчи бўлишди-ю, Ҳузрулдан ҳадиксираб индашмади. Шундай бўлса ҳам Матниёз чидаб тура олмади-да:

— Кел, бирга ейлик,— деди.

— Ҳузрунинг еяверинглар, очидан ўлиб қолгани йўқ,— деди Ҳузрул.

— У еганими?— деб сўради Матниёз.

— Бу емаса, оғаси еди. Бунинг ҳақи мана,— деб бир чети синган чўмичга кемириб ташланган суякларни, куйиб кетган қирмочни солиб менга берди. Олмасликка қўрқдим. Емай десам тепамда қараб турибди. Синиқ чўмични олиб, куйган қирмоч ва суякларни ноилож ея бошладим. Қотиб кетган ошнинг қирмочи томоғимдан зўрға ўтди. Еб бўлганимдан кейин синиқ чўмични ялаб тозалаб, жойинга қўйдим.

— Еб бўлдингми?— деб сўради Матниёз.

— Ҳа.

— Бу балони ҳам ейди,— деди Ҳузрул чойни бир ҳўплаб.

— Ма...— деб Эшмирза менга хўрознинг бўйини суягини узатди.

— Яхши!— деб энди олай деганимда, шақ этиб қўлимга оташкурак тегди. Қаттиқ силтаганидан унинг бир ёғи эгилиб кетди. Оташкурак Ҳузрулнинг қўлини қисиб олдим, ҳар ҳолда ерга ташлаб, қўли билан овора бўлиб қолди.

— Сен ярамас...— деб менга олайиб қаради.

— Опа!..— деб ялинмоқчи бўлиб эндигина оғзимни очган эдимки, бояги бир ёғи эгилган оташкуракни қаттиқ силтаганини биламан. Оташкурак кўкрагимга гирч этиб киргандай бўлди. Сакраб ўрнимдан турсам, кўкрагимдан тирқираб қон оқяпти. Жонҳолатда кўйлак устидан қон оқаётган жойимни ушладим. Оташкуракнинг учи кўкрагимга чуқур кирган экан. Қон тўхтамади. Оғриққа чидамай типирчиладим. Матниёз билан Эшмирза олдимга келиб, менга тикилиб туришарди.

Менинг жоним оғриганига, болаларнинг менга ачинганларига Ҳузрул парво ҳам қилмади. Оташкуракнинг учи менга суқилдими, кулга суқилдими ёки ерга суқилдими — унинг учун бари бир эди. Чурқ этмай чойини ичиб ўтира берди. Мен ўтга тушган қумурсқадай типирчилаб, қонга ботганимча, кўз ёшимни тўкиб зор-зор йиғлаб қолавердим. Кўкрагимдаги из ўшандан қолган.

Куз ойларининг бири. Яшил япроқлар саргайиб, те-  
рак барги тўкила бошлаган. Жўхорилар пишиб, ўриб  
олинган. Экинлар хирмонга йиғиб қўйилган. Кенг дала  
бўм-бўш. Егин-сочин, намгарчилик...

Уразгулнинг қийноғидан ҳали қутулганим йўқ. Бу  
азоблар озлик қилгандай кузнинг совуқ кунларида ҳам  
яланг оёқ, яланг бош юраман. Шунинг учунми, ҳамма  
жойимни яра-чақа босиб кетди. Бунинг устига калим яна  
қўзиди. Бошимдаги яралар бўртиб қичишар, лекин қўл  
тегиза олмасдим. Булар озлик қилгандай қуймичимга  
чипқон чиқиб, қаддимни ростлаб юролмай қолдим. Ик-  
ки букланиб, қари одамдай зўрга юраман.

Шу аҳволимга қарамай Уразгул тинмай иш буюра-  
ди. Ҳозир икки боғ ўт ўриб, зўрга қўлтиқлаб келяпман.  
Ҳар қадамда ўтириб дам оламан. Ўтирсам зўрга тура-  
ман, оёғимни ноилож қўяман. Чипқон аъзойи баданимни  
лўқиллатиб оғритади. Борган сари иситмам баландлаб,  
бошим зирқираб оғриydi.

Уйга яқинлашганимда олдимдан Алламберген чиқиб  
қолди. У ярим қоп нарсани орқалаб кетяпти. Бу нарсани  
бизникига олиб келаётгандир, деб ўйлаб, салом бердим  
ва гапга тутдим:

— Қаердан келяпсиз?

— Пайкалдан.

— Қопингиздаги нима?

— Жўхори.

— Сотиб олдингизми?

— Йўқ, меҳнат қилиб топдим. Олти ой тинмай иш-  
лаб, шу ярим қоп жўхорини олдим,— деди Алламберген  
ғамгин овоз билан. Мен буни яхши тушунмаган бўлсам  
керак, индамадим. Алламберген вазмин қадам ташлаб,  
уйига қараб кетди.

Мен Алламбергеннинг аҳволига ачиндимми, оғзимни  
очиб орқасидан қараб қолдим. Алламберген уйига ки-  
риб кетгунча орқасидан қараб турдим. Шу пайт Уразгул  
шанғиллаб, мени чақириб қолди.

Уразгулнинг бақирган овозини эшитганимдан кейин  
шунча тезроқ юргим келади-ю, юра олмайман. Чипқон  
қаддимни ростлашга имкон бермайди. Икки букилиб  
зўрга қадам ташлайман.

Олиб келган ўтни молларга солдим, тагини тозалаб

тупроқ тўқдим. Молларга ўт солиб, тагини тозалаб бўл-  
гунимча кеч кириб, қош қорайиб қолди. Ҳориб-чарчаб  
эшикдан киришим биланоқ Уразгулнинг шанғиллаган  
овози эшитилди. «Икки букилиб мени эрмак қилипсан!»—  
деб итдан олиб итга солди. Уразгул кўзларини олайти-  
риб қараган сари жоним чиқиб кетаётгандай туюларди.  
Эшикдан кираётиб: нега кела қолдим, ухлаганидан кейин  
кирсам бўлмасмиди, деб ўйладим.

Уразгул айтадиганини айтиб бўлгандир, энди мени  
тинч қўяр десам, у баттар ўдағайлади:

— Сен кимга эркаланяпсан?

— Эркаланаётганим йўқ.

— Нега букчайиб юрасан?

— Чипқон чиққан.

— Чипқон ҳам оғрийдими?

— Қаттиқ оғрияпти.

— Овқат ейишга соғсан, икки коса ёрма гўжани кўр-  
дим демадинг-ку!

— Ичгим келди-да!

— Ҳа, ичгинг келади, егинг келади. Молларга бўлса  
ўтни кам олиб келасан.

— Кучим егани шу бўлди.

— Тур ўрнингдан, чипқонинг болаларимга юқиб қо-  
лади.

— Бирга ётмайман-ку.

— Ётмасанг ҳам ёпишасан, тур, йўқол кўзимдан.

Ноилож энгашиб ўрнимдан туришим биланоқ Ураз-  
гул оташкурак билан нақ чипқонимга тушириб қолди.  
Пишиб, патос боғлаб турган чипқонга темир теккач ни-  
ма бўларди. Оташкурак чипқонга эмас, юрагимга сан-  
чилдими дедим. Ҳушдан кетиб ерга йиқилдим. Қўйми-  
чимдан оққан йиринг аралаш қон тиззамга туша бош-  
лади. Бутун баданим ловуллаб кетди. Зўрға ўрнимдан  
турган ҳам эдимки, яна оташкурак тушиб қолди.

— Вой-вой, ҳў отангни!..— деб тура қочдим. Ганди-  
раклаб бориб эшикни очаётганимда, бошимни эшикка  
уриб олдим, кўз олдим қоронғилашди. Бир қўлим билан  
қўймичимни, бир қўлим билан пешанамни ушлаганимча  
от босиб олган мушукдай зинғиллаб қочдим.

Эшикдан чиқаётганимда қулоғимга Матниёз билан  
Эшмирзанинг аянчли овози эшитилди. Ҳовлига югуриб  
чиқдим-да, Қутулмек ариғи ёнига келдим.

Зимистон кеча. Қабрга боришимни билмайман. Қон-

га беланган ич кийимини ечиб ариқда ювдим. Қал ялангбош юрмайди. Бошимга бало бўлмас деб рўмолни ечиб, ёрилган чипқонни боғладим. Тезда кийимини кийдим. Энди қаерда ётиш керак?

Азоб-уқубат, хўрлик қалбимни эзди. Хаёл денгизига ботдим. Ўйлаб-ўйлаб ўйимнинг охирига етолмадим. Хаёлим ҳар ёқларда кезади. Шунча ўйлаб, қаерга бориб ётишимни билолмадим. Оғир хаёл, чексиз қайғуга чўмиб турганимда ёмғир ёға бошлади. Қутулмек ариғининг ғарб томонидаги ғарам ёдимга тушди.

Ёмғирда қолмай деб ғарамга қараб югурдим. Унинг ёнига бориб, атрофида айландим, қаерида ётишни билолмадим. Ҳозиргина ювган кийимим шалаббо бўлиб кетди.

Устимдан ёғаётган ёмғир, оёғим остидаги сув баданимни жулжиктириб юборди, совуқ едим. «Ҳаракатда баракат, қимирла, жим турма, совуқ сб ўласан» деган овоз эшитилгандай бўлди хаёлимда. Ҳеч бўлмаса оёғимдан зах ўтмасин деб, югуриб ғарам устига чиқдим. Бу ерда аввалгидан баттар бўлдим. Қиш кунлари қорни гирчиллатиб, яланг оёқ юриб, совуқ емаган бўлсам, энди қалтирай бошладим. Ёмғир фақат менинг устимга ёғаётгандай туюлди, кенг дунё кўзимга тор кўринди. Хафачилик бутун вужудимни қамраб олди.

Хўнграб йиғлаб юбордим. Кўз ёшларим ёмғирга аралашиб, турган жойимни денгиз тўлқинига айлантриб юборгандай бўлди-ю, бошим айланиб кетди. Анграйиб туравермай деб ғарам устидан пастга тушдим. Похोलни кавлаб ўзим сизадиган жой тайёрладим. Нари-бери ичига кириб ёмғирдан бир оз қутулгандай бўлдим. Ёмғир ҳамон саваларди, мен похол билан тешикни беркитдим. Бундай яшагандан кўра ўлганим яхшироқ, деб ғужанак бўлиб ўтирганимча ухлаб қолибман.

Босинқираб, бақириб уйғониб кетдим. Апил-тапил кўзимни очсам кун чиқиб қолган экан. Ёмғир тиниб, ер кўпчиган хамирдай юмшоқ бўлиб қолибди. Ғарам орасидан чиқдим. Уразгулнинг юзини кўрмаганим бўлсин, деб йўлга тушдим. Оллонийез ариғи, Бекиш овули усти билан, Бойниёз махсумнинг уйи олдидаги катта йўлдан бориб Ерпўлат овулига чиқдим. Кейин Чимбойга, Чимбой шаҳрига эмас: 1-май овул Советига қарашли Қайчили овулига қараб йўл олдим.

Уша Қайчили овулида Тўра қайчили, унинг укаси

Олтоннѳз қайчили деган одамлар бор. Улар Уразгулнинг акаларн бўлади. Мен шу Тўра қайчилининг уйига кетаётган эдим. Унинг Пардеш деган хотини бўлиб, бир вақтлар пешанамни силаб, эркалаган эди. Яна меҳрибончилик қилар, деган умидда уларникига кетяпман.

Поёнсиз яланглик. Бунинг устига ўзим ёлғизман, денгиздаги ёлғиз елканга ўхшайман. Мендан бошқа жон асари йўқ. Узоқ тепаликлардаги чаңгал ва юлғунлар аллақандай ваҳимали кўриниб, кўнглимга қўрқинч солади.

Тўлнинг ярмисига келганимда узоқда елиб келаётган оқ туя кўринди. Туянинг бўйнига ҳар хил капалаклар ёпишиб олганга ўхшарди. Бу туя оқбош устига ағанаганга ўхшайди, оқбошнинг уруғи ёпишиб қолибди, деб ўйладим.

Қўрқинчининг кўзи катта, дейдилар. Бунинг устига текисликнинг этак-этаклари тўлқинланаётган денгизга ўхшаб кўринади. Яқинлашганинг сайин, денгиз сендан қочиб кетаётгандек туюлади. Бу денгиз эмас, сароб эди. Кўз олдимда ўрқач-ўрқач тўлқинлар намоён бўлди. Сувнинг нариги томонида туя менга қараб келмоқда.

Нима қилай, қаёққа қочай? Туя тўғри мен томонга келяпти-ку, деган ўй хаёлимдан йилт этиб ўтди. Йўлдан четланиб, ўнг томонга ўтиб олдим. Икки кўзим туяда, ҳозир келади-ю, таппа босиб, тўши билан мени мажақлаб ташлайди. Ана оғзидан кўпик сачратиб келяпти, маст туяга ўхшайди, деб қўрқдим. Қўрққаннимдан оёғимда дармон қолмади.

Шу тарзда қўрқиб келаётганимда олдимдан эски зовур чиқиб қолди. Нима бўлса ҳам туяга кўринмаслик учун зовурга тушиб олдим. Чарчаганимга қарамай, зовурдан зинғиллаб қолдим. Бу югуришимда туя менга етиб бўпти, деб ўйладим. Ешлигимда жуда тез югурадиган эдим. Теңқурларимнинг ҳаммасидан ўзиб кетардим.

Орадан анча вақт ўтди. Ҳалниям югуриб кетяпман. Қора терга ботиб кетдим. Мен туяни кўрдим-ку, у ҳам мени кўргандир, кучим борича тезроқ қочиб, теракзорга етиб олай, ҳеч бўлмаса ҳув ялангликка етиб олсам, Кегейли ариғи яқин, маст туя қувласа ўзимни ариққа ташлайман. Роса югурдим. Палахмондан отилган кесадек физиллаб борарканман, зовурнинг бошига қараб кетяпманми ёки этагигами — буни билмайман. Зовурда сув

бўлмагач, этаги қаёқдаю боши қаёқдалигини билиб бўлармиди.

Зовурнинг кўмилган ерига келиб қолдим. Бу қанақаси бўлди, деб тумшуғи тошга теккан чўртонбалиқдек тўхтаб қолдим. Ўгирилиб орқамга қарадим, ҳеч нарса кўринмади. Олдинга қараб югурдим. Олдимдан чиқиб қолган тик жарга қарадим, чиқишнинг иложи йўқ. Унг томонга бурилиб, зовурнинг аллақачон кўмилиб қолган жойидан тирмашиб, тепага чиқа бошладим. Худди тоққа чиқаётгандекман. Чор атрофга аланглаб қараб қўяман. Яқин атрофда туядан ном-нишон кўринмайди. Ниҳоят тепага чиқиб олдим.

Рўпарамдаги кичик дўнгликка ўтирдим. Шунда ҳам атрофимга қараб-қараб қўяман. Оқбош, янтоқ, қорабароқ ва чангалдан бошқа нарса йўқ. Урнимдан туриб орқага қараган эдим, боя менга туя бўлиб кўринган нарса қалин чангалу унга тирмашиб ўсган туясинар ўти экан.

Ўша ердан ўтгандан кейин йўлнинг ярмиси қолди чоғи деб ўйладим. Унг томонимдаги буталар орасидан сариқ ит чиқиб келганда шунчалик қўрқиб кетдимки, икки қўлимни кўтариб «дод» деб юборганимни билмай қолдим. Ит додлаганимдан қўрқиб кетиб, қайрилиб қочаман деб аксинча менга яқинлашиб қолди. Шунда таппа ерга ўтириб қолиб шоша-пиша икки қўллаб тупроқ соча бошладим. Ити тушмагур қочиб қолибди. Бир маҳал қарасам, шошиб қолганимдан итга тупроқ сочаман деб ўз бошимдан сочаверибман. Тупроқни қоқиб ташлаб, йўлимга равона бўлдим.

Кўп ўтмай овул кўринди. Қайчили овули деган бу элат узоқдан кўзимга илиқ кўринди. Албиратқон аллонидан ўтдим. Узоқ, машаққатли йўл, менга узоқдан туяга ўхшаб кўринган чангал орқада қолди. Қовжираган бий даладан, саҳрою чўлдан қутулиб, белга қувват берадиган, инсон меҳнати билан қулф уриб турган, қалин гиламдай кўк либос кийган, бахт бешиги бўлган ерга қадам қўйдим.

Кун ботай деб қолган бўлса-да, чиройли манзарага мафтун бўлиб, узоқ туриб, қолдим. Назаримда ўлим дунёсидан, ҳаёт дунёсига роҳат қучоғига кириб бораётгандек эдим. Ҳавоси нақадар яхши, тўйиб-тўйиб нафас олгинг келади.

Қайчили овули Чимбой районининг жануб томони-

да эди. Кейинчалик уни 4-овул деб ҳам аташди. Бу овулда Анна, Аралбой уйлари бор. Энг эски оти — Қайчили овули. Мен саҳардан буён шу ерга келаман деб йўл юрдим. Бу ернинг йигитлари забардаст, чавандоз, қизкелинлари гўзал, мард, ўз элига доғ туширмасликка ҳаракат қиладиган элат деб эшитган эдим.

Қайчили овулининг полвони енгди, Қайчили овулининг қизлари улоқ келтирган йигитларга рўмол соврин қилипти, ундай қилипти, бундай қилипти, деган гапларни илгари кўп эшитган эдим. Овулнинг донғи кетган чавандозларидан бири Ережеп чавандоз эди. У ўз меҳнати билан кун кўрган киши. Ешлигидан меҳнатсевар бўлган, ишнинг оғиридан қочмаган.

Ережеп чавандознинг ўғли Иброҳим, Иброҳимнинг ўғли Дилмурод оталари каби ёшлигидан от боқиб, улоқ чопган йигитлардан бўлган. Бу овулда тўрт Иброҳим бўлиб, уларнинг феъл-атвориغا, юриш-туришига, бўйибастига қараб, ҳар бирига лақаб қўйишган. Юқорида мен айтган кишини Иброҳим Қирон дейишарди. Чунки улоқ чопганда ҳеч кимга олдирмас экан...

Мен овулга яқинлашдим. Овулда ўрта бўй, қирра бурун одамга дуч қелдим. Ёши ўттизлардан ошгандирок, деб ўйладим. Кўзлари остига бир оз ажин тушган.

Шу олдидан чиққан одамдан Тўра қайчилининг уин қаерда деб сўрашга жазм этдим. Муҳтож бўлган одам ийманиб гаплашгандек, мен ҳам у киши билан илжайиб гаплашдим.

У одам яқинлашгач, менга кулиб қарагандай бўлди. Мен ҳайрон бўлдим. Яқинлашган сари мени бировга ўхшатгандек, кўзини узмай келяпти. Мен уялиб, янги тушган келинчакдек ийманиб ерга қарадим. У одам қўл бериб сўрашадиган даражада яқинлашгач, у қувониб кетгандек бирдан:

— Ие, кўшиқчи бола келяпти-ку,— деди.

Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Бу одам мени бирор ерда кўрганмикин, деб ўйладим. Бўлмаса кўшиқ айтишимни қаердан билади. Лекин у мени бирор ерда кўрган деб ўйлаганим нотўғри бўлиб чиқди, юзимга қараб туриб:

— Овулимиздаги тўйга келяпсанми?— деб сўради. Мен эса нима дейишимни, нима жавоб қилишимни билмай:

— Ассалому алайкум,— деб қўл узатдим.

— Ваалайкум ассалом,— деб кўришди у.— Сени

Қўшқўпирдаги тўйда кўрган эдим. Гўзал қизлар чиққан аравада шотининг яқинига ўтириб олиб ашула айтган эдинг. Бизнинг овулга келишингдан бу ерда ҳам тўй борга ўхшайди,— деди.

Мен тўйга эмас, шу овулнинг ўзига келаётганимни айтдим. Бўлган воқеани тушунтириб бердим ва:

— Тўра қайчили деган оғанинг уйи қайси?— деб сўрадим.

— Тўра бизнинг оғайниларимиздан бири. Унинг уйи хув теракзорнинг нариги томонида. Урис йўлнинг Кегейли томонга кетган тарафида, қўштераkning тагида.

Мен бу киши Дилмурод оға эканини энди эсладим. Қўшқўпирда катта тўй бўлган эди, ўша тўйга кетаётганда қизларнинг аравасига чиқиб олиб, Турдимурод иккаламиз қўшиқ айтганимизни Дилмурод оға кўрган эди.

Куз ойлари эди. Кўкда мезонлар парвоз қиларди, экинлар йиғиштириб олиниб, далага мол қўйиб юборилган эди. Уша пайтда катта тўй бўлди. У кимнинг тўйи экани ёдимда йўқ. Овулимиз қизлари тўй бўлса бизни бирга олиб кетишарди. Турдимурод иккаламиз тўйга кетаётганда ҳам, қайтаётганда ҳам тўхтамай қўшиқ айтардик. Иккаламизнинг овозимиз шундай мос тушардики, эшитган одамлар ҳайрон қолишарди. Биз ихлос билан, терлаб-пишиб қўшиқ айтардик. Тўйга етиб борганда ҳам улоқ бошлангунча ҳамма биз тушган араванинг атрофига тўпланиб, қўшигимизни тингларди.

Уша тўйда қўшиқчилар кам эканми ёки биз яхши айтдикми, ҳар қалай аравамизнинг атрофи тўлиб кетди. Одамларнинг завқланиб тинглашини кўриб, қувонганимиздан қўшиқни қўшиққа улайвердик. Тўриг от минган қирра бурун йиғит одамларнинг орасини ёриб ўтиб, аравага яқинлашди. Биз энди қўшиқни тугатган эдик.

— Қулоқнинг қорни йўқ, деганлар. Болалардан бир эшитайлик деб келдик,— деди йиғит араванинг олдига яқин келиб.— Узоқдан келган меҳмонмиз, илтимос қиламиз, биз ҳам эшитайлик,— йиғит кулиб туриб шундай деди-ю, менга қараб кўз қисиб қўйди. Қизларнинг янгаси Дуржон опа унинг кўз қисганини кўриб қолди.

Ёримга ярашсин деб  
Эккан эдим теракни,  
Ўзи терак бўлса ҳам  
Эгасига керакдир.—



деб жавоб қилди Дуржон опа. Буни эшитган қизлар тан бериб, бир-бирига қарашди.

Ярашсин деб эксангиз  
Ёрингизга теракни,  
Сарв терак сояси  
Иўловчига керакдир,—

деб ҳалиги йигит шоирлардай жавоб қайтарди.

Иўловчи бўлиб, терак —  
Соясига келсангиз,  
Ўрсандмиз сиз меҳмондан,  
Қани, ўйнаб-қулсангиз! —

дея Дуржон опа йигит сўзларига дадил жавоб берди. Аммо йигит ҳам бўш келмади:

Шу сояли теракнинг  
Бир шохини берсангиз,  
Бошга соя қилайлик,  
Сидқидилдан, кўнсангиз!

Йигитнинг бу шарт кесиб айтган гапларидан янгамиз енгилиб қолди-ку, деб, қизлар бир-бирига қараб қўйишди.

Меҳмонни ҳурмат этиш  
Эл одати азалдан,  
Қўшиқчилар, борингиз,  
Сизга рухсат қизлардан,—

деб Дуржон опа бизларга рухсат берди. Турдимурод иккаламиз аравадан тушишимиз биланоқ ҳалиги йигит иккаламизни орқасига мингаштириб олди, буни кўрган халойиқ кулиб юборди.

— Воҳ, зап йигит эканми!

— Қизларнинг янгасини енгди.

— Енгиб, қўшиқчи болаларни олиб кетди.

— Иўқ, кўпни кўрган қизлар экан, сийлашди,— деган овозлар эшитилди.

Ҳамма бизнинг кетимиздан эргашди. Овулимизнинг қизлари тушган аравани Утамурод қийшиқ деган миниб келган эди. Биз кетгандан кейин, болаларни нега бериб юбординг, деб Дуржон билан уришибди. Одамлар араванинг олдидан кетиб қолганига номуси келиб, ўзи ҳам аравани ташлаб кетиб қолибди.

Бизни отига мингаштириб олган йигит қизларнинг янгасини енгиб келяпман дегандек мағрурланиб борарди. Уша кетаётганимизда Турдимуроднинг саволларига

жавоб бериб, ўзини таништирган эди. Унинг ота-бобосига чавандоз ўтганини ўшанда билиб олган эдик.

Ўша йигитнинг ўзи ҳозир олдимдан чиқиб турибди. Мен гаплашиб бўлганимдан кейин бу йигитнинг Дилмурод эканини билиб қолдим.

— Бизнинг овул нариги томонда, тўй-томоша бўлса ўзим олиб кетаман,— деб хайрлашди у.

Кун ботишга яқин Тўра қайчили овулига яқинлашдим. Қоронғи тушиб қолганда уйга кириб бордим. Уйдагилар афти-ангоримга қараб бир қанча вақт ҳанг-манг бўлиб туришди. Мен нима қилишимни билмай, хўрлигим келиб йиғлаб юбордим.

— Кел, қароғим,— деди аллавақтдан кейин Пардеш опа.

— Ҳой, Жўлмирзамисан, вой бечора бола-ей!— деди Тўра оға.

— Қачон йўлга чиққандинг?

— Саҳарда.

— Тинчликми?

— Тинчлик.

— Айтавер, кўрқма.

— Уразгул янгам ҳайдаб юборди,— дедим.

— Вой манглайи қора-е...

— Бу болани сиғдирмагани нимаси?

— У барака топмайди.

— Барака топмасин, қўй оғзидан чўп олмаган болани сиғдирмаса...

— Утир, қароғим Жўлмирза,— деган меҳрибон овозни эшитганимдан кейин ўзимни тута олмадим. Бундай ширин гапни кўпдан бери эшитмаган эдим.

Кўз ёшимни артдим. Атрофимда парвона бўлаётганларнинг меҳрибонлиги кўнглимни тўлқинлантириб юборди. Мени тўшакка ўтқозишди, овқат беришди. Кеча хўрланиб юрган бўлсам, бугун одам бўлиб, бошқалар билан ёнма-ён ўтирибман.

Ўша кундан бошлаб Тўра оға ҳам, Пардеш опа ҳам бошимнинг каллигидан, эгни-бошимнинг кирлигидан жирканмай, ўз фарзандлари қатори тарбиялай бошладилар, улар менга ота-она бўлишди. Қийинтиришди, ювинтиришди. Шу тариқа Уразгулнинг оғир азобидан қутулдим.

Юриш-туришим яхши. Ҳаётим олдингидан ер билан осмонча фарқ қилади. Уриш-койиш, азоб-уқубат бўлма-

са, одам ишлаб чарчамайди. Тўра оғанинг уйида Ураз-гулникидагидан ўн ҳисса ортиқ ишласам ҳам майли, бу ерда яхши ишлаганим учун илиқ гап эшитаман. Утирсам ўпоқ, турсам сўпоқ бўлиб юрган вақтларим ўтиб кетди. Пардеш опа, қўл-оёғи енгил бола экан, деб мақтайди. Бу гапларни эшитгандан кейин ихлос билан хизмат қиламан.

Яхши сўз, меҳрибонлик менга куч-қувват бағишлади. Қандай юмуш бўлса, сўз қайтармай бажараман. Тўра оғанинг уйи ўз уйим бўлиб қолди. Лекин бир нарса ҳамон кўнглимни ўкситади. У ҳам бўлса — каллигим. Тўра оғанинг бўйи етган қизлари бор. Уларнинг кичигидан уялмасам ҳам, каттасининг олдида бошимдаги рўмолим тушиб кетмасин деб қаттиқроқ боғлаб оламан. Ухлаганимда ҳам рўмол устидан рўмол боғлаб, учини томоғимга танғиб қўяман. Калимни кўриб қолишмасин деб ҳар куни қизлардан эртароқ туришга ҳаракат қиламан.

«Ойни этак билан ёпиб бўлмайди» деганларидек, қанча уринмайин, каллигимни яшира олмадим. Бир куни қизлар билан бештош ўйнаб ўтирганимда Тўра оғанинг кичкина қизи Зоҳира елкамга минмоқчи бўлди-ю, йиқилиб тушди. Бошимдан ушлаб қоламан деб, рўмолимни тушириб юборди, кал бошим ялтираб кўриниб қолди.

Каллигимдан хабари бўлмаган қизлар бошимга бақрайиб қарашди-ю, мендан ҳам баттар уялиб, бештош ўйнашни ҳам қўйиб, кетиб қолишди.

Йўқ, улар мендан жирканишгани йўқ. Мени яхши кўрганларидан, нега кал бўлиб қолган экан, деб юраклари ачишиб, мен уялмаслигим учун кетиб қолишган эди. Қизлар кетишди. Зоҳира рўмолимни тушириб юборган пайтда бошимни кўрсатмай деб шунча уриндим, бўлмади. Уялганимдан қора терга ботиб кетдим. Уша кундан бошлаб қизларнинг юзига қарай олмадим. Ҳар замонда бир улар билан бештош ўйнашдан ҳам маҳрум бўлдим.



Орадан бир йил ўтгандан сўнг интернатга кетдим. Интернат остонасидан ўтгандан бошлаб ўзимни бахт бешигидагидек ҳис қилдим. Ингернат директори, ўқув бўлими мудирни, муаллимлар мени ҳам бошқа болалар қатори кийинтирди, ювинтирди, ўқитиб, тарбия берди. Ҳар бир куним бир-биридан қизиқарли, мазмунли ўта-верди.

Қаллар нега тортинчоқ, уятчан бўларкин?

Интернатда ҳам каллигим пешанамнинг шўри бўлди. Интернат бошлиғи сочи ҳурпайган, сариқдан келган Холитов билан тарбиячи Абдулмоновнинг калимни туватишга уринишлари фойда бермади. Битта мен эмас, бошқа кал болалар ҳам бор эди. Боши қип-қизил бўлиб қолган Қоражон деган бола бор. Менинг бошимни баъзи ерлари яра бўлса, унинг боши бутунлай чақа бўлиб кетган. Бироқ у менчалик уятчан эмас. Чунки у ёшлугидан кал бўлиб, бунга кўникиб кетган эди. У ҳеч кимдан уялмай, бошқаларга бошини суйкаб юраверади.

Интернат муаллимларининг, унда таълим олган йиғитларнинг бир қанчаси ҳали ҳаёт. Уртоқ Бекмон Тожиёв озғини, қорача бола эди. У кўпчиликни ўзинга эргаштириб, ўзидан кичикларга ўқишни ҳамда таълим-тарбия ҳақида ақл ўргатарди.

Бир кунни калимни одамлар кўриб қолади деб, турли баҳоналар билан рўмолимни ечмай ўтирганимда ўша Бекмон Тожиёв олдимга келди.

— Нима қилияпсиз?

— Бу кал бола, рўмолини ечмайди.

— Ҳозир ечтирамиз,— деб яқинимга келди. У ҳозир мени уради деб қўрқиб кетдим. Бўйи баланд эди, шунинг учун менга юқоридан қаради. У ҳеч нарса демаса ҳам қўрққанымдан йиғлаб юбордим.

— Нега йиғлайсан?

Мен жавоб бермадим.

— Қаерликсан ўзинг?

— Чимбойдан.

— Қайси овулдан?

— Еттинчи овулдан.

— Яхши бола экансан,— деб мени юпатди.— Лекин кал бўлиб юраверганинг яхшими?

— Йўқ.

— Ундай бўлса, докторга кўрсат, мой ёзиб беради, бу мой бошингга ёқади.

- Қанақа мой.
- Қал дори бўлади.
- Чўчқанинг мойи эмасми?

— Йўқ, чўчқанинг мойи билан кал тузалмайди, бошингга чўчқа мойи ёқмайди-да.

Хуллас, Бекмон ҳам, муаллим ҳам, тарбиячи ҳам мени алдаб-сулдаб йўлга сола олмади, кал болалар орасига қўшиб қўяверди. Қоражон орқали Пиреш Данов, Уразбой Хўжанов ва бошқа тенгқурларим билан танишиб олдим. Тонготарда Бекмон Тожиев, Утаниёз Аҳмедов, Менглибой Эшниёзов, Юсуф Сафаров, Аллаш Полвонов, Сарсам Раҳметов, Эшмуҳамедов, Калексев ва бошқа йигитлар бизни ўйнатишар, муаллимлар йўқ пайтида ўқитишар эди. Дастлабки кунларда мен уларни муаллимлар деб ўйладим. Уларнинг ҳаммаси гапга чечан, бунинг устига яхши тушунтиради. Улар билан бизнинг гапларимиз орасида кўп тафовут бор.

Уларнинг одамлар билан муомалаен, гаплашиши, ҳаётга қарашлари ҳам бошқача. Ҳамма сабоқларни яхши билишади. Кўпчиликка бемалол маслаҳат бера олишади.

Утаниёз Аҳмедов тўладан келган, қалин қора қошли бола эди, Менглибой Эшниёзов эса ориққина қора бола. Унинг кўзлари доим кулиб турарди. Юсуф Сафаров бугдой ранг, барваста, елкадор чиройли бола эди. Белига командирлар камарини тақиб олиб, Менглибой Эшниёзов билан бирга: «Бир, икки, бир, икки, уч...» деб бизни саф қилиб юрарди. Утаниёз Аҳмедовнинг укаси Сафар Аҳмедов биз билан тенг эди. У озгин, уятчан бўлганидан ҳазиллашиб «Сафар тайлоқ» дердик уни...

\* \* \*

1924 йилнинг ёзи. Ер бетини яшил гилам қоплаган. Боғларда булбуллар сайрайди, дарахтларда қушлар чуғури тинмайди. Осмон тиниқ ойнадек.

Ёз қандай яхши! Инсоннинг роҳатли кунлари шу ёз эмасми?! Далаларда иш қизиб кетади. Яйловлар қўй-қўзилар, эчки-улоқлар билан тўлади, қозонда серқаймоқ сутлар қайнайди, сариёғ олинади.

Ёз бошланиши билан аллақандай хаёлларга чўмдим. Интернат болалари билан бирга каникулда овулга кетгим келарди. Ўзим зўрға юрган пайтимда, ёзда бола-

ларнинг овулга бориб келишига рухсат этилади, деб эшитдим. Шундан кейин туну-кун овулга кетгим келиб юрди. Мақсадим — овулга бориб, саводли бўлиб қолганимни одамларга кўрсатиш эди.

Мақсадим амалга ошди. Кўпчилик болалар қатори мен ҳам жавоб сўраб, овулга жўнадим. Уразгулнинг уйига бордим, у яна совуқ кутиб олди, қаёққа бориб, қаёқдан келганимни ҳам сўрамади. Агар сўраса интернатда ўқиётганимни айтиб бермоқчи эдим, аммо у итмисан, одаммисан демади. Бир куни саводим чиққанини Уразгулга ўзим айтай деб: «Мен китоб ўқий оламан», деган эдим:

— Ундан кўра ота-боболарингга қуръон туширгин,— деб уришиб берди.

Шундан кейин Уразгулга оғиз очмадим. Овулдаги бирга ўсган болалар Турдибой, Олломурад, Чимберген, Матниёз, Эмширза ва бошқаларга китоб ўқиб бераман. Одамлар ҳайрон қолиб, ёқасини ушлашади. Китобни шариллатиб ўқиётганимни кўрган одамлар ишини ташлаб келиб, ёки йўлидан қолиб тинглашади. Мен унга сайин ихлос билан ўқийман.

Биргина бола ёки биргина одам эмас, балки ҳамма тез фурсат ичида саводли бўлганимдан, китоб ўқишимдан, интернатда тарбияланиб, оқ-қорани таниб қолганимдан таажжубланишади. Менга ўхшаб ўқиб, саводли бўлгилари келади. Тенгдошларим эса мenden кўзларини узишмайди. Уларнинг ҳам ўқигиси келади. Мен ҳам интернат калити гўё менинг қўлимдадек, келаси йили уларни бирга олиб кетмоқчи бўламан. Буни эшитган болалар мени олдингидан ҳам кўпроқ ҳурмат қилишади.

Уразгулнинг қовоғини кўрмай деб бир куни овулдаги Халил муроб деганнинг уйига кетдим. Саъдулла, Убайдулла деган ўғиллари уйда экан.

Халил ота ҳам мени ҳурмат билан кутиб олди. Мени катта киши ҳисоблаб, уй тўрига ўтқазиб, олдимга овқат қўйди. Уйда юришимга рухсат этди.

— Ҳалиям бошинг тузалмапти-ку?— деди Халил ота бир вақт.

— Кўрсатмаганга ўхшайди, уятчан бола-да,— деди Убайдулла оға.

— Қалингни тузатиб қўяйми?

— Тузатинг.

— Қалинги ҳали соч томирни қуритгани йўқ, ҳозир

даволасак, кейин соч чиқиб кетади, каттароқ яра чиққан жойлари ола чиққан экинга ўхшаб қолади, — деди. — Бироқ бир шарти бор: бақирмайсан.

— Майли, бақирмайман, ота, — дедим.

Халил ота ўрнидан туриб, қуритиб қўйган ғовача гулини куйдириб кул қилди, кулни қўйнинг думба ёғига аралаштириб қайнатди. Унга яна алланималарни солди. Нималигини англамай қолдим. Кейин совутиб, хамир ийлагандай ийлади.

Убайдулла билан Саъдуллага буюриб, икки қўлимни белбоғ билан маҳкам боғлатиб қўйди. Аввал рози бўлган одам, икки қўлим боғлангандан кейин ўтакам ёрилиб кетди. Саъдулла билан Убайдулла оға мени маҳкам ушлаб туришди. Қўлга тушган қирғовулдай типирчилаб қолдим, бақириб юборай дедиму, ваъдам ёдимга тушиб ўзимни тутдим.

Ота устара билан сочимни олди. Устараси ўтмас экан, ҳар бир сочимни битталаб юлиб олгандай бўлди. Қўтир яраларга устара текканда ҳушимдан кетиб қолай дейман. Ҳалил отага оғриқнинг зўрини билдирмай дейман-у, ўзим терлаб сув бўлиб кетяпман.

Қўтирлар арчилиб олинганда жоним чиқиб кетгандай бўлади. Қирпидек букланиб қолдим. Бошимдан оққан қон бўйнимга туша бошлади. Ниҳоят сочимни олиб бўлди. Тайёрлаган дорисини бошимга чаплади. Кейин нима қилганини билмайман, ҳушимдан кетиб қолибман. Қўзимни очиб қарасам тонг отиб, кун баланд кўтарилиб қолибди. Шу ётганча уч кундан кейин оёққа турдим. Бошимни қовоқдек қилиб боғлаб олганман. Қаллигимдан уялиб, ўғирлик қилиб қўлга тушган боладек, одамларнинг юзига тик қарай олмайман. Олдимдан таниш одам чиқиб қолса, бир иложини қилиб яшириниб олгим келади.

Одамларга билдирмай, ҳоли жойда яраларнинг ўринини ушлаб, сийпалаб кўраман. Тузалдими, йўқми — билинмайди.

Бир нарсадан қувонаман, у ҳам бўлса, яраларнинг ўринини боссам, олдингидек оғримайди. Ойнага қараб, бошимни бир кўришга зорман. Шунча одамларнинг уйда бирорта ҳам ойна йўқ!

Қанчойим буви кўлдан буён қачон кўрса нега бизни кига бормайсан, бориб турсанг бўлмайдим, деб гина қиларди. Унинг Ойчўлпон деган қизи бор. Минг айтган-

да ҳам қиз бола, ойнаси бордир, деб Қанчойим бувиникига қараб юрдим.

Ойчўлпон опа ёлғиз ўзи кираверишда ўтирган экан. У пайтларда ҳозиргидек эшикни тақиллатиб, рухсат сўраб кириш қаёқда дейсиз, совуқ еган қушдай шумшайиб кириб бордим. Мен уйга кирганда Ойчўлпон опа нима учундир чўчиб кетиб, бир сакраб тушдию, чап қўлини кўтариб няғи билан рўмолсиз бошини яширди. Менга ялт этиб қараганда гўзаллигининг салобати босдим, мен уялгандай бўлиб ерга қарадим.

— Жўлмирза, сенмидинг.

— Ҳа, мен.

— Кел, қароғим, бу ёққа чиқ,— деб жой кўрсатди. Чап қўлини этагидан олган пайтда туйшукдан тушиб турган қуёш шуъласида нимадир ялт этиб кетди. Ойчўлпон опанинг ойнаси борлигини сезиб қувониб кетдим-у, дарров ўтирдим.

— Мен сочимни тараётган эдим...

— Тарайверинг, мендан тортинманг.

— Уят бўлмасмикин?!

— Мен укангиздек боламан.

— Ундай бўлса майли,— дея Ойчўлпон сочини яна тарай бошлади. Ойчўлпон опанинг мен келганда ени билан бошини яшириш сабаби — у вақтларда диний дастур хотин-қизларнинг эрлар олдида бошланг юришига йўл қўймасди. Унинг чўчиб кетгани ва ийманиши шундан эди.

Сочини тараётган Ойчўлпон опанинг юз-кўзига, чиройига бир қарагин, деган хаёл кўнглимдан ўтди.

Буни шунинг учун айтаётирманки, ўша вақтда ёшим ўн бешда бўлиб, анча-мунча нарсага тушуна бошлаган эдим. Айниқса, саводим чиқиб, китоб ўқий бошлаганимдан буён зеҳним ошиб қолган. Дунёга синовчан кўз билан қарайман. Одамлар гапнинг аврасини айтишса ҳам, астаригача тушунаман.

Қанчойим бувининг эри ким бўлганини, у қачон ўлганини билмайман. Бева бўлса ҳам хўжалигини эр кишидек бошқариб, уй ишини етим қилмай ўтирганини билман. Унинг тўнгич қизидан кўрган невараси Аваз ўрта бўйли, қора мўйлов қўйган бўтакўз, чиройли йигит эди. У Қозоёқли овулига тез-тез келар, кўп вақтини шу овулда ўтказарди.

Аваз ўша йилларда ҳали уйланмаган эди. Мен қақдн-



қомати келишган, қизларнинг кўзига яқин йигит-у, нега уйланмайди, десам, мендан катгароқ йигитлар, «молдунёси йўқ, уйланиш учун қизга қалин тўлаш керак», деб тушунтиришар эди. Чиндан ҳам Авазнинг ёлғиз бошидан бошқа ҳеч нарсаи йўққа ўхшайди. Отаси ёшлигида ўлиб кетгани учун Қанчойим кампирни қора қилиб, овулга келиб кун кўрадими деб ўйлардим. Ҳақиқатан ҳам шундай экан.

Ойчўлпон Авазнинг холаси эди. Сочини тараркан, унинг қарашларига маҳлиё, жамолига мафтун бўлиб ўтирдим. Чиройли бармоқлари билан сочини силаб, тароқ билан тараганда, қалин сочи ипакдек ялтираб, тўлқинланиб, оппоқ кўкрагини яширди. Унга тикилиб ўтирарканман, хаёллар оғушига олди мени.

Ойчўлпон оппоққина, очиқ юзли, қуралай кўз, инжу тишли, қайирма қошли қиз эди. Унинг олмадай қип-қизил юзи, бўртиб турган қизғинш дудогини кўрган йигитларнинг қалби қафасга тушган қушдай типирчилаб қоларди. Ҳозир у сочини тараб ўтираркан, қўлни кўтарганда енги тирсагигача тушиб кетар, унинг оқ билагини кўнглимга қандайдир нотаниш бир гулу соларди.

Ойчўлпоннинг фазилати унинг гўзаллигидагина эмас. У зеҳни ўткир, очиқ кўнгил, уздабурро, жуда сезгир қиз бўлиб, келди-кетдини, ўтириш-туришни, яхши-ёмонни, дўст-душманни айирадиган эди. Ойчўлпон камолга етиб, рўзгор ишига ярайдиган бўлиши биланоқ уйининг эгаси бўлиб қолди. Қариб қолган онасининг ёнига кириб, меҳнатдан қочмай хизмат қилди. Яхши ҳам тилга тушади, ёмон ҳам, деганларидек, юрт оғзига Ойчўлпон яхши бўлиб тушди. Мана сочини тараб бўлди. Унинг жамолига тикилиб ўтириб, беихтиёр бошимни қашлаб қўйдим-у, каллигим ёдимга тушиб, дарров қўлимни олдим ва ялт ётиб Ойчўлпонга қарадим. Менинг уялганимни сездим, у ўзини кўрмаганга солди. Кейин қайрилиб менга қаради-да:

— Бошингдаги яранг тузалдими?— деб сўради мулойимлик билан.

— Билмадим,— дедим сийпаб кўришга уялганимдан.

— Уялмай қўяқол, мен ахир опанг бўламан, айтавер.

— Халил ота сочимни олиб, дори қўйган эди, тузалдими — йўқми, билмадим.

— Ҳеч уялма. Очиб кўрмаймизми?

— Майли,— дедим ноилож.

Ойчўлпон опа бошига рўмол ўраб, ўрнидан турди ва ёнимга келиб ўтирди.

— Қани, ўзинг еч-чи.

— Хўп, опа.

— Яраларига ёпишиб қолмаптими?

— Ёпишмаганга ўхшайди...

— Ёпишиб қолган бўлса, мой суриб юмшатиб, кейин ечамиз.

— Сийпаб кўрсам, ёпишмаганга ўхшайди.

— Ундай бўлса ечавер.

Қисиниб-қимтиниб, қизариб-бўзариб, бошимдаги рўмолни зўрға ечдим. Ойчўлпон опа ўтирган ерида бўйнини чўзиб бошимга қаради. Сўнг бармоқлари бошимга текканда, сочларим тик тургандай, бутун баданим жириллаб кетди. Ой юзли Ойчўлпоннинг оппоқ бармоқлари бошимга текканди-да, ахир.

— Яраси қолмапти,— деди бир оздан сўнг бошимни синчиклаб қараган Ойчўлпон.

— Қолмаптими?

— Ҳа.

— Тузалибдими?

— Тузалганга ўхшайди, қўтири қолмапти.

Қувонганим шунчаликки, беихтиёр Ойчўлпон опанинг тоқчада турган ойнасига қўл узатдим. Ойнага қарагим келганини билган опа дарҳол уни қўлимга тутқазди:

— Қарайқол, қароғим, тортинма.

Дарров ойнага қарадим. Бирорта яра қолмапти. Ўримдан кейин майса бўлиб чиқаётган йўнғичқага ўхшаб чиқаётган сочларни қўлим билан сийпаб кўрдим.

— Энди бошингни боғлама,— деди Ойчўлпон.

— Хўп, боғламайман,— деб ўрнимдан турдим.

Ойчўлпон опа бошимга рўмолни бир қапат қилиб боғлаб қўйди. Бошқа рўмолларни ташлаб юбордим.

— Энди мен кетай.

— Қаёққа?

— Халил отамнинг олдига бориб, бошимни кўрсатаман,— дедим-у, уйдан югуриб чиқдим. Шу югурганча бир зумда Ойчўлпон опа билан Халил отамнинг уйлари ўртасидаги кичик кўл бўйига келиб қолибман. У ерда тўйга кетаётган Убайдулла оға билан унинг жияни Соқбергенга дуч келиб қолдим. Соқберген биздан сал ёши кат-

тароқми, ёки зуваласи пишиқроқми, ҳайтовур биздан каттароқ кўринарди. Соқберген менинг ҳам уруғим. Унинг онаси қозоёқлик аёл эди. Убайдулла оға билан Соқберген мени тўхтатишди:

- Қаёққа кетяпсан?
- Сизникига.
- Мунча югурмасанг?
- Суюниб кетибман.
- Нимадан суюндинг?
- Халил отамга айтаман.
- Вой телба-ей, бор, айтақол.

Мен яна югуриб кетдим. Олдин рўмол билан қават-қават қилиб ўраб юрган сочимга шамол тегаётганини сездим. Хусан ариғининг кўпригидан ўтиб, айланиб, Халил отанинг уйига бордим. Халил ота ариқ лабига чиқиб Убайдуллаларнинг орқасидан қараб турган эканми, мени кўриб пастга тушди.

— Нега бунча югурмасанг, қароғим?

— Ота, отажон!..— дедиму Халил отамни қучоқлаб, қувончимдан сўз тополмай, йиғлаб юбордим. У ҳам мени қучоқлаб, пешанамни силаб, ҳайрон бўлиб турибди. «Бу бола нега йиғлайди? Қим урдийкин, ким қийнадийкин уни?»— деб ўйлаган бўлса керак, ўзимни тутиб олмагунимча, ҳеч нарса сўрамади.

Ўзимни босиб, Халил отанинг нуроний юзига қарадим. Унинг қирра бурни, оппоқ сочи ўзига ярашиб турарди, у юзларимни силаб анча вақтгача ўйланиб, менга қараб турди.

- Нега йиғладинг, янганг урдими?
- Йўқ, ургани йўқ.
- Бўлмаса нега йиғладинг?
- Йиғлаганим йўқ.
- Манаву кўз ёшлари-чи? Яширмай айтавер!
- Йиғлаганим йўқ. Бу суюнганимдан.
- Нимадан суюндинг?
- Бошим тузалди.

«Бошим тузалди» дейишим биланоқ Халил ота қўлимдан ушлаб, уйга олиб кирди. Менга олиб қўйилган сарёғдан бармоғи билан олди-да:

— Бошингни еч,— деди.

Бошимга ўраган бир қават рўмолни ечдим. Халил ота бошимни чап қўли билан силаб кўрди. Сўнг ўнг қўлидаги сарёғни суртди.

— Энди бошингни боғлама.

— Хўп.

Қўлимдан ушлаб, ҳовлига олиб чиқди. «Мой бошингга сингиб кетгунча офтобда ўтирамиз», деб ёнига — девор тагига ўтқазди.

Бу одамга миннатдорчилигимни қандай айтаман? Нима десам, нимадан бошласам экан? Нима дейишимни билмай, ўйланиб ўтиравердим. Анча вақтгача шу тариқа жим ўтирдим. Бу аҳволимни Халил ота сездими, билмадим, ўзи гап бошлади.

— Бошинг тузалганидан хурсанд бўлдингми?

— Жудаям қувониб кетдим.

— Энди нима қиласан?

— Бошимни ўрамай, одамларга кўрсатиб юраман.

— Кўп болаларнинг бошини тузатганман.

— Қандай тузатдингиз, мен билмай қолдим.

— Бошингдаги яра ҳали илдиз отмаган, терининг устидаги яра эди. Бу яралар терининг ичкарисигача илдиз отиб кетса, уни тузатиш қийин. Тузатган билан соч чиқмайди, бошинг сочсиз ялтираб қолади.

— Раҳмат, отажон.

— Энди сени ҳеч ким кал демайди.

— Отажон, ўла-ўлгунча сиздан миннатдорман, — дедим ва яна кўнглим бузилиб йиглаб юбордим. Халил отам юз-кўзимни силаб, меҳрибонлик билан юпата бошлади. «Хафа бўлма, болам, энди саводинг чиқди, халқ қаторига қўшилсан», деб қувончим устига қувонч қўшди.

Иккаламиз гаплашиб, кун ботгунча офтобда ўтирдик. Кеч киргач отанинг уйида қўтирдан қутулганимга суюниб, қаттиқ ухлаб қолибман. Эрталаб уйғонсам, Халил ота эрталабки юмушларини қилиб бўлиб, уйга кириб ўтирган экан.

— Отасига минг лаънат. Элга бўлис келди нима-ю, ҳайвон келди нима! — деб ўз-ўзича сўкинаётган эди у.

Мен бу сўзларнинг маъносига тушунмадим, аммо сўрашга ботинмадим. Халил отам бўлиснинг шаънига анчагача аччиқ гаплар айтиб, сўкиниб ўтирди.

«Бу ҳайвонларнинг кунни битган эди-ку. Иброҳим бўлис деса йиғлаётган бола ҳам жим бўлиб қоларди. Уларни ҳукумат йўқ қилиб юборганди. Энди ўша Иброҳим бўлиснинг болалари Ҳожи билан Убайга, Жалимахсумга бўлисликни ким қўйипти. Нега улар таг-томири бил-

лан қуримади-я!»— деб Халил отам ўзини боса олмай гудирлайди.

Халил отамнинг айтганича бор. Совет ҳокимиятининг ёшлигидан, кадрларнинг камлигидан фойдаланган мулкдорлар, собиқ бўлису оқсоқоллар ҳийла-найранг билан Совет ҳокимияти ичига кириб олиб, неча йилларгача овулларда хўжайинлик қилиб юришди. Ушалардан бири Иброҳим бўлисининг укаси Ҳожи бўлис билан азалдан элни алдаб, талаб келган Жалимахсум эди. Улар бугун овулга келишмоқчи экан. Халил отам шу ҳақда куйиб-пишиб гапирарди.

Бу ёвузлар қўй гўштини жимгина еб, нафсини тийиб кетса майли эди. Қоринлари тўйгандан кейин «шўхлик» қилишади. Қўй гўшти — ёғи уларни қутуртиради. Уйинкулги бошланади. Дунёдаги ёмон гапларнинг ҳаммаси шу ерда такрорланади. Чиройли бошланган суҳбат ишқ-муҳаббат эртаги билан тугайди. Атайлаб шундай қилишади. Ишқ-муҳаббат ҳақидаги эртақларни тинглагач, Ҳожи бўлис билан Жалимахсумнинг кўз олдига юртнинг қизлари келади. Овулнинг йигитларини қўрқитиб, зўрлик билан қиз топтиради, азоблайди, зўрлайди. Сенинг қийналганинг, кўз ёшларинг, номусинг улар учун икки пул.

Халил отам гапираётганда кўксига қайгу ўти ловиллаётгандек эди. Улар тўплаган солиқларни ҳукуматга бермайдилар. Берсалар ҳам ҳукумат солигини берадилар, ўзлари юртдан уч баравар кўпроқ ундириб оладилар. Шу тариқа бойлик тўплайдилар. Юртнинг арз-додни билан, аҳволи билан уларнинг иши йўқ. Мулкдорларнинг одати шундай. Юртга «махсумман, мўмин одамман» деган Жалимахсум Совет ҳокимиятига қарши жонни чиққунча курашди. Элни аёвсиз эзди. Халқнинг елкасига миниб олди. Қарши чиққаннинг кўзини ўйди, қарши сўзлаганнинг тилини кесди, бир-икки аёлга сабр қилмай, опаларимиз, сингилларимиз номусига тегиб, уч-тўрт марта уйланди. Ниҳоят халқ 1929 йилда Жалимахсумни халқ душмани сифатида мажақлаб ташлади...

— Юр, ўғлим, ҳовлига чиқайлик, уйда ўтираверсанг, буларни хўрлашидан рангинг сарғайиб кетади. Кўзининг нури қочади, юрагингга ўт тушади,— деб ҳовлига олиб чиқди.

Халил отамнинг ғазабдан қайнаб, юрагидан чиқариб айтган гапларини эшитиб, ўйланиб қолдим...

Оғир касал бўлиб қолдим. Хушдан кетиб, йиқилиб тушибман. Тангриберген қирғовул деганнинг Олломурод кўксов деган ўғли бўларди. У билан бир-икки кун бирга юриб, касаллигимни билдирмай, бошқа жойга борай, деб уларнинг уйидан чиққан эдим.

Бир оз юргандан кейин Жубай қули кўзимга ғалати кўрина бошлади. Тўранғичлар девга ўхшаб кўриниб, мени босиб кетадигандек бўлаверди. Қўл-оёғим боғлоқли одамдек юролмай қолдим. Шу аҳволда келаётганимда олдимдан Алламберген оға чиқиб қолди. Уни кўргандан кейин ўзимни тутолмай, шилқ этиб йиқилдим. Мен йиқилган жой Қанчойим бувининг уйига яқинроқ эди. Ётсам шу ерда ётай, деган хаёл кўнглимдан ўтганини биламан.

— Алламберген оға...— дедим-у, бошқа гап айтолмадим. Алламберген оға мени уйимга олиб бориб қўйинг деяпти, деб ўйлаб, Ўразгулнинг уйига олиб борибди. Аҳволим маълум, иложим йўқ, яна Ўразгулнинг қўлига қараб қолдим. Шу хотиннинг уйига қадам босмайман, деб қасам ичган бўлсам ҳам, яна шу зиндонга тушиб қолдим. Кўзимни очиб қарасам, ҳовлида увадаси чиққан кўрпамда ётибман. Бедананинг уйи йўқ, қайга борса битбилдиқ, деганларидек, Ўразгулнинг уйидан қувилгандан бери ҳар кимнинг уйига бир қўниб, кунимни кўриб юрувдим. Юсуф, Тангриберген қирғовул, Жуманазар, Халил муроб, Эгамберген салдоқ, Қўшон, Сейеке ғурранинг уйларига кўпроқ бориб турардим. Уларни лақаби билан айтаётганимнинг сабаби, овулда уларнинг адашлари кўп, лақабини айтмасанг танишмайди.

Улар мен етимнинг бошини силаб, уйдан бошпана бериб, қорнимни тўйғазган одамлар эди. Тўй-томоша бўлса, шилон ош улашилса ёки наврўз гўжаси пиширилган жой бўлса Тангриберген отамнинг Турсун сулув кўз деган ўғли мени эргаштириб, бирга олиб борарди. «Қамбағалнинг қорни тўйгани — ярим бойигани», деб товоқ етишмаса, бошидаги дўпписини олиб, овқат солиб берарди. Дўпписи кир бўлса-да, баъзан ўзи ҳам овқат солиб ерди, шунинг учун мен ҳам жирканмас эдим.

Қасалим чўзилиб кетди. Иштаҳам йўқ. Бирга ўйнайдиган болалар ва юқорида номи айтилган кишилар

баъзан келиб, ҳол-аҳвол сўраб кетишади. Бир куни Юсуф отам келиб, «бола бечора ҳовлида ётибди, мен уйимга олиб кетай», деганда Уразгул уришиб берди. Шундан сўнг Юсуф отам келмай қўйди.

Касалга ҳам одам кўникиб қоларканми дейман. Олдингидан хиёл яхшироққа ўхшайман. Овқат ичким келади. Сизларга қандай тушунтирсам экан. Уша вақтда очарчилик эмас эди. Аммо мен овқатга зор эдим. Уразгулнинг уйида овқат топилишига гумоним йўқ. Аммо ҳеч овқат бермаганига хўрлигим келарди.

Менинг овқат егим келганини Матниёз билан Эшмирзагина биларди. Улар айтганимни қилиб, онасидан яшириб, овқат олиб келиб беришарди. Бир куни Матниёз бирор егулик нарса олиб келишга ваъда қилди. Югуриб кетганча, орадан кўп вақт ўтмай қайтиб келди. Уразгул қаёққадир кетган экан. Матниёз Эшмирзани ҳовлига қорувул қилиб қўйиб, этагини тўлдириб тўрақ<sup>1</sup> олиб келди. Топган нарсаси шу бўлгандир, дедиму тўрақни битта қолдирмай едим. Шунини есам, тузалиб кетаман, деб ўйладим.

Тузалиш қаёқда! Орадан олти-етти соатлар чамаси ўтгандан кейин бутун баданим қизиб кетди. Ҳушимни йўқотдим. Бутун вужудимни бир нарса босиб, эзаётгандек бўлаверди. Уразгулга айтай десам — қўрқаман. Айтсам, Уразгул сабабини суриштиради, тўрақ еганимни сезиб қолса, уради ҳам, «Нафсинг курсин, ҳаромтомоқ, нафсингни тиёлмай, овқат ейман деб баттар бўлгансан», деб уришади, шунинг учун Матниёз билан Эшмирзага ҳам айтманглар, деб тайинлаб қўйдим.

Оғзим қуриқшаб кетяпти. Ичимга ўт тушгандек, кенг дунё кўзимга тор бўлиб, жоним чиқиб кетаётгандек туюлади. Шундай бўлса ҳам, ёнимдан Уразгул ўтиб қолса, юзимни кўрмасин деб, беркитиб оламан.

Баданим куйиб кетди, яра тошди. Нима учун бундай бўлганини билмайман, нимадандыр тилим ўт тегиб куйгандек ачишади, оғзимнинг ичи заҳарга ўхшайди. Олдин инқиллаб ётардим, энди бўлса инқиллашга ҳам мадорим йўқ, товушим мушук боланинг миёвлашига ўхшаб чиқади.

Куч-қувватим қолмади. Бунинг устига шундай хафаманки, бу хафалигимни қандай босишни билмайман.

<sup>1</sup> Тўрақ — бўғирсоқ.

Касал бўлиб интернатдан қолиб кетганимдан қайгураман. Улганнинг устига тепган, дегандек, касалим устига юрак куйиши ўртаб юборди. Оч қолганимда кўнглим интернатнинг ёғли, тотли овқатларини тусайди. Таълим-тарбия берган, ўқитиб билим берган муаллим ва тарбиячилар кўз олдимга келади. Бирга ўқиган дўстларим ёнимда бошимни ушлаб ўтиргандек туюлади. Уларнинг меҳрибонлиги, мулойим кулиб туришлари кўз олдимга келганда ўзимни тута олмайман.

«Ёмон — ёв келганда ётади» деганларидек, келиб-келиб энди интернатга қайтиб кетаман деб турганимда касал бўлиб қоламанми, деб куяман. Оёқдан қолганимга олти ой бўлди. Қиш кириб, ер бетини қор қоплаганда Уразгул янгамга ялиниб, зўрға уй ичига кирдим. Аҳволим оғир бўлишига қарамай, аёзда ҳам ҳовлида ётардим. Изғирин баданимдан ўтиб кетгандан кейин Матинёз, Эшмирза, учовлан ялиниб-ёлвориб, уйга кириб ётишга зўрға рухсат олдик. Шунга ҳам уч ой бўлиб қолипти.

Дармоним қуриб қолганидан оёғимни кўтариб юролмайман, икки букланиб қолганман, қовургаларим экинзорнинг пуштасидек манаман деб чиқиб турибди. Бутун баданим кирлаб кетганидан теримга елим суриб қўйганга ўхшайди. Баданимнинг жирканмай ушлайдиган жойи қолмаган. Бармоқларим билан ишқасам, бўйнимдаги кир эшилиб-эшилиб, арқон бўлиб чиқади. Қулсгимнинг ичи қўй ёғидек қотиб қолган. Сочим ўсиб, кирлаб қатрон бўлиб кетган.

Хўрланиб ётибман. Қўл узатиб бу хўрликдан тортиб оладиган одам топилса эди деб умид қиламан. Куну тун икки кўзим эшикда. Ҳовлига чиқиб, ўз оёғим билан юрадиган кун келармикин, деб ўйлайман. Бир куни Қанчойим буви билан Ойчўлпон опа келишди. Уларни кўришим биланоқ йиғлаб юбордим. Шунчалик дармонсизманки, йиғласам товушим чиқмайди.

Қанчойим буви билан Ойчўлпон опам кўз ёшларимни артиб, пешанамни силаб ўтиришганини унутармидим? Йўқ, асло унутмайман. Олти ойдан буён бир оғиз ширин сўзга зор бўлиб, оғир аҳволда ётган одам бундай меҳрибонликни унутармиди!

— Ич терлама бўлган экансан, энди ўтиб кетибди, ҳадемай тузалиб кетасан,— деди Қанчойим буви. Уразгул Қанчойим бувининг оғир гапларидан уялдими, дарров товуқ сўйиб меҳмонларни сийлади.



— Бекач қизнинг бўйи етиб қолгандан буён бизни-  
кига биринчи келиши, қўй сўйсам арзирди, бунинг ҳам  
насиб қилган вақти бордир, ҳозирча товуқ сўйиб турай-  
лик,— деб Матниёз билан Эшмирзага товуқ ушлатиб  
келди, тозалаб, қозонга солди. Товуқ қайнаган сари  
унинг исн димоғимни қитиқлайди. Қани энди товуқ тез-  
роқ пишса-ю, шолининг орқасидан курмак сув ичгандек,  
мен ҳам бир коса товуқ шўрва ичсам.

Дастурхон ёзилиб, чой-нон қўйилгач, Ойчўлпон опам  
менга ҳам нон-чой бериб сийлаб ўтирди. Сут билан кир-  
ган, жон билан чиқади деганларидек, чой ичиб, нон еб  
ўтирганимни кўрган Уразгул меҳмонларга билдирмай,  
менга ўқрайиб-ўқрайиб қараб қўярди. Бунинг сезиб қол-  
ган Ойчўлпон, ичақол, сяқол, қароғим, сенга фойдали,  
деб ортиқроқ меҳрибонлик қилар, Уразгул эшитсин деб  
жўрттага қаттиқроқ гапирарди.

Товуқ шўрва пишди. Товуқ тўла овқат Қанчойим би-  
лан Ойчўлпоннинг олдига келтириб қўйилди. Матниёз  
билан Эшмирза ўйнаб чиқиб кетишган эди. Улар келиш-  
са, иссиқлигида ейишарди, деб ўзим қолиб, уларни ўй-  
лайман. Уразгул гўштнинг яхши жойини Ойчўлпон  
менга бериб қўймасин деб, олдига тортиб олиб, ўзи  
тўғради.

— Менга ҳам устихон берадиган бўлсанг, анавунин-  
сини бер,— деди Қанчойим буви ва товуқнинг оёғини сў-  
раб олиб, менга узатди. Уразгулнинг юрагига ўт туш-  
гандек бўлди.

— Узингиз еяверинг, бошқасини бераман, у шу уй-  
нинг боласи, кунда еб юрибди,— деб ёпиб-яшириб гапир-  
ди. Шундай деяётганда аччиғидан кўзидан ўт чақнаёт-  
гандек бўлди.

Вақтдан фойдаланиб, товуқнинг бир оёғини паққос  
туширдим. Бунинг устига бир коса шўрва ичдим. Тўрақ  
еб жазомни тортганим ёдимга тушиб, яна оғирлашиб  
қолмай деб нафсимни тийдим. Товуқ шўрвани кўнглим  
тусаб юрганди. Мириқиб ичганимдан сўнг, бутун бада-  
ним яйраб, бир терладим. Қанчойим буви билан Ураз-  
гул гаплашиб ўтиришганда, Ойчўлпон опамга: «Уйқум  
келяпти, ухлаб қолсам кетиб қолманглар», деб ялиндим.

Қаттиқ ухлабман. Баданимдан тер шундай қуюлибди-  
ки, бўз қўйлагим сувга ботириб олгандай бўлиб кетиб-  
ди. Бошим анча енгиллашибди. Ойчўлпон опамлар ваъ-  
дасида туриб, кетмай ўтиришган экан. Уйгонганимдан

кейин ҳол-аҳволимни сўраб, сўнг Уразгул билан хайрлашиб, чиқиб кетишди.

\* \* \*

Дармонга кириб, ўзимни енгил сезаман. Бироқ ҳали бутунлай тузалганим йўқ. Касалдан турганимдан сўнг Уразгулнинг менга муомаласи сал ўзгаргандек бўлди. Бурунгидек ердан олиб ерга урмайди, жаҳли чиқмайди.

Қиш кунларининг бири эди. Ер қор билан қопланган. Дов-дарахтлар ҳам қордан тўн кийган. Ер бетини оқ кўрпадек қоплаб ётган қорни боссанг ғичирлаб, жондор каби товуш чиқаради. Аччиқ совуқ бутун баданингни тешиб кетаётгандек бўлади. Яланг оёқ, яланг бош қор кечиб юришга мажбур бўлдим. Интернатдан олган кийимларимнинг ёзи билан ўт-чўп териб юрганимда дабдаласи чиқиб кетганди. Ишонганим ботинка эди, уни ҳам Уразгул саҳийлик қилиб, ёздаёқ ўз овулидан келган бир болага бериб юборган экан. Шу тариқа сувдан чиққан сичқондай икки қулоғим қолипти. Бўз кўйлак билан бўз иштондан бошқа ҳеч нарсам йўқ.

Қор янги ёққанида ҳеч кўрқмай оёқ яланг юравердим. Лекин совуқ тинкамни қуритди. Бунинг устига одамларнинг, «касалдан энди турдинг, шамоллаб қоласан, юрагингни совуқ олади», деган гаплари чўчитиб қўйди. Илгарилари:

«Паға-паға ёғди қор,  
Тўн кийди, совқотди мол,  
Изгириб турган аёз бор,  
Шунда тўнғиб қолди тол».

деган қўшиқни айтиб уйдан-уйга, овулдан-овулга оёқ яланг югуриб кетаверар эдим. Шундай бўлса ҳам уйда қараб ўтирганим йўқ. Уразгул мени оёқ яланг қор курапти. Қўраларнинг атрофини тозаладим.

Сомонга чумчуқлар йиғилади. Мен сават, ғалвирдан тузоқ қўйиб ушлайман. Матниёз, Эшмирза учаламиз ушлаган чумчуқларимизни пишириб еймиз. Дунёда чумчуқнинг гўшtidан ширин нарса бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Бир кунни ўша маккор мулла зипиллаб кириб келди. Ҳушим учиб кетди. Уразгул ялт этиб қаради-ю, ноиллож «келинг» деб тўшак солди, чой-нон қўйди. Мен ҳовлига чиқиб кетдим. Агар мулла бугун ётиб қолса, бўлганим-

ча бўламан, деб ўйладим. Бир гал Матниёзни, бир гал Эшмирзани уйга навбатма-навбат юбориб хабар олдириб турибман. Ҳузур ҳам борганини орқасига қайтариб турибди.

Мулла ётиб қоладиганга ўхшади. Қувтелпак овулида Қулбой деган киши бўлиб, у Оллонийез тоғамнинг жияни эди. Қасал бўлиб ётганимда Қулбой: «Сен хор бўлиб қолибсан, сенинг даданг бор, нега бормайсан? Ҳўп деданг олиб борай», деганда кўнмаган эдим. Ҳозир бир ўқ билан икки қуённи отсаммикан, деб хаёлимдан ўтказдим.

Оппоқ урни босгандек, қор босиб югурдим. Ярим чақирим юргандан кейин оёғим қорми, ерми — сезмай қолди. Эшмирзанинг телпаги бошимни терлатиб юборди, уни қўлга олдим. Қал бўлсам бўлаверай, Халил отам тузатади, деб шамолдан қўрқмай бош яланг кетавердим.

Қулбойнинг овулига кириб боришим билан қора кўпакнинг «вов» деганини биламан. Уйга киргандан кейин Қулбой айтгандан сўнг ит тишлаганини сездим. Қулбой билан хотини дарров ит тишлаган жойимни боғлашди. Ярамас ит ёмон тишлаган экан. Анча вақтгача қон тўхтамади. Кўк чойни эзиб майдалаб, қозон куясига аралаштириб босиб, боғлаб қўйишди, бир оз ўтгач, қон тўхтади.

Келишдан мақсадимни айтдим. Қулбой оға отни эгарлаб, «юр» деди-ю, отга минди. Ҳузурнинг уйига яқинлашганда мени отдан тушириб, ўзи йўрттириб кетди. Унинг нима қилмоқчи бўлганини тушундим. Орқасидан боравердим. Қулбой отдан тушиб, салом-алик қилиб турганда мен йиғлаб кириб бордим.

— Анчадан бери келмайсан, анави куни чақириб келгани болаларни юборсам, бир ёққа кетиб қолган экансан. Насибанг йўқ экан, — дерди Ҳузур кўзини пирпиратиб. — Мулла амакинг қуръон ўқигани келган экан, иккалангиз гаплашиб ўтирарсиз, — деган эдики, Қулбойнинг аччиғи чиқиб, бирдан ўрнидан турди:

— Неча марта қуръон ўқитиш керак? Шу мулладан бошқа мулла қуръонни билмайдими?

— Ҳа, нима бўлди?

— Нима бўлганини ўзинг яхшироқ биларсан?

— Бу нимаси, чароғим, энди уйга одам ҳам келмасинми?

— Шу мулладан бошқа одам келмайдими?

— Вой шўрим!

— Тур ўрнингдан, мулла!— деб бақирди Қулбой. Мулла дик этиб ўрnidан турди. Ёқасидан ушлаб итарган эди, мулла қимирламади. Қулбойдан кучлироқ экан. Мен чидаб туролмай, бир вақтлар кўкрагимга санчилган қисқични қўлимга олдим.

— Сен мулла, жонимга тегдинг-ку,— деб қисқични ўқталдим. Мулла қорнимга тепиб юборди, ағдарилиб тушдим. Урнимдан тура солиб, яна муллага ташландим. Қулбой иккаламиз муллани йиқитдиқ, иккала қўлини орқасига қилиб боғладик. Қулбой қўли боғланган муллани аламидан тушгунча урди. Кейин уни турғазиб қўйдим-да, менга қараб:

— Жўлмирза, юр!— деди.

— Қаёққа борамиз?

— Даданг Оймирзаникига олиб бораман.

— Юринг.

Бош яланг, оёқ яланг, бўз кўйлақда йўлга чиққанимни кейин сезиб қолдим. Бундан бошқа кийиним ҳам йўқ эди. Қулбой оға йўлга чиққандан кейин пўстинига ўраб олди. Узоқ йўл юрдик. Мулла отнинг олдига тушиб, инқиллаб кетяпти. Гезариб кетганидан биз билан гаплашмайди ҳам.

— Бу муллани нима қиламиз?— дедим Қулбой оғанинг қулоғига шивирлаб.

— Пўлга ташлаб кетамиз.

Анча йўл юрганимиздан кейин қоронғи тушди. Кутилмаганда олдимиздан икки отлиқ чиқиб келди. Уларнинг бири милиционер экан. Уларни кўриб, Қулбой оға нима учундир бўшашиб кетди.

— Тўхтанг!— деди милиционер рўпарамизга келиб.

— Хўп бўлади,— деб от жilовини тортди Қулбой оға.

— Қаёққа кетяпсиз?

— Тахтақўпирга.

— Манови ким?

— Мулламан дейди.

— Мулла дейсанми?— деб таъкидлаб сўради милиционер.

— Ҳа, мулла,— деб такрорлади Қулбой оға.

— Қайси овулнинг мулласи?

— Қочоқнинг ўзи-ку!

— Отдан туш, йигит,— деди милиционер ёнидаги шеригига. Йигит отдан тушди. Чўнтагидан гугурт чиқариб ёқиб, мулллага тикилди. Яна бир дона гугурт чақиб, ўчгунча мулланинг юзига тутиб, тикилиб турди.

— Худди ўзи. Биз қидириб юрган мулланинг ўзи.

— Ростданми?

— Худо урсин агар, маккор мулланинг ўзи.

— Ростдан танидингми, қачон кўрганидинг?!

— Қочиб кетганига бугун уч кун бўлувди, яхши танийман.

— Мушкулимиз осон бўлди-ку!

— Бу отоқли мулламиз, овулда ўлганларнинг қулганини қизитиб, қуръон ўқиб юрган эди. Қочгани нима-си?— деб сўради Қулбой оға.

— Мулла эмас, ғирт муттаҳам, газзоп, ўғри, қароқчи.

— Жазосини тортсин, занғар!— деди Қулбой оға ҳайрон бўлиб.— Ундай бўлса рухсат этсангизлар, биз йўлдан қолмасак,— деб қўшиб қўйди у.

— Ўғрини ушлаб, олдингизга солиб келганингиз учун раҳмат,— деди йигит.

— Сабр қилинг, анови овулга борамиз, муллани қардан ушлаганингизни айтиб берасиз, биз ёзиб оламиз. Кейин кетаверасиз,— деди милиционер.

— Хўп бўлади,— деди Қулбой оға.

— Ҳаммасини айтиб беринг, Қулбой оға,— дедим куйганимдан.

— Юринглар,— буюрди милиционер.

Ўғри мулла қўлга тушган қашқирдек кўзлари олакула бўлиб, лапанглаб олдимизга тушди.

\* \* \*

Муллани олиб борган овулда кўп тўхтамадик. Қулбой оға милиционер билан бирга бир уйга кирди. Ораддан кўп вақт ўтмай қайтиб чиқди. Бир сақраб отга минди. У уйга кириб, қайтиб чиққунча совқотиб қолган эканман. Пўстинга ўраниб бўлганимдан кейин оға отга камчи босди.

Қулбой оға анча вақтгача индамади. У ўзича нималарнидир ўйлаб, отнинг жиловини ўзига қўйиб бериб, олдинга тикилганча борарди.

— Газзоп ўғри экан,— деб гап бошлади у аллақанча вақтдан кейин.— Ҳукуматдан қочиб юрган экан. Нодон халқни мулламан деб алдаб, ўғирлик қиларкан. Бизнинг

овулга ҳам қочиб келган экан. Фалон мачитга бориб келаман деб, қочиб, изини яшириб юраркан. Уразгул ҳам қаёқдаги қасангиларни топади-я. Ҳайтовур, милиционер ҳам ўз оёғи билан келиб қолди. Унинг ёнидаги сигирини ўғирлатган йигит экан. Угрининг изига тушиб, бизнинг овулга келишаётган экан. Улар, «катта раҳмат», деб қувониб қолишди.— Қулбой оға милиционер чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди, деб анча жойгача хурсанд бўлиб гапириб борди.

Қулбой оғанинг гапларини эшитиб, мен ҳам хурсанд бўлдим. Мулладан ўчимни олгандай бўлдим. Маккор мулладан қутулганимга кўнглим кўтарилиб, ўзимни дидилроқ сездим. Мулланинг дастидан Уразгулдан тортган азобларим кўз олдимдан бирин-кетин ўтди. Хаёлим пойгачи отдек ҳаллослайди. Бутун дунёни кезгандай, ҳаётимнинг қувончли, қайғули дамлари кўз олдимдан ўтади. Мен ёш вақтимдаёқ эртақларни жуда яхши кўрардим. Бир эшитганим кўп йилларгача ёдимдан чиқмас эди. Зўрлик билан сочимни олиб, бошимга ёғ суртиб калимни тузатган Халил ота, унинг бошимни тузатмасдан олдин мени ўзига ром қилиш учун тоғаларимнинг тубтомири ким эканлиги ҳақида айтиб берган ҳикояси ёдимга тушди. Ҳикоя бундай бошланар эди:

Бир неча асрлар аввал, тахминан беш-олти юз йил илгари шундай воқеа юз берган.

Амударёнинг қибла томонини қалин булут қоплаган. Қуёш тутилиб, уфқ аланга ичида қолгандек алвон тусга кирган. Қорақалпоқларни ёв босган. Душман ҳомиладор аёлларнинг қорнини ёриб ташлаган, чол-кампирларнинг кўзини ўйган. Эркақларни асир, қизларни банди қилган. Халқ орасида очарчилик бошланган. Душман одамларни моллар билан бирга қўраларга қамаган, уйларга ўт қўйган.

Уша урушда Раҳмонберген деган тоғамнинг еттинчи бобоси душман қўлига асир тушган экан. Хорлик-зорлик билан куш кечириб, элдан-элга, юртдан-юртга ўтиб, дарбадар юрган. Не-не азобларни тортиб, бир неча йилдан кейин Амударё бўйига қайтиб келган. Забардаст йигит бўлганидан ўз меҳнати билан тез орада қаторга кирган.

Раҳмонберген Эрон ёки Афғонистонга борган бўлса керак. Унинг ёр-дўстлари шундай деб ўйлашаркан. Раҳмонбергеннинг авлоди шу тариқа кўпайган:

Раҳмонберген, Раҳмонбергендан Оллоназар туғилган.

Оллоназардан — Қорабош, Қорабошдан — Жуматой, Жуматойдан — Жўра, Жўрадан — Ҳусан, Ҳусандан эса Оллониёз билан онам Марям туғилган экан.

Марям Оймирзага турмушга чиққан. Бироқ улар узоқ бирга яшашмаган. Ҳомиладор онам Марям отам Оймирзадан ажралишиб кетган. Уят ўлимдан қаттиқ, деганларидек, Оймирза онамдан ажралишгандан кейин қози-оёқлилар овулига бориб қолган. Борди-келдини узган.

Оймирзадан ажралишган онам кўзи ёригач, етти кунлик бўлганимда мени Жанигул онамга ташлаб, Ибод деган кишининг ўғли Жуманиёз билан Тўрткўлга қочиб кетган. Онам Жуманиёзга теккандан кейин бир қиз кўрган, аммо ўзи ўлган...

Синглим Гулжаҳонни кўп марта кўрдим. У Қодирниёз деган ишчига турмушга чиққан эди. Қодирниёздан тўрт қиз, бир ўғил кўрган. Икки қизи ўлиб кетди. Ҳозир Обод, Улмакон деган қизлари ва Фароғат деган ўғли бор. Гулжаҳон яқинда оламдан ўтди. Улмакон билан Фароғат Бегуниёзда туришади. Обод Нукусда Сарибой Давлатназаров деган шоферга теккан. Ҳаммаси болачақали.

Жуманиёзнинг менинг онамдан кейинги хотинидан кўрган Йўлдошбой, Жалгасбой деган ўғиллари, қизи Ойжон билан ҳозир борди-келдимиз бор...

Отам Оймирза онамдан ажралгандан кейин Қалимбет деган киши билан дўстлашиб қолган. Унинг Исмоил, Искандар деган ўғиллари ва Марям, Набира, Ақша деган қизлари бор экан. Отам Оймирза ўша Ақшага уйланган экан...

Ўтган кунларимнинг ўша аянчли пайтлари баъзида кўз олдимдан унсиз лентадай бир-бир ўтади. Уша пайтда Қулбой оға, совқотиб қолганинг йўқми, деб оёғимни пўстинга ўраб қўйди. Тўхтамай кетяпмиз. Эгар ортига қўйилган тўқим сурилиб кетиб, мени роса қийнаб юборди.

Хаёлим йўлда бўлса ҳам, икки қўлим тўқимда. Қўлимни остимга қилиб, оғриқни пасайтиргандай бўламан.

От устида икки одам бир тўнни қанча уринсанг ҳам ёпиб ёлчимас экансан. Қулбой оға совуқ тегмасин деб тўнни қимтийди, бир ёғидан мен ҳам тортаман. Икки қўлим тинмай типирчилайди: гоҳ сирғалиб кетаётган тўқимни тортаман, гоҳ совуқ еб чопонни тортаман. Бу-

нинг устига қиш совуғи наштарини суқиб жонимни олаётгандек бўлади.

Совуқ орқамни музлатиб юборди. Бунинг устига оёғим совуқ емасин деб, Қулбой оғанинг икки ёнига узатиб, ноқулай ўтирибман. Икки оёғингни кўтарсанг қуймичинг от устига темирга ўтиргандек ботар экан. Оёғимни узатиб юборсам, совуққа чидамайман.

Бундай кунлар ит бошига ҳам тушмасин. Совқотганимни Қулбой оғага билдирмай деб жағимни қисганимдан, икки жағим қотиб қолгандай бўлди. Жағимни қимирлатай десам, тандага ўралашиб қолган мокидек, қимирламайди.

Совуқ еганимдан отдан тушиб қочиб қолайми, деган хаёлга ҳам бордим. Совуқ ҳам атайин мен билан ўйнашаётгандек баттар авжига чиқади. Изғирин оёғим остидан, икки енгимдан, кийимларим йиртигидан кириб, омбур билан қисгандек чимчилайди. Уша вақтдаги зир қақшаб титраганимни кўрганда ҳар қандай бағри тошнинг ҳам раҳми келарди.

Чидашдан бошқа чора йўқ. Етимлик юрагимни ёрди. Етимлик етимлиг-у, болалар билан уришиб қолганимда, уларнинг гаплари ўтиб кетарди.

— Ота-онанг йўқ, шум етимсан!

— Сен ювиндихўрсан!

— Сенинг уйинг йўқ!

— Мол боқиб кун кўриб юрган девона!— деган гапларни эшитавериб, ҳар кимнинг уйида ичиб юрган ёрма билан буламиқ ҳам татимай қоларди. Бунинг устига, «қирмоч кал, нега интернатдан кетдинг», деб ўзимни-ўзим уришаман. Энди борсам интернатга олмайдим, деб ўзимдан хафа бўлиб кетаман.

Одамларнинг гаплари қалбимни тешиб юборгандай бўларди. Кимнинг қандай ўйлашини мен яхши билардим. Ҳар кимнинг уйида дайдиб юраверганингдан кейин сезгир бўлиб қоларкансан. Кимнинг нима демоқчи бўлганини афти-ангориданоқ билиб оласан. Бошидан ўтганини ичи билади дегандек, ўша совқотганим ёдимга тушса ҳали ҳам чакка томирларим зириллаб кетади.

Шунчалик совуқ едимки, Қулбой оғанинг гапларини гоҳ эшитаман, гоҳ эшитмайман. У киши ўзича қизиқ нарсаларни айтиб келяпти, менга эса ғалати бўлиб эшитилади. У бора-боргунча бояги мулла ҳақида гапирди. У мулланинг номини минг хил турлаб сўкарди.



Мулла дастидан мен ҳам кўп азоб тортганман. Ундан қўлимдан келганча ўчимни олган, Алламберген оғага айтиб савалатган эдим.

\* \* \*

Тахтакўпирга келдик. «Тўйнинг ўзидан тўй бўладиси қизиқ», дегандек, йўл юрганимиздан кўра келганимиз қизиқ бўлди. Айтмоқчи, дадам Оймирза мени танимайди, мен дадамни танимайман. Иккаламизни Қулбой сға таништириб қўйди.

— Манови Жўлмирза сенинг ўғлинг,— дейиши биланоқ рўпарамда турган қария қучоқ очиб менга ташланди. Мен ҳам совуқ еб келган эдим, унинг иссиқ бағрига кира қолдим.

Дадам ўз кўзига ишонмагандек, мени қучоқлаб эркалатди, юз-кўзларимдан ўпди. Қўлларимни қайта-қайта ушлаб кўриб, дийдоримга тўёлмаётган кишидек қайта-қайта қарар, юзларини юзимга босиб қучоқларди. Қувончи ичига сиғмай, кўзларида ёш йилтиради.

Дадамнинг кўзидан оққан ёш томчилари юзларимдан сирғалиб тушади. Баданим совқатган эди, куч-қувват киргандай бир зумда исиб кетдим. Қишнинг қақшатғич совуғини унутдим. Дадам бағрига босиб йиғлайверганидан менинг ҳам кўнглим бузилиб кетди.

Оталик меҳри билан юрагидан чиқариб эркалаб қайта-қайта қучоқлайди, нуқул юз-кўзимдан ўпади-ю, хўнграб йиғлайди. Бошдан оёғимгача назар ташлаб, яна бағрига босади. Қимларнидир чақирмоқчи бўлади-ю, тили тутилиб, гапира олмайди.

Мен ҳам унга жовдир-жовдир тикиламан. Етимликнинг огир кунлари ёдимга келади. «Дадам бор экан-ку, нега етимликда ўсдим, нега одамларнинг таъналарини эшитдим, нега олдинроқ келмадим», деган қайғули хаёллар кўнглимдан ўтаркан, кўзларимдан ёш тирқирайди.

Дадам паст бўйли, сийрак соқолли, ялпоқ бурун киши экан. Унинг катта, думалоқ кўзларидан ёш чиқаётганда менинг кўзим ҳам уникага ўхшашлигини кўриб ҳайрон қолдим.

У анча вақтгача мени суйиб, сўнг қучоқлаганча уйга олиб кирди. Қулбой, дадамнинг хотини ва синглиси орқамиздан киришди. Ҳаммаси кўришиб-сўрашиб

бўлгандан сўнг ўгай онам Ақша мени ичкарига олиб кириб кетди.

Ичкарига олиб кириб, янги кийимларни кўрсатиб, «шуларни кий» деди-да, мени уялади, деб ўйлаб, ўзи чиқиб кетди. Орадан кўп вақт ўтмаёқ сабри чидамаган дадам кириб келди. Йиртиқ-ямоқ бўз кўйлак билан бўз иштонимни ечиб ташлаб, янги кийимларни кийдим. Янги либос кийиб туппа-тузук йигит бўлиб қолдим.

\* \* \*

Тахтакўпирга ўз элатимдек ўрганиб қолдим. Дадамнинг қўшниси Жиёмурот Қулимбетов деган милиционер яхши одам экан. Жиёмурот оға Совет ҳокимияти учун босмачилар, бойлар, мулла-эшонларга қарши аёвсиз кураш олиб борганлардан бири. «Тор йўл», «тайғоқ кўчалар»да кўп марта ажал чангалидан омон қолган.

Жиёмурот оға мулойим, пакана, аммо тўла одам эди. Биринчи кўрганимдаёқ у менга ёқиб қолди. Ориққина, отжағли, қўй кўзли қорача бола — Тиловмурод Жиёмурот оғанинг укаси экан. Мен Тиловмурод билан туғишган ака-укадек бўлиб кетдим. Ундан кейин Тахтакўпирдаги ҳамма болалар ва қизлар билан танишиб, уларга ўрганиб кетдим.

Қорақалпоғистонлик ўқитувчилар орасида биринчи бўлиб Ленин ордени билан мукофотланган Оймирза Нуриббетовнинг укаси Бойдавлат Нуриббетов бу ерда танишган иккинчи ўртоғим эди. Унинг дадаси Нуриббетнинг қулоғи оғир эди. Шундай гаранг эдики, қулоғининг тагига келиб бақирсанг ҳам ҳеч нарса эшитмасди. Бойдавлат, Тиловмурод Қулимбетов учаламиз икки йилгача менинг отимни унга тушунтиролмадик. Уччаламиз «Жўлмирза» деб бақириб ҳам, шивирлаб ҳам кўрдик, бўлмади.

Нуриббет оға бечора менинг отимни билгиси келар, ҳар кун отимни сўрарди. Биз такрор-такрор айтиб овозимизнинг борича бақирамиз. У қўлини қулоғига қўйиб тинглайди, айтганимизни эшитгандай бўлади, аммо исимни бузиб айтади: Гулмирза, Эшмирза, Полмирза, Холмирза, Боймирза деб, дунёдаги бор «мирза»ларни санаб чиқади. Биз, йўқ, ундай эмас, деб бош чайқаймиз. Бечора менинг отимни билолмай, «Гулмирза» деганича ўлиб кетди.

Мен қайнатса шўрвалиги йўқ, ориқлигидан қовургалари мана-ман деб кўриниб турган, билак-болдирида чумчуқнинг гўштидек гўшти йўқ, пастки жағи мокининг учидек, юзлари куйган каби буришиб қолган, гапирганда кекирдаги қимирлаб турадиган бола билан танишиб қолдим. У биздан кўра каттароқ эди. Бизлар билан бирга юрганда товуқ жўжалари орасига туя товуқ жўжаси аралашиб қолганга ўхшарди, бу сўррайган бола Есберген Қўчқоров эди.

Унинг ёнидаги чиройли, дўмбоққина қора бола Қаллибек Менглибоев эди. Қўйбоқар, Дўйсанбой, Сийсанбой, Сейлибой, Болғабой, Избосар ва бошқа кўп болалар билан танишдим. Гулойим, Бийбойим, Гулзаъфарон, Уғилжон, Нозигул деган қизлар биз билан бирга ўйнарди.

Гулойим, Бийбойим, Гулзаъфаронлар овулдан келганим учунми ёки ёшликдан етим ўсиб, отамникига келганимданми, ҳайтовур мени ўз биродарларидай яхши кўришарди. Бийбойимдан бошқалари — Гулойим, Гулзаъфарон ҳозир ҳам ҳаёт. Улар болали-чақали бўлиб, бахтли яшашмоқда.

Йигитлар ичида юрагимга яқинлари Избосар Фозлов билан Болғабой Айтимов ва Есберген Қўчқоровлар эди. Уларнинг етимлиги олдида менинг етимлигим ҳам гапми! Избосар билан Болғабой мен келмасимдан олдин дадамникида юришаркан. Дадам иккаласининг кийим-кечагию озиқ-овқатидан хабардор бўлиб тураркан. Шунинг учун улар дадамни ҳурмат қилишарди.

Дадамникига борган йилим қишда бошланғич мактабга кирдим. Бизни малла кўзи терисидан телпак кийган хушрўй йигит ўқитарди. Унинг одоб билан мулойим сўзлаши ҳаммамизга ёқарди. Ўша йилларда унинг нима учун телпак кийиб юрганини, синфга кирганда ҳам бошидан олмаслиги сабабларини ҳозир ҳам билолмайман.

Қизил шойи чопон кийиб, белига белбоғ боғлаб юрарди, оёғида калиш-маҳси. Ўқитувчи эскича кийинса ҳам, ўзига жуда ярашиб турарди. Унинг мулойимлиги, болаларга ширин муомаласи, ёқимли сўзлаши, дарсни яхши ўтиши бизга ёқарди.

Бир неча кундан кейиноқ муаллимнинг отини билиб олдим. У Полвонниёз Саидкамолов экан.

Тахтақўпирдаги бошланғич мактабда бир йилгина ўқидим. Тушгача ўқиймиз, тушдан кейин эса Тиловму-

род Қулимбетов иккаламиз эшакда ўтин ташиймиз. Ўтин олиб келгани фақат биз эмас, Қўйбоқар, Бойдавлат, Султон деган кишининг қизи Ўғилжон ва бошқа болалар ҳам борар эди.

Эрталаб ўқиш, тушдан кейин ўтин ташиш билан вақт ўтиб боряпти. Бир куни дадамдан умр баёнини сўрадим. Бобомнинг отаси Ҳасан экан. Ҳасаннинг икки фарзанди бўлган. Тўнғичи Қутлимурод — Қутим, кенжаси Жўлмирза — Жўлим. Қутим уч фарзанд кўрган: Боймирза, Оймирза, Қутлимирза. Филай бўлгани учун ўртоқлари ва янгалари Қутлимуродни Қутим қийшиқ дейишаркан. Отамиз Қутим камбағал, зўрға ҳаёт кечирган бўлса керакки, бир шоир у ҳақда:

Алжирама, иним Қутим,  
Шу кунларда қочган қутинг,  
Уйингда йўқ бирор ютим,  
Ҳақингни бой ичган экан.

Қиш келса юрдинг қалтираб,  
Шилпиллаб кўзинг мўлтираб.  
Тешик товонинг ялтираб,  
Жунжиб рангинг ўчган экан,—

деб қўшиқ тўқиган экан. Жўлимдан Омонлик деган туғилган. Омонликнинг Иброҳим, Ниёзбой деган ўғиллари ва Ойсулув, Ортиқбийбека, Дамахон, Турдихон деган қизлари бўлган. Омонлик отамнинг тўнғич ўғли Иброҳим 1916 йилда мардикорга олинган. Фронт орқасида темир йўлда ишлаб юганда поезд босиб кетган. Мен «Ойгулобод» пьесасини ёзганимда Иброҳимнинг бошидан ўтган бир қанча воқеаларни Обод орқали тасвирлаганман. Иброҳим отани бойнинг болалари ўрнига зўрлаб, мажбур қилиб мардикорликка юборишган. Ўша вақтда мардикорликка бормамайман, деб бўлис ва бийларга қаршилиқ кўрсатган. Аввал уни алдашган, кўнмагандан кейин зўрлаб юборишган.

Омонлик отам созанда ва бахши эди. У 1932 йили ўлди. У фақат соз чертиб, қўшиқ айтмасди. У дутор ҳам ясар эди. Баҳор ойларида қўранинг кунгай томонида офтобда дутор ясаётиб қўшиқ айтиб ўтиргани эсимда...

Ҳадемай сумалаклар эриб, осмонда турналар овози эшитилди. Баҳор ҳам кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди-ю,

ёз кириб, мактабларда ўқиш ҳам тўхтади. Есберген Қўчқоров, Тиломурод Қулимбетов, Бойдавлат Нури-бетов, Ниёзимбет Султонов ва бошқа болалар бир бўлиб Чимбойга ўқишга бормоқчи бўлдик. Уйлашимиз ўн кун чўзилса ҳам, ҳаммамиз бир кунда йўлга чиқдик.

Тахтақўпирдан Чимбойга йўлга чиқдик, тунни билан йўл юриб, саҳар пайтида шаҳарга кириб бордик. Тўғри «Коммуна мактаби» деган ёзувли мактабга кирдик. Бу мактабда интернатдаги танишларимдан Ҳразбой Хўжанов, Қоражон Бекмуродов, Тиреш Данов ва бошқа болалар бор экан. Интернатда бизни «айт, два» деб саф қилиб юрадиган Юсуф Сафаров бизга тарбиячи бўлди.

Бу ерда Умид Шомуродов билан танишиб қолдим. У вақтда мен ҳам, Умид ҳам қўшиқ ёзмаган, шоирлик қилмаган эдик. Қўшиқ ёзишга ихлосимиз бўлса ҳам, қонун-қоидасини билмасдик.

«Коммуна мактаби» менга дунёни танишга катта йўл очиб берди.

Мен интернатда кал сифатида танилган эдим. Қалимдан уялиб, ўзимга яқин тутган кишиларнинг ҳам олдига ботиниб боролмас эдим. Энди бўлса ҳар қандай одамнинг олдига тортинмай боравераман.

«Коммуна мактаби»да кўп ўқитувчилар, тарбиячилар мени яхши кўришарди, мен ҳам уларнинг ҳурматини жойига қўярдим. Менинг яхши бир одатим бор эди — сира гап қайтармасдик. Ким қандай юмишга буюрса, кундузими, кечасими, албатта бажарардим. Шу одатимданми ёки мўмин-қобиллигимданми, ҳар қандай одам билан яқинлашиб кетаверардим.

Али оға Бекмуродов «Коммуна мактаби»даги ёши улуг ўқитувчилардан бири эди. Унинг хотини Жиянгул опа эса чиройли, пешанаси кенг, керма қош аёл эди. Мен Али оға билан Жиянгул опанинг сўзини қайтармай, айтганини қилардим. Ешлигимдан Бекмирза, Матниёз, Эшмирзаларни кўтариб, кийим-кечагини кийдириб, кирини ювиб ўрганиб қолганман. Шу сабабли уларнинг қизи Эйнешни ҳам йиғласа юпатиш қўлимдан келарди, опичиб, ўйнатиб юрардим. Бунинг учун Али оға билан Жиянгул опа хурсанд бўлишарди.

Қиз бола ҳам, ўғил бола ҳам — фарзанд. Али оға қизи учун жонини беришга тайёр эди. Чой ичганда ҳам, овқат еганда ҳам тиззасида олиб ўтирарди. Дарс

бўлмаган кунлари Эйнешни ортмоқлаб, ўйнатиб, олди-дан чиқиб қолсам, қиз دادасига қараб талпинар, Али оға ҳам узоқдан қучоғини очиб келарди.

Бир куни кўнгилсиз воқеа юз берди. Чимбойнинг Али оға турадиган бозор томони билан «Коммуна мактаби» ўртасида зовур бор. Али оға мактабга шу кўприкдан ўтиб келарди. Мен қизини кўтариб Али оғага пешвоз чиқдим.

Худди кўприк устида учрашдик. Орқамда қулочини ёзиб, талпиниб келаётган Эйнешни адаси ушлади, деб ўйлаб қўйиб юбордим. У ерга йиқилиб тушди, жон-ҳол-латда унга ташландим, аммо улгурмадим, у сирғалиб, сувга тушиб кетди. Ялт этиб Али оғага қарадим. Унинг ўзи қора одам эди, энди бўлса юзи кўмирга ўхшаб кетди. Кўзлари ола-кула бўлиб: «Ўлди-ку!»— деб бақирди. Унинг бу даҳшатли овозидан ўзимга келиб, кўприк устидан ўзимни сувга ташладим. Сув саёз экан, бошим ерга қаттиқ тегди, лекин ўзимни йўқотмадим, шоша-пиша сув ютган Эйнешни кўтариб, юқорига ирғитдим. Али оға уни ушлаб олди. Юз-кўзини силаб-сий-палаб, юраги устини бармоқлари билан ишқалаган эдики, Эйнешнинг оғзидан сув булоқдек оқа бошлади. Али оға қизининг бошини пастга қилиб кўтариб турди. Қиз яна қусди. Дарҳол орқамга опичтириб, уйга югурдик.

Самовар қайнатиб, чой дамлаб ўтирган Жиянгул опа бу аҳволни кўриб, ўзини йўқотиб қўйганидан самоварни ағдариб юборгани, гоҳ қизининг олдига келиб, гоҳ куйган оёғига туз сеппиб ўтиргани ҳамон кўз ўнгимда.

Шу пайт ҳовлига илиқиб юрган итлар келиб қолди. Кесак олиб отган эдим, модаси думини қисиб қочди, аммо қора кўппак ириллаб менга ташланганини биланман, худди қўйруғимдан тишлаб олди. Шундай қилиб, бир зумда уйнинг ичи ола-ғовур бўлиб кетди.

Али оға билан Жиянгул опа бир менга, бир қизига қарашади. Ит тишининг изи чандиқ бўлиб қолган. Ушандан кейин Али оға билан ота-боладек бўлиб кетдик. Унинг йирик гавдаси, кулиб турган чеҳраси, чечак изи қолган юзига ярашган сийрак соқол-мўйлови ҳам кўз олдимда.

Мен қозоқ адабиёти ва қозоқ ёзувчилари ҳақидаги дастлабки таассуротларни Али оғанинг ҳикояларидан олганман. Бу ёзувчиларни Али оғадан эшитган бўлсам

ҳам, сўнги йилларда уларнинг деярли бариси билан шахсан танишдим, кўришдим.

Қанапия Алиев, нимжон, ориқ, чиройли йигит эди. Дарс вақтида у берилиб гапирар, ҳамманинг диққатини ўзига қаратиб оларди. Ҳаммамизга ғамхўрлик қилар, пешанамизни силар эди. Ўзи ҳам етимликни бошидан кечирганми, етим болаларни айниқса юрагига яқин тударди.

Камол Оташев кун-тун биз билан бирга бўларди, ота-онамиз каби унга бемалол гапираверар эдик. Синфдами, кўчадами, тўйдами, ҳамма ерда «Коммуна мактаби» болаларига ўз боласидек қарарди. У ҳозир ҳам бошланғич мактабда дарс беради. Қанапия Алиев, Али Бекмуродов, Камол Оташев, Каримулло Абишев, Холмурод Тўлегенов, Юсуф Сафаров, Мажидов ва «Коммуна мактаби»нинг бошқа ўқитувчиларидан мен ўла-ўлгунча миннатдорман. Улар мени ўқитишди, тарбиялашди, одам қаторига қўшишди. Мен бу қадрли устозларимни олқишлайман ва улар мен учун сарфлаган меҳнатларини оқлашга бел боғлаганман.

Каримулло Абишев ажойиб йигит эди. Унинг ота-онаси ҳам батрак бўлган. У мен ва менга ўхшаган етимларнинг камолга етишида жонбозлик кўрсатди.

Каримулло Абишев атоқли шоир Мадутнинг дўсти эди. Шу сабабли у кўп китоб ўқир, бизга ҳам шуни маслаҳат берарди. Адабиёт олами билан топишувимизда Каримулло Абишев менга ва Амет Шомуродовга катта ёрдам берди. Бизда адабиётга қизиқиш уйғотди.

Абишев эскича билимларни, тарихни, адабиётни яхши биларди. Бизни зиёфатларга эргаштириб борарди. Бундай зиёфатларда қўшиқ айтилар, қисса ўқиларди, ўйин тушиларди. Биз адабиёт ва санъатни севадиган одам бутунлай бoshqacha бўлади, деб ўйлардик. Ундай эмас экан. Адабиёт ва санъат — халқнинг турмуши экан.

«Коммуна мактаби» мен учун ҳаётга йўлланма бўлди. Бу ерда кўпгина муаллимлар, тарбиячилар ва болалар билан танишган бўлсам ҳам Тахтақўпирдан бирга келган Есберген Қўчқоров, Бойдавлат Нуриимбетов, Тиломурод Қулиимбетов, Ниёзимбет Султонов ва бошқа болалар билан дўстлигимиз давом этди. Есберген Қўчқоров ёши биздан каттароқ, ақлли йигит эди. У ҳам ёшлигидан етим қолиб, ҳаёт қозонида қайнаган.

Тиловмурод Қулиббетов эса ота-онасини билмайди ҳам. Унинг биздан фарқи — Жиемурод деган тоғаси бўлиб, у Тиловмуроднинг етимлигини билдирмас эди, Тиловмуродни жуда яхши кўрарди. Тахтақўпирлик Султоннинг ўғли Ниезимбет-ку биздан ҳам ёшроқ. Бойдавлатнинг опаси ўлиб, отаси Нуримбет янгидан уйланган ва бола ўғай онали бўлиб қолган эди.

Амет Шомуродов ҳам отасидан ажралган. Амет Элтоев деган ўртоғим ҳам шунақа. Пиреш Данов, Урозбой Хўжанов, Қоражон Бекмуродовлар ҳам ота-онасидан айрилган. Хуллас, ҳаммамиз ҳам етимлик дардини тортганмиз. Ҳаммамиз ҳар томондан — Тўртқўл ва Шаббоз, Хўжайли ва Қўнғирот, Мўйноқ ва Шақамон, Кегейли ва Тахтақўпирдан келганмиз. Уларнинг орасида ота-онаси борлари камдан-кам, кўпчилиги етимлар эди.

Тахтақўпирдан келганимизда дастлабки кундан оқ Қаримулло Абишев бизга меҳрибончилик қилди. У вақтда биз имтиҳон нималигини билмас эдик. Қаримулло Абишев ҳар қайсимизга бир варақдан оқ қоғоз бериб, сўз ёздирди. Сўнг қоғозларни йиғиштириб олиб кетди. Эртасига мактабга қабул қилинганлигимизни айтди.

Орадан икки кун ўтгандан кейин эгнимиздаги эски кийимларни ечиб ташладик. Бизга калта кўйлак, труси беришди. Ҳаммомга тушдик, ундан ҳаммамиз бир хит кийиниб чиқдик. Қалам-дафтар олдик, ҳар қайсимизга алоҳида-алоҳида каравот беришди. Бу ишларга Холмурод Тўлегенов деган тарбиячи бош-қош бўлди. У пака-на, қора йигит эди. У киши кейинчалик бизга жисмоний тарбия машқларини ўргатди.

Уқинш ҳам бошланди. Ихлос билан ўқийвердик. Мен илгари интернатда ўқиганимда Чимбойни айланиб кўрмаган эдим. Калимдан уялиб, умримнинг ўтганини билмай юраверган эканман. Чимбойни энди кўрдим. Шаҳар қурилишига энди тушундим.

Чимбойнинг орқа томони Кўкчи, кун ботар томони Уйчи, ўртаси эса Қоронғи кўчалар деб аталарди. Тўйма-рака, ўйин-кулги, йиғин бўлса, уч тараф учга бўлиниб томоша қиларди. Уларни Кўкчининг ёки Уйчининг йигит-қизлари, ёхуд Қоронғи кўча йигит-қизлари, Наримонов кўчасининг йигит-қизлари деб аташарди.

Қоронғи кўчаларда базалар жойлашган, бу ерда



боққоллар, савдогарлар, бадавлатроқ одамлар турарди. Ҳар бир боққол ёки базознинг уйи олдида кўчага қараган дўкони бўларди. Эрта тонгдан қош қорайгунча бу дўконлар ёпилмас эди.

Бу шаҳарга Оренбург, Бухоро, Ашхобод, Қизил Урда, Туркистон, Тошкент, Душанба, Хоразм, Оқтепа, Қозон, Чоржўй, Кўҳна Урганч ва Хивадан савдогарлар келиб турарди. Холмурод бойга ўхшаган бойлар эса бу шаҳарларга ўз одамлари, молларини юборарди.

Чимбой шаҳри ана шундай бойлар талабига мувофиқ қилиб қурилганди. Савдогарлар ўзлари сотадиган моллари миқдорига қараб, шаҳар оқсоқоли билан келишиб шаҳарни бўлиб олишган эди.

Мол бозори, коппонлик, беда бозори, ўтин бозори, кигиз бозори, темир-терсак бозори, пиёз бозори, ёғ бозори, товуқ бозори, бел, кетмон, ўроқ бозори, чўмич-қошиқ бозори, кийим-кечак бозори каби бозорлар бор эди.

Биз, ёш болалар кўпроқ тухум бозорига борардик. Мен тухум уриштиришга ишқибоз эдим. Қайси тухум қаттиғу қайсиниси юмшоқлигини тиншимга уриб кўриб билардим. Бозор кунини саҳар етиб келсам, бозор тугагач чиқиб кетардим. Баъзи кунлари мен ютиб олган тухумлар этагимга сиғмай кетарди. Баъзан эса ютқазиб қўйиб, икки қўлимни бурнимга тикиб қайтардим. Ютган кунларим эса ҳамма ўртоқларимни тухум билан меҳмон қилардим.

Уша вақтда мен билган бойлардан Холмурод бой бақалоқ, чўққи соқол, қоп-қора киши эди. Унинг бети мой қовоқдек ялтираб турар, юзи юмалоқ, қошлари қалин эди. Ундан ташқари Ҳазимбет, Хўжаниёз, Аълохон, Тўраҳон деган номи чиққан бойлар бор эди.

Уларнинг орасида бошқа миллатдан бўлган бойлар ҳам бор бўлиб, улар кўп эмасди. Уларга малайлик қилиб юрган чаққон бола Қўсибой Жангабоев эди. Қўсибой эртадан кечгача тинмай хизмат қиларди. Уни бурни ерга тегай-тегай деб яшиқ, қоп, ўтин ёки бошқа нарсаларни орқалаб юрганини кўп кўрардим. Савдогарларнинг ўтини билан кириб, кули билан чиқиб юрган Қўсибой Жангабоев кейинчалик министр бўлди, депутатликка сайланди, қурилиш ва савдо ишларида ишлади. Кечаги етим — бугун давлат арбоби, Шунинг учун уни кўрсам:

Айланайин Қўсибой.  
Бизнинг замона шундай.  
Етим эдик — етилдик,  
Бахтга бахтлар қўшилгай.—

деб қўяман.

— Ёшлик даври қандай яхши! Денгизми, тоғми, тўқайми, иссиқми, совуқми, қишми, ёзми — бари бирдай яхши кўринади. Биз шу ёшлик қучоғидамиз. Амет иккаламиз баъзан ўйланиб қоламиз. Нима учун ўйланишимизни ўзимиз ҳам билмаймиз. Бизга нима етишмайди: ҳавоми, сувми, ерми, нонми, кийим-кечакми? Йўқ, ҳаммаси етарли. Умримизнинг ўнг гулидан ҳали бир гули ҳам очилмаган пайт.

Шишадек тиниқ осмонда қалдирғоч чарх урарди. «Баланд учишни бир кўрсатиб қўяй» дегандек, сўфитўрғай тик парвоз қилиб, баландликда қанотларинчипир-пиратиб бир жойда туриб қолади ва жўшиб сайрайди. Бизнинг ўйларимиз ҳам шу қушлар каби кўкка интилади, парвоз қилади.

Чимбой атрофи боғ. Шарқ томонида Қайчили билан Айтеке, жануб томонида Анна билан Қўйин, шимол томонида Бессари билан Оролбой, ғарб томонида Кенегас, Манғит уруғлари жойлашган.

Чимбойнинг уч тарафидан учта катта йўл кетган. Кун юриши томондаги йўл Қоратоғ орқали Тўрткўлнинг усти билан қизилқум орқали Бухорога олиб боради. Иккинчи йўл Чимбойнинг кунчиқиш томонидан бошланиб, Тангасочган, Бўзўтов орқали, Тўхтакўпир йўлидан ўтиб, Оқ Мачит, Қизилўрда, Оренбургга олиб боради. Учинчи йўл Чимбойнинг кунботиш тарафидан Аршон кабир устию Шақамон орқали Қозоқ дарё ёки Орол денгизига қараб кетади. Бу йўллар жуда серқатнов эди.

«Коммуна мактаби»да айниқса Пиреш Данов, Урозбой Хўжанов, Амет Шомуродов, Есберген Қўчқоровлар билан миждимиз тўғри келиб қолганди. Улар билан топганимизни таллашиб, тайёрлаганимизни улашиб ер эдик. Сеники-меники деган гап йўқ. Аметдан бошқа ҳаммамиз ҳозир ҳам ҳаётимиз. Ҳар сафар учрашганимизда ўтган-кетганларни эслаймиз.

Пиреш Данов кичкина, қора кўзли жиккак бола эди. Гапларини эшитсангиз, катта одамни кичкина қилиб қўйганга ўхшарди. Кичиклардан тортинмайди, ўздан катталардан қўрқмайди. Кичкинагина қора кўзини йилтиратиб, лаби лабига тегмай гапиреди. Ўзи кичик бўлса ҳам болаларга катталар қатори ақл ўргатарди.

Ҳозир Пиреш Данов бола-чақали одам. Партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлиги билан инсон қаторига кирди, республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Совет ҳокимияти йилларида бошланган тарихий юришларда фаол қатнашди. У ҳозир Нукусда яшайди.

Дунёдаги тиним билмайдиган болаларнинг бири Қоражон Бекмуродов эди. У ҳеч нарсани кўнглига олмас, дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиган беғам, беташвиш эди.

Қоражон ота-онасидан ёшлигидаёқ ажралиб қаровсизликдан менга ўхшаб кал бўлиб қолган. Унинг бир фазилати шу эдики, каллигидан уялмай, бошини ҳар кимга бир суйкаб ўйнаб-кулиб юраверарди. У мени кал деса, уялганимдан йиғлаб юборардим. У бўлса йиғилишларда ҳам қалпоғини ечиб, бош яланг ўтирарди. «Йўқолсин уятчанлик! Бутун дунё каллари, бошингизни очингиз!»— деб хитоб киларди у.

Уша Қоражон саводхон, билимдон киши бўлиб етишди. У ҳозир Қозоғистонда паровоз машинисти бўлиб ишлайди, деб эшитаман. Қоражонни 1927 йилдан бери кўрганим йўқ. Унинг қаёққа кетганини, нима иш қилишини билмасдим. Яқинда, шу китобни ёзаётганимда Пиреш Данов билан Урозбой Хўжанов Қоражон Бекмуродовнинг Қозоғистонда эканлигини айтишди. Қоражонни бир кўргим келади, бола-чақаларини ўз ўғилқизларим каби бағримга боссам дейман.

Урозбой Хўжанов эса қадрдон ошнам. У совуққон, мулойим йигит эди. У ҳар бир ишни ўйлаб қилар, баъзи одамларга ўхшаб ҳовлиқмас эди.

1926 йилда Чимбойда катта тўй бўлди. Ким тўй қилгани эсимда йўғ-у, тўйга келганларнинг ҳаммаси Чимбой бозорига тўплангани ёдимда. Карнай-сурнай авжида. Бир томонда дор қурилган. Ҳамма хурсанд. Қизлар бор бисотини титкилаб, энг яхши кийимларини кийиб келишган. Албатта, янги кийимни бор одам кияди. Етим-есирларнинг эса товони ялтираб, кўнгли

қалтираб турибди. Кўйлаги тирсагига етмай, чопони тиззасини беркитмай юрганларнинг сон-саногини йўқ. «Борга бозор, йўққа озор» деганлари шу-да!

Нима бўлса ҳам тўй қизиқ ўтяпти. Пойга чопадиган отлар эгарлаб қўйилган, полвонлар шай бўлиб турибдилар. Кураш бошланди. Курашдан олдин жарчи: «Кураш тушаман деб тўйга келган талабгорлар ўртага чиқинглар. Курашда бош соврин — ҳўкиз, ундан кейин бир тана, ундан кичик соврин бир қўчқор! Хивадану Қўнғиротдан, Тўрткўл билан Шаббоздан, Гурлан билан Питнакдан, Манғит билан Қипчоқдан, Мўйноқ билан Толтадан, Қизил Урдаю Чоржўйдан, талаб чиқиб ҳар жойдан келган полвонлар, ўртага тушинглар!»— деб жар солиб даврани икки марта айланиб чиқди.

Шундан кейин давранинг ҳар томонидан полвонлар савлат тўкиб ўртага чиқа бошлашди. Кучлилар йиқитиб, кучсизлар мағлуб бўляпти. Бировлар жанжаллашиб, қайтадан кураш тушмоқда.

Катта полвонлар беллашиб бўлгандан кейин жарчи ёшларни ўртага чорлади. Ёнимда ўтирган, бирга ўқийдиган хўжайилилик йигит Содирбой мени туртиб: «Чиқ!»— деди. Энди кураш тушмоқчи бўлиб кийинаётган эдим, Айтан деган қариндошим кўриб қолди. У Омонлиқ бобомнинг Турдихон деган қизининг куёвчи эди. У, «бу боланинг суяги қотмаган, майиб бўлиб қолади» деб Содирбойнинг шаштини қайтарди.

Содирбой туртиши биланоқ ўрнимдан турган эканман. «Ўзи хоҳлаб ўрнидан турди, шаштидан қайтарма, тушаверсин. Курашаверсин, ўз тенги билан беллашадн, нимаси кетарди», деб, одамлар қўярда-қўймай мени ўртага чиқаришди.

Катта йиғинда ўртага тушганимдан уялиб, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Йиқилсам уят бўлади-ку, жойимга қайси юз билан бораман, деб ўйланиб бораётсам, қўрқанга қўш кўринади, деганларидек, қаршимдан гавдалироқ бир йигит тўғри мен томонга келяпти. Тажрибали полвонга ўхшайди, қаттиқ йиқитиб, майиб қилиб қўймаса, деб ўйладим.

Ўзимни босиб, рақибимнинг олдига келсам, дўстим Урозбой Хўжанов экан. Бир-биримизни таниб, иккаламиз ҳам кулиб юбордик. У ҳам мени танитай, хавфсиз раб келаётган экан. Урозбой: «Уят бўлди-ку, шундай бўлса ҳам курашмасак бўлмайди энди», деб шивир-

лади. Унинг кўнглида сени йиқитаман-ку, деган ўй кучли эди.

Ўрозбой шу ўй билан менга ташланди, бўйнимдан қисиб қучоқлаб олди. Бир-икки силтаб юборди. Қоқ суяк қўли бўйнимни темирдек қисиб боряпти. Бу ҳужумдан эсанкираб қолдим. У эса ҳамон бўшаштирмайди.

«Ўрозбой мени аяса керак», деб ўйласам ҳам, унинг чангалида қисилиб, умидим пучга чиқа борарди. Бундан жаҳлим чиқиб кетди. Ҳа, Ўрозбой аяб ўтирмайди, деб ўйладим-у, жон-жаҳдим билан қўлни қайириб, бўйнимни бўшатиб олдим. Ўрозбой бир-икки уриниб йиқита олмагач, ўзимга ишончим ортди. Унинг кучи етмаслигини тушундим.

Шундан кейин ҳам Ўрозбой бир-икки уриниб кўрди, қўлимни қайирди, алдаб кўрди, оёғимдан чалди — бўлмади. Бор ҳийласини ишлатиб, йиқита олмаган Ўрозбой ҳаллослаб қолди. Мен чиранмай юриб, унинг ҳийлаларини билиб олдим-у, ҳужумга ўтдим. Ўрозбойнинг ранг-атвори ўзгариб, қўл-оёғидан мадор кетди. Синов учун оёғини қоқиб юборсам, галдираб кетадиган ҳолга тушиб қолди.

Сабрим чидамади. Ҳамма одамлар фақат иккала-мизга қараб тургандек эди назаримда. Ўзимни у ёққа-бу ёққа, орқага ташлаб туриб, бирдан Ўрозбойни қучоқлаб олдим. Бор кучим билан тиришиб, унинг чиқиб кетишига имкон бермадим. Ўрозбой анчагача талпинди, тўрқовоқдаги беданага ўхшаб питиллади, қоқиб, юлқиб кўрди, ушлаган еримни бўшатмадим. Бир вақт ҳовлиқиб қолган рақибим белбоғимни қўйиб юбориб, трусигим резинкасига ёпишди. «Резинкани узасан, қўйвор!»— дедим. Ўрозбой қўлини қўйиб юбориши билан вақтдан фойдаланиб, уни ёнбошга олдим. У эса белимдан қучоқлаб олди.

Ўрозбойнинг қўли қовурғаларимни қисирлатиб юборди. Чидадим. Оёғини тортиб туриб ўзини итариб юборган эдим, бор кучи билан ўзини туттишга уриниб, ўзини бошқа томонга ташлади. Мен уни ўзи оғган томонга қайириб юбориб, чалган оёғимни зарб билан кўтарган эдим, Ўрозбой гуп этиб йиқилди. Мен атоқли полвонлар каби чалқанчасига йиқилиб ётган Ўрозбойнинг устидан ҳатлаб ўтиб, томошабинларга таъзим қилдим.

Бир вақт қарасам Айтан поччам оқсоқланиб олдимга келяпти. Одамларнинг шовқинидан кўнглим кўтарилиб кетди. Айтан поччам қўлимдан етаклаб, соврин бераётган кишининг олдига олиб борди.

— Бола полвоннинг совринини беринг,— деди у.

— Хўп бўлади,— деди-да, ҳалиги киши менга бир рўмол узатди.

— Йўқ, бир қўчқор берасиз. Биринчи марта кураш тушиши. Бола полвон бўлсаям атоқли полвон,— деб мақтаб, одамлар олдида турган қўчқорлардан бирининг шохидан ушлади.

— Беринг!

— Ёш бола экан, олсин!

— Бу боладан полвон чиқади!

— Чимбойдан ҳам бир бола полвон чиқсин!

— Беринг!— деб ҳар томондан одамлар маъқуллашарди. Хуллас Айтан поччам қўчқорни етаклаб, рўмолни елкага ташлаб, мени давра айлантирди. Этагига одамлар атаганларини ташлашарди. Шундай қилиб, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ номим бола полвон бўлиб, бир қўчқор, бир рўмол ва бир этак пулли бўлиб қолдим...

«Коммуна мактаби»даги дўстларимдан яна бири Амет Шомуродов эди, у билан узоқ йиллар дўст бўлганмиз. Болаликнинг ботирлик, ёшликнинг ёрқин йилларини бирга ўтказганмиз, бирга ўқиб, адабиёт майдонига бирга чиққанмиз...

У пайтларда биз ҳали қанот чиқармаган полапондай бир нарса эдик, илмга ташна вақтимиз эди. У вақтда Чимбойда бизни тўй-сайлда томоша кўрсатадиган масхарабоз — қизиқчилар, қиссачилар, хонандалар қизиқтирарди, Чимбой йигитлари тўй-маъракаларда икки томон бўлиб, ҳар томон ўз ҳунарини кўрсатарди. Ҳар икки томон томоша кўрсатишида бир-биридан ўзишга ҳаракат қилар, бир томон аравага тандир ўрнатиб, нон ёпса, иккинчи томон қўғоз қалпоқлар кийиб, афтини бўяб, масхарабозлик қиларди.

Бу томошаларга Хоразмдан қизиқчилар, қўшиқчилар, ўйинчилар келарди. Амет иккаламиз Ҳайитбойнинг ўйинларига ишқибоз эдик. Ҳайитбой пакана, кенг яғринли, семиз киши эди. У ўйинга шундай уста эдики, одамлар беихтиёр маҳлиё бўлиб қолардилар.

Шу тариқа биз халқ санъатига қизиқиб қолдик. Қиссахонларнинг дostonларини бутун эътиборимиз би-

дан тинглардик. Мәвлит Малик қозининг, Мулла Қозқобойнинг дostonларини эшитгач, биз ҳам қўшиқ айтиб юрадиган бўлдик. Эшнiеэнинг «Бўзатов», халқнинг «Гел-гелей» ва бошқа қўшиқларини айтиб юрганaмиз эсимда. Тўйларда қизлар даврага олиб қўшиқ айтдиришганда бошини айтиб, охирини унутиб қизариб қолган вақтларимиз ҳам бўлган. Уша йилларнинг ўзи бизни қўшиқ ёзишга тайёрлади. Лекин бирданига шеър ёзишга қўл урмаганмиз. «Коммуна мактаби»ни битиргач Амет Оренбургга, мен Тўрткўлга кетдик. Бир неча йилдан сўнг биз Москвада учрашдик.

Москва! Нақадар гўзал, салобатли шаҳарсан. Инсон фарзанди «дада», «ойи» деб тили чиқадиган бўлса, у айтадиган учинчи сўз «Москва»дир. Озодлик, бахт ва дўстликни севган одам Москвани ҳам севади. Жаҳон халқлари Москвани бир кўрсам дейди. Амет билан менинг ҳам орзумиз шу эди.

Мақсадимизга етдик. Мана, биз Москвадамиз. Бу ерда ўқияпмиз. Жаҳондаги барча эзилган халқларга машъал бўлган Москва бизни ҳам ўз бағрига олди. Кўриб кўзимиз тўймайди, қувончимиз ичимизга сиймайди. Қўлимдаги Алексей Максимович Горький имзо чеккан ёзувчилар союзига аъзолик билетимни кўкрагимга босаман.

Москвада ўқиб юрганaмизда биз кирмаган театр, биз бўлмаган боғ, кинотеатр, биз юрмаган кўча қолмади. Доҳиймиз Владимир Ильич Ленинни зиёрат қилдик. Қайғу-ғам билан мавзолейдан чиқдик.

Доҳий Ленин  
 Фарзандингман,  
 Келдим эгиб бош.  
 Отажоним  
 Деб йиғладим,  
 Кўзларимда ёш...—



деб ёзган қўшигим Аметга таъсир қилдими, у узоқ ўйланиб қолди.

Биз ўқишга берилиб кетдик. Харажатдан қисилиб қолиб, Амет ўқишдан сўнг метро қурилишида ишлаб бошлади. Бу иш менга ҳам маъқул тушди. Шу тариқа Москва метросининг биринчи навбат қурилишида мен бир ой, Амет уч ой ишладик. Ҳа, дунёни ҳайратда қолдирган метро қурилишида бизнинг ҳам ҳиссамиз бор.

Орадан анча вақт ўтгач, мен Аметни Москва ёзувчилари билан таништирдим. У вақтда майда миллат ёзувчиларидан Москвада ўқиётганлари кам эди. Бизнинг институтимизда Қозоғистоннинг ҳозирги атоқли драматурги Шахмат Ҳусайнов, Қозоғистон халқ россоми Қастеев, қирғиз шоири Шамшиев ўртоқлар бор эди. Улар билан бирга Алексей Толстой, Александр Фадеев, Федор Гладков, Валентин Катаев, Николай Тихонов, Сакен Сайфуллин, Бегимбет Майлин, Илёс Жонсугирёв, Собит Муқонов, Ўтабой Турманжонов, Габит Мусрепов, Асқар Тўқмагамбетов, Тоҳир Жароқов, Самад Вурғун, Георгий Леонидзе, А. Лоҳутий, Садриддин Айний, Берди Кербобоев, Сайфи, Али Тўқамбоев ўртоқлар билан учрашардик, улардан маслаҳатлар олардик.

Биз Москвадаги бадний адабиёт нашриёти ходимлари билан ҳам танишдик. Шу нашриётда менинг иккита тўпламим босилиб чиқди. Қалам ҳақим иккаламизга, ростини айтганда, ўша вақтда Москвада ўқиётган барча қорақалпоқ йигитларига сарф бўлди. Қўлимизга мўмай пул тушиб, шаронтимиз яхшиланди. Ўша йили Амет ҳам қўшиқ ёза бошлади. Унинг шеърлари ёр-дўстларига, қизларга мактуб формасида эди. Амет ижодига Москва қанот берди, деб айтиш ўринлидир. Кейинчалик Амет забардаст шоир, драматург бўлиб етишди.

Амет иккаламиз ижодий ҳамкорлик қилдик. Биргаликда «Орол қизи» музикали комедиясини яратдик. Бу пьеса ҳозирга қадар Қорақалпоғистон театри репертуаридан тушган эмас. Амет Қорақалпоқ халқининг «Қирқ қиз» достони асосида қаҳрамонлик драмасини яратди. «Эски мактаб» қиссаси халққа манзур бўлди. У болаларни ҳам унутмади. Уларга атаб «Йўлбарс билан учрашув» деган қизиқ ҳикоя ёзди. У ёзган қўшиқлар халқ оғзига тушди, тўйларда, байрамларда ёшларнинг севиб куйлайдиган қўшиғи бўлиб қолди.

Амет Шомуродов билан салкам ўттиз йил ичида кўп



курашларда биргаликда бўлдик, бирга қир ошдик. Комсомоллик йилларимизда талайгина кишининг саводини чиқардик. Амет Орол денгизи атрофида яшайдиганлар орасига жўнади. У Мўйноқ районидаги аллақанча кишини саводхон қилди. Амет Орол денгизини биринчи марта кўрганини, у ердаги эл меҳмондўстлигини узоқ вақт гапириб юрди.

Мен Мадали атрофидаги элатда бир ярим ой бўлдим. Аюбберган оға билан Маман шоирни, Нурлибой шоирни кўрдим. У ерда йигит-қизлар кундузи балиқ овлаб, тунда «муаллим бола»—менинг атрофимга йиғилишарди. Дутор чертиб, қўшиқ айтиб, ўйин-кулги қилардик.

Уша сафарда Амет халқ ҳаётини яхши ўрганди. Орол денгизи балиқчилик маконигина эмас, асарларда мақташга арзигулик қаҳрамонлар маскани экан, йигит-қизлар денгиз тўлқинларини писанд қилмай ишлашар экан, деб мақтаб келди. У Орол денгизчилари ҳақида катта асар ёзмоқчи эди, бироқ машъум ўлим уни орамиздан олиб кетди.

Аметнинг ўзи ўлган бўлса ҳам, унинг халққа, партияга, Ватанга муҳаббати мангудир. Халқимиз уни «Бизнинг Амет» деб ҳурматлайди, асарларини севиб ўқийди...

\* \* \*

... 1927 йилда Чимбойдан Тўрткўлга келиб педагогика билим юртининг тайёрлов курсига кирдим. Уқиш бошланди. Шу йили қиш жуда қаттиқ келди. «Кийимсизни қўрқитиб, яланғочни ялаб» келган қиш мен учун оғирроқ бўлди. Чунки интернатда, сўнг «Коммуна мактаби»да олган кийимларим йиртилиб кетган эди.

Фаттоҳ деган татар бола билан дўстлашиб, унинг қора шапкасини олган эдим. Ёзда торлик қилиб қолиб, эртаги кунни ўйламай, йиртиб катта қилиб олгандим. Шу шапкани кийиб юрганымда одамлар кўз олайтириб қарайверганидан уни ҳам ташлаб юбордим. Бунинг устига ботинкамни қайта-қайта ямайвериш жонимга тегди. Тагчарми кўчиб латта билан боғлаб юрдим. Ниҳоят оёқда турмайдиган бўлиб қолди.

Бошқа кийимларимнинг ҳам мазаси йўқ. Шапка билан ботинкадан кейин «обрўли» кийимим бўз кўйлагу

бўз иштон ва қора товар камзулим эди. Кийимларимнинг сони ҳам, сифати ҳам шу.

Педбилим юртининг ётоқхонаси билан синфхоналари бир жойда эди. Менга шуниси қўл келиб қолди. Нима учундир тайёрлов курсида ўқийдиганлар кейинроқ Шўрахон кўчасидаги «Коммуна мактаби» биносига қатнаб ўқий бошладилар. Албатта, бундай қилиш менга осон бўлмади. Ётоқдан ўқиш жойигача яланг бош, яланг оёқ қорни ғарчиллатиб босиб қатнардим. Ҳамма ўқитувчилар ва дўстларимнинг менга раҳмдиллик қилганларини унутмайман.

Қиш кунлари шу аҳволда юриш мен учун қўрқинчли эмасди. Чунки қорда яланг оёқ юришга ёшлиқдан ўрганиб қолганман. Аввал одамлар ҳайрон бўлиб юришди, сўнг аҳволимга кўникиб кетишди.

Шу аҳволимга қарамай, ўзим жуда чаққонман. Изғиринни ҳам, қорни ҳам писанд қилмайман. Соч қўйиб, тараб юрадиган бўлдим, сочим телпак ўрнини босди.

Умрим бир зайлда ўтаверди. Аянчли аҳволимни кўриб аяган одамлар ота-онамдан ортиқ кўринган вақтлар бўлди. Ҳар қандай машаққатларга қарамай, ўқишни ташламадим. Уқидимгина эмас, турли тўғаракларда қатнашдим, жамоат ишларини бажардим. Билим юртида чиқадиган «Билим байроғи» деворий газетасининг янги сони илинса, унинг ёнидан кетмайман. Ундаги мақолаларни, қўшиқларни, ҳикояларни қайта-қайта ўқийман.

Юқори курсда ўқийдиган, номи танилган ўртоқлар билан учрашиш, сўзлашиш мен учун катта орзу эди. Бахи Ерғалиев, Кендебой Убайдуллаев, Саиджон Оллоназаров, қишлоқ хўжалик техникумида ўқийдиган Тиржон Сеитов, Избосар Фозилов ва бошқа ўртоқларга ҳавасим келарди. «Шуларнинг қаторига кирсам, доно сўзларини тинглаб, маслаҳатларига қулоқ солсам, армоним қолмас эди»,— деб ўйлардим.

Орадан кўп ўтмай ўша ўртоқлар билан танишиб олдим. Бунга Ниятбой Тоғбоев сабабчи бўлди. У қишлоқ хўжалик техникумида чиқадиган деворий газетада фаол қатнашарди. У вақтда ҳар икки техникумда, партия, совет мактабларида чиқадиган деворий газеталар шаҳардаги клубларга ёпиштириб қўйиларди. Одамлар уларни қизиқиб ўқишарди. Мактаблар ўртасида дево-

рий газеталарни чиройли мазмунли чиқариш учун мусобақа борарди.

«Билим байроғи» газетасидаги мақола, қўшиқлар, фельетонлар, ҳазилларни ўқиб, мен ҳам «Чўпоннинг зори» деган қўшиқ ёздим. У «Билим байроғи»да босилди. Шу қўшиғим чиққандан кейин қишлоқ хўжалик техникумида ўқийдиган шоир Хўжамат Аҳмедов билан учрашиб қолдим. У қўшиғимни ўқиган бўлса керак, менга кўп маслаҳат берди. Кейин у ҳазиллашиб, мени «Батрак» деб атай бошлади. Хўжамат ҳазиллашиб айтса ҳам, чин айтса ҳам, ўша вақтда мен қип-қизил батрак эдим.

Хўжамат аҳволимга ачинди, мен ҳақимда кўп ўйлади. Ёрдам берай деса, бирорта ортиқча нарсаси йўқ. У мени Абдурахмон Утепов олдига етаклаб борди. Утепов чаққон йигит экан. У малла сочли, қирра бурунли, пакана, ориқ, ола кўз йигит эди. Хўжамат у билан менга ёрдам бериш тўғрисида гаплашди.

Абдурахмон бир оз ўйланиб турди-да:

— Қўшиқ айтишни биласанми?— деб сўради.

Мен қўшиқ айтдим. Шундан кейин Хўжамат хайрлашиб чиқиб кетди, мен Абдурахмоннинг олдида қолдим.

Анчадан кейин Абдурахмон оға мени шаҳар клубига бошлаб борди. Труппадаги йигит-қизлар билан таништирди. Сўнг шу труппа омборидан менга чарм этик олдириб берди. Оёғим бут бўлди, бошимга ҳам бирер нарса берар деб турганимда Абдурахмон оға кўнглимдагини билдими, «сочинг яхши экан, яхши сочи ёмон қалпоқ ичига яшириб нима қиласан», деб кулиб, елкамга қоқиб қўйди. Унга миннатдорчилик билдирмоқчи бўлдим-у, кўнглим бузилиб, ҳеч нима деёлмадим.

— Ҳар куни дарсдан кейин труппада мен билан бирга ишлайсан,— деди Абдурахмон.

Труппа йигитлари, қизлари билан танишиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетдим. Иш буюришса бажардим, ҳар қандай юмушга тайёр турдим. Бир сўзни икки қилмадим. Ишим ўнгидан кела бошлади. Ёзувчилар билан танишиб олдим, уларнинг йиғинларида қатнашдим, суҳбатларидан баҳраманд бўлдим. Қўшиқ ёздим, спектаклда қатнашдим.

Зейнал оға Тожиқенов болаларга қўшиқ ўргатарди, драма тўғарагига раҳбарлик қиларди. У вақтда Зейнал оға бизни ҳам ўқитарди. Кўп ўқувчилар ҳаваскор-

лик тўгарагида қатнашарди. Шу тарзда санъат ва адабиётга одамларнинг ихлоси орта борарди.

Ёзувчиларнинг сафи ҳам кенгайди. Избосар Фозилов, Хўжамат Аҳмедов, Сайфулғабит Мажилов, Қосим Авазов, Абдурахмон Утепов, Ҳайитбой Матёқубов, Қалли Ойимбетов, Ҳасан Бегимов, Тожнаҳмад Саидмаматов, Неъмат Кузанбоев ва бошқа ўртоқлар адабиёт майдонига дадил кириб келишди. Избосар Фозилонинг қўшиқлари республика газеталарида тез-тез босилиб турарди. Биз ёшлар Избосар оғадан кўп маслаҳат олардик. Ёзган шеъримизни Избосар оға кўриб чиққандан кейингина газетага юборардик.

Абдурахмон оға ва Хўжамат билан бирга ишлаш менга кўп ёрдам берди. Ҳар иккаласи ўша йиллардаёқ Аяпберген ҳақида илиқ гаплар айтишарди. Аяпберген оға ҳам Абдурахмон ва Хўжаматни ҳурмат қиларди.

— Аяпберген оға қўшиқни ёзиб бўлиб, қўлига ликопча олиб шу қўшиғини куйга солиб айтганини эшитсанг, эриб кетасан,— дейишарди Абдурахмон билан Хўжамат.

Шунинг учун ҳам бу танилган қўшиқчи шоирни кўришга орзуманд бўлиб қолдим.

Тўрткўл ям-яшил, чиройли шаҳар. Орқаси кўчма қум, кун чиқиш томони пахтазор, кун ботиш томони боғ-роғ. Қибла томонида уни қучоқлагандек Амударё оқади.

Тўрткўлнинг тўрт дарвозаси бўлиб, улар Шўраҳон, Божбон, Шаббоз, Хива дарвозалари деб аталарди. Шаҳардан Бухорога борадиганлар Шўраҳон дарвозасидан чиқишарди. Шаббоз дарвозасидан Чимбой, Тахтакўпир, Оқмачит орқали Оренбургга, Хива дарвозасидан Хоразм, Тошовуз, Гурьев, Оқтепага, Божбон дарвозасидан Дарғон ота, Дейек хотин, Чоржўй, Марига бориларди.

Бу шаҳарда 1927 йилдан 1941 йилгача бўлдим, шу ерда ўқидим, ишладим. Ёшлигимнинг гуллаган йиллари шу шаҳарда ўтди. Дастлабки йиллари шаҳар менга тор кўринган эди, йўқ, кейин ўз туғилган жойимдек бўлиб қолди.

Ленин, Қизил Армия, Шевченко, Чимбой кўчалари Тўрткўл шаҳрининг чиройли жойлари эди. Шаҳарнинг ўртасидаги қизил майдон, ҳукумат уйи, идоралар ва турар жойлар қўшчинор остига қатор териб қўйилган қутиларга ўхшарди. Дарахт остидаги, тротуар четидаги

ариқларда шилдираб оққан сувнинг овози қулоғимдан ҳали ҳам кетган эмас.

Тўрткўлнинг тўрт тарафига қараган кишининг кўзи дарахтзор ва экинзорга тушади. Чунки ҳар бир хўжаликнинг ўзига яраша каттами-кичикми боғи бўларди. Мева-чева йил бўйи товсилламасди. Май, июнь ойларига гача ширин қовун ер эдик. Анжир, анор, ажойиб узумлар, помидор то янги ҳосил пишиб етилгунча етарди.

Тўрткўл деҳқонлари олти ой пешона тери тўкиб меҳнат қилар, кўнглидаги ҳосилни олмагунча тинчимас эдилар. Шунинг учун ҳам шаҳар бозоридан қишин-ёзин истаган нарсани топиш мумкин эди. Ҳатто кечалари ҳам бозорда савдо-сотиқ тинмасди.

Помирдан сув олган Амударё Тўрткўлга зиёратга келаётгандай жимирлаб оқарди. Четдан қараган кишига унинг тўлқини тоғга ўхшаб кўринар, сув юзидаги кема ва қайиқлар тоғда тебраниб келаётган туяларга ўхшаб кетарди. Қанча-қанча одамлар чўмилишни орзу қилса ҳам, Амударё шўх, асов бўлгани учун яқинига йўлашга қўрқишарди. Лекин мен дарёнинг Тўрткўлдан ўтган энг кенг, ўпқонлари кўп жойидан неча марта сузиб ўтган эдим.

Тинимсиз, тўлқинли дарё! Қанча шўх бўлса ҳам ерга ҳаёт берган, экинларнинг ҳосилига ҳосил қўшган, мўл-кўлчилик келтирган дарё!

Деҳқон бобом билан шўро отамни, карвондаги оғамни, онамнинг ёнган юрагини қондирган дарё! Халқнинг қонини ювган, уларнинг дод-фарёдини тинглаган дарё! Ботирларнинг белига қувват берган мададкор дарё!

Амударё Тўрткўлнинг туғишган укасидай шаҳарга тиралиб ўтган. У жавоҳирдай ялтираб туради.

Мен ҳам шу дарёнинг сувидан тўйиб ичганман, унда чўмилганман. Кўнглим кўтарилиб, зеҳним ошган, белимга қувват кирган.

Тўрткўл Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг аввалги пойтахти эди. Қорақалпоғистон ёшларининг Москва, Ленинград, Олмаота, Тошкентдан кейинги таълим-тарбия ўчоғи эди. Тўрткўл тарихий шаҳар. Тарихий жанглари, қанча-қанча тўкилган қонларни кўриб, ниҳоят ёруғликка эришган шаҳар.

Мен Тўрткўлда қайноқ ҳаётга аралашиб кетдим. Педтехникумдаги ўқишларим ҳам яхши йўлга туша бошлади. Москвадан, Қозондан, Олмаотадан, Тошкент-

дан, Ленинграддан, Бокудан тажрибали ўқитувчилар келди.

Аста-секин қийинчиликлардан ҳам қутула бошладим. Аввало Абдурахмон оға чарм этик совға қилди. Кейин кўйлак, чолвор ва бошқа кийим-бошга ҳам эришдим. Устим бут бўлгандан сўнг тап тортмай қаторга қўшилиб кетавердим. Гўдаклик чоғларимдаги увиллаган бўронлар тинди, қонга бўялган қорлар эриди, қайғу ғамдан сел бўлиб оққан кўз ёшлар тинди. Тенгқурларим исмимни ҳурмат билан айтадиган, катталар «шоир бола» деб атайдиган бўлишди. Қувончим тошқин дарёдай кўнглимга тиним бермайди, қўшиқ ёзишга ундайди. Тинмай ёзаман.

Таниқли шоирларнинг шеърларини кўп ўқирдим, ўзимга ёққанларини ёдлаб олардим. Қайси шоирнинг қандай ёзишини ўрганардим.

Бир куни ёзган қўшиқларимдан бирини редакцияга олиб бордим. У вақтда редакция Тўрткўлда: Ленин кўчасида жойлашган эди. Сайфулғабит оғанинг ҳузурига рухсат олиб кирдим. У кабинетда ёлғиз ўзи ўтирган экан.

Кириб салом бердим, у ялт этиб менга қаради-да, алик олди. У арабча ҳарфлар билан шеър ёзиб ўтирган экан. Мундай қараб, саккиз бўгинли шеърлигини билдим.

Шеър ёзаётганда халақит бердимми деб ўйладим. Кўнглимга келганини у билдими, ҳар ҳолда:

— Тортинма, болам, шеърни ёзиб тугатдим,— деди-да, қоғозларни йиғиштириб қўйди:— Шеър ёзиб келдингми?

— Ҳа, ёзган эдим.

— Қани, менга берчи.— Лотин ҳарфида ёзилган шеърни узатдим. Бир-икки марта бошидан-охиригача ўқиб чиқди, ниҳоят, бошини кўтарди-да, шеърни қайтиб берди. Буни кўриб рангим оқариб кетди.

— Қани, ўзинг ўқичи,— деди у.

Мен юрагим питиллаб шеърни зўрға ўқидим, уялганимдан пешанамни мунчоқ-мунчоқ тер босди. Ҳовлиқиб, тилим оғзимга сиғмай қолди. Ота ўрнидан туриб ёнимга келди-да, стулни яқинроқ қўйиб ўтирди.

— Қайта ўқи. Олдин терингни артиб ол.

— Хўп,— дедим-у, пешанамдаги терни артиб яна ўқидим. Бу сафар яхшироқ ўқирман деб ўйлагандим,

у яқинимда ўтирганидан уялиб, олдингидан ҳам тутти-либроқ ўқидим.

— Арабча ёза оласанми?

— Ёза оламан.

— Менинг ўрнимга ўтириб, арабча ҳарф билан кўчириб ёз, мен ҳозир келаман,— деб қўлимга қоғоз-ручка берди-да, ҳали ёзиб ўтирган шеърини олиб чиқиб кетди.

Қўлим қалтираб, шеърни бир амаллаб кўчирдим.

— Шеърни наборга бериб келдим,— деди у. Мен «набор» сўзини биринчи эшитишим эди, тушунмадим. «Нўғайга» дедиёв, деб ўйладим. Чунки босмахонада Алиев деган татар киши ишларди. Ушани «нўғай» деди чоғи, деб ўйладим.

У қўлимдан шеърни олиб, яна ўқиб чиқди, сўнг ўзимга ўқитди. Энди ўзимни босиб олганимдан анча яхши ўқидим. Сўнгра қўлимдан олиб, имло хатоларини тuzатди.

— Газетада босиб чиқарамиз. Ёзиб тур, болам,— деди.

— Хўп, ёзаман, отажон!— дедим қувониб кетганимдан.

— Яқинда газетада кўрасан.

— Раҳмат.

— Яхши, хайр, соғ бўл.

Қувончим ичимга сиғмай, эшикдан ўқдек отилиб чиқдим. Баҳорнинг беғубор куни кўзимга янада латофатли кўринди. Нурга чўмилган Ленин кўчасидан катта-катта қадам ташлаб, мағрурлик билан ётоқ томонга юрдим.

Уша шеърим газетада босилиб чиқди. «Экин экинш вақти келди» деган шеърим «Эркин Қорақалпоқ» республика газетасида босилган эди. Қувонмай бўладими! «Жўлмирза, сен шоир бўлдинг,— дейман ўзимга-ўзим,— етим юрагинг ерда қолгани йўқ. Янги замон сенга бахт берди, қанот берди».

Шеърим босилиб чиққач, дўстларим мени қучоқлаб табриклашди.

\* \* \*

Қосим Зарипов, Абдураҳмон Утепов, Бойниёз Сеитовлар Тўрткўлдаги педагогика билим юрти, қишлоқ хўжалик техникуми, партия, совет мактаби ва ўқув ком-

бинатида таълим олаётган энг талантли йигит-қизларни «Тонг нури» труппасига уюштирдилар. Қосим оға билан Абдурахмон оға барча ўқув юртларига ўзлари бориб, ўқувчиларни бирма-бир кўришар, қўшиқ айта оладиган уқувли йигит-қизларни ҳисобга олиб чиқишарди.

Бошқалар қатори Абдурахмон оға мени ҳам «Тонг нури» труппасига олди. У менга, «шеър ёзишни, пьеса ёзишни ўргатаман», дерди. Унинг ёрдамида қўшиқ айтдим, турли ролларни ижро этдим.

Ҳозир Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонини олган Мадраим Матчонсов иккаламиз дастлабки кунлари труппанинг почталёни каби югурардик. Ҳар куни Тўрткўлнинг у бошидан-бу бошига бир неча марта қатнардик. Бизга, «уни чақириб кел, фалончинни айтиб кел», дейишарди. Қизлар репетицияга доим кечикиб келишарди. Атайлаб эмас, албатта. Уша вақтда ишлайдиган ва ўқийдиганлар орасида қиз-жувонлар жуда кам бўлиб, артист қизларни кўрганлар йўлдан қўйиб гапга солишарди. Абдурахмон оға бир қизнинг олдига бизни бир неча бор югуртиришининг сабаби шу эди.

Эрталаб соат саккизда репетиция бошланади. Кечқурун эса концерт кўрсатилади ёки постановка кўрсатилади. Томошадан кейин халқ комиссарлари ёки Абдурахмон оғанинг ўртоқларидан бирортаси зиёфатга чақирарди. Зиёфатда эса биз тонг отгунча хизматда бўлардик.

Хуллас, Абдурахмон оғанинг берган этиги қишни чиқариб, баҳор ёгингарчиллиги вақтида шалоги чиқиб кетди. Шунчаликка бордикки, этик ямоқ тутмайдиган бўлиб қолди.

Бир куни Богжонни чақириб келишни буюришди. У вақтда Богжон қандайдир бир курсда ўқир, 2-партия-совет мактаби қизлари билан ётоқда турарди. Мадраим иккаламиз югуриб кетаётганимизда этигимни боғлаган ип ечилиб кетди, уни бир оёғим билан босиб олиб, гуппа йиқилдим. Қўлим ва оёғим лат еди. Қайтиб кетишга мажбур бўлдим. Мадраим Богжонни айтгани бир ўзи кетди.

Мадраим Богжонни айтиб келибди. Бир оздан сўнг Абдурахмон оға:

— Жўлмирза қани?— деб сўраб қолибди.



— Йиқитиб юборди,— деб жавоб қилибди Мадраим.

— Ким?

— Этиги...— Ҳамма гуриллаб кулиб юборибди.

— Бу кал нима деяпти ўзи?

Одамлар баттар кулишибди.

— Этиги эмас, ип йиқитди...

— Нима деяпсан ўзинг, этик, ип деганинг нимаси?

Кулгидан сўнг Мадраим бўлган воқеани тушунтириб берибди.

Мен бир этигимни, бир лат еган жойларимни ўйлаб фиғон бўлиб ётиб ухлаб қолибман. Сахар ўрнимдан турибоқ этикни ямашга тушдим. Ямай-ямай бигиз тегмаган ери қолмади. Иложи бўлмагач, этикни бир четга қўйиб шеър ёзишга ўтирдим. Кейинроқ бу шеърни Абдурахмон оғага ўқиб бердим:

Абдурахмон оғам берган,

Оёғимда бор этик.

Қайси жойда бўлсам ҳам

Ишимга даркор этик.

Яланг оёқ қорни босиб,

Юрдим элга аралашиб,

Сени кийдим тўлиб-тошиб,

Сенга сингди терим, этик!

Оёғимга сени кийдим.

Қорасовуқ қаҳрин енгдим.

Сенинг билан қишдан чиқдим,

Ўзинг бўлдинг ҳамдам этик.

Мен югурсам олиб қочдинг,

Қоқилгунча йўлга шошдинг,

Валиқ каби оғзинг очдинг,

Тополмадим елим, этик.

Сенинг билан ўйнаб-кулдим.

Бир кун келиб мен йиқилдим.

Сен йиғладинг, мен йиғладим,

Хайр, йўлинг очиқ, этик!

У менга қараб турди-да:

Жўлмирзанинг этиги бор.

Доим оғзин очиб турар.

Тумшугини танғиб қўйса,

Сувлигини тишлаб турар.—

деб кулиб, ўзининг бир оз кийилган ботинкасини берди.

Труппамиз Абдурахмон Утепов ва Қосим Зарипов раҳбарлигида Сайфулғабит ота Маждидовнинг «Сўнгги султон», Қосим Авезовнинг «Истак йўлида», Абдурахмон Утеповнинг «Тенгини топган қиз» пьесаларини сахналаштириб, томошабинларга кўрсатди, концертлар берди. Студентларнинг ёзги каникули вақтида районларга гастролга чиқди.

Биринчи тўхтаган еримиз Шаббозда бўлди. Холмурод Сафаровнинг отаси шу ерда тураркан. Унинг уйига тушдик. Сафар яхши одам экан, ҳаммамизни ўз ўғил-қизларидай ҳурмат қилди. Биз Шаббозга пайшанба куни борган эдик. У вақтда бозор жума куни бўларди.

Жойлашиб улгурмасимизданоқ, Хўжаниёз гармончи, район милиция бўлимининг бошлиғи Раҳим Қурбоннов, район комсомол комитетининг секретари Тулек Сарибоев келишди. Уларнинг орқасидан бошқалар келди, одам тўлиб кетди. Район партия комитетидан, район ижроия комитетидан одамлар келишди. Улар юкларимизни аравадан туширишга ёрдамлашишди, сўнг бирга чой ичдик. Шундан кейин Абдурахмон оға мен билан Мадраимни етаклаб, бирга клубга жўнадик. Шаббозга биринчи келишим эди.

Шаббоз шаҳри гўё эски қўрғон ўрнида қад кўтаргандек эди, унда қалин деворлар, дарвозалар, чиройли саройлар бор. Шаббоз туркманнинг телпағи каби дўнгликка жойлашган. Тепаликка солинган уйлар тор кўчалар билан ўралган. Бу кўчаларнинг усти ёпилган. Уларни қоронғи кўчалар деб аташади. Бу кўчаларга кунига икки-уч марта сув сепилар экан. Кўчаларнинг икки бетнда дўконлар жойлашган. Қанд, чой, газлама, ҳолва, туршак, жийда, хурмо — қўйингки ҳамма нарса топилади бу ерда.

Хўжаниёз ота, Сарибоев, райкомдан, район ижроия комитетидан келган ўртоқлар бизларга қурилмоқчи бўлган клуб ўрнини кўрсатишди. Клубнинг ўрни текисланганча қолиб кетганди. Кимнингдир гапи билан қурилишга пул бериш тўхтатиб қўйилган экан. Абдурахмон оға буни кўриб жаҳли чиқиб кетди.

— Халққа клуб керак. Агар пул бермайдиганлари рост бўлса, маблағни «Тонг нури» труппаси топиб беради,— деди у қизишиб.

— Фақат бир шарт бор: клубга «Тонг нури» деб ном берасиз!

— Жуда соз!— дейишди ҳаммалари бараварига.

— Пулни бундай қилиб топамиз...

— Қандай қилиб?— деб сўради Хўжаниёз оға.

— Эртага жума — бозор куни.

— Шундай.

— Бозорга Хивадан, Тўрткўлдан, Гурландан, Тошовуздан, Чоржўйдан, Хўжайлидан, Маридан, Ҳазораспдан, Хонқадан савдогарлар келади.

— Ҳа, келишади.

— Уларнинг ҳар бирига билет сотамиз. Биттаси ўн сўмдан.

— Билетни ким сотади?

— Ўзимиз сотамиз.

— Яхши.

— Бироқ, билет етмайди. Район молия бўлиmidан билет олиш керак.

— Керак бўлса оламиз.

— Ҳаммангиз ўз ишингизга бораверинг. Бу фикримизни район партия комитетига, район ижроия комитетига айтман, Тўрткўл билан гаплашман,— деди-да, Абдурахмон оға райкомга кетди. Биз Сафар оғаникига қайтдик.

— Ҳаммаси рози бўлди,— деди Абдурахмон оға қайтиб келгач. Сўнг овқатландик ва қизлар бир ерда, йигитлар бошқа ерда уйқуга кетдик.

Холмурад Сафаров нима учундир мени саҳар уйғотди. Мен кийинаётганимда Ҳайитбой Матёқубов билан Мадраим Матчонов уйғониб кетди. Уйда сув қолмаган экан. Бир челак ва сувқовоқда Шаббознинг кунботиш томонидаги ариқдан сув ташиб, хумларни тўлдирдик. Биз сув ташиб бўлгунча бир қўйнинг гўшти солинган қозондаги шўрва пишди.

Овқат еб бўлганимизда тўрт-беш сурнай овози эшитилди. Ҳаммамиз ҳозир саҳнага чиқадигандек бўлиб кийиндик. Абдурахмон оға ҳаммамизни икки группага ажратди. Сотиладиган билетларни ҳам Боғжон билан Марямга бўлиб берди. Кимнинг нима иш қилишини тушунтирди.

Карнай-сурнай, ашула-қўшиқ билан қоронғи кўчага кириб бордик. Эрталаб соат ўнда кўчага чиққан бўлсак, кеч соат еттига қадар билет сотдик. Савдогарларга билет нархи ўн сўм, камбағалларга бир сўмдан. Концерт кўрсатадиган клуб йўқ. Шунинг учун клуб солиш

мўлжаллаган ялангликка тўп ёқдик<sup>1</sup>. Кундузи билет сотганда пулига Шаббозда беш юз ўринлик клуб сола-миз, деган эдик. Шунинг учунми, томоша очиқ жойда кўрсатилиши маълум бўлса ҳам, билет олмаган одам қолмади.

Халқ йиғилди. Абдурахмон оға, Бойниёз, районнинг катталари, артистлар ўртага чиқишди.

— Бугунги томошадан тушган пулга Шаббоз райони учун янги клуб қурамиз. Клубнинг оти «Тонг нури» бўлсин деган ўртоқлар қўл кўтарсин,— деди Абдурахмон оға. Халқ гуриллаб қўл кўтарди. Шундан сўнг концерт бошланди.

Томоша халққа манзур бўлди. Артистларни қайта-қайта олқишлашди.

Уйга келиб, пулни санадик. Олтмиш минг сўмга яқин пул тушибди. Абдурахмон оға шу пулдан бир неча ўн минг сўмини ҳеч қандай тилхат ёки бошқа ҳужжат олмай «клуб қуринг» деб Хўжаниёз гармончига берди.

Абдурахмон оғанинг ташаббуси билан «Тонг нури» труппаси 1941 йилгача халққа хизмат қилди.

Уч аравага жой бўлиб Шаббоздан чиқиб йўлга равона бўлдик. Халқобод, Чимбой, Тахтакўпир, Шакаман, Мўйноқ, Қўнғирот, Хўжайли, Қипчоқ районларини айланиб, яна Тўрткўлга қайтиб келдик.

Иккинчи йилнинг ёзида Сайфулғабит Мажидовнинг «Эрназар олакўз» пьесасини саҳналаштириб, яна гастролга чиқдик. Бу катта пьеса бўлиб, узоқ давом этарди. Шунга қарамай, халқ уни яхши кутиб олди. Эрназар Олакўз ролини Бойниёз Сеидовнинг ўзи ўйнар эди.

У вақтда образ яратиш нималигини тушунмас эканмиз. Уйинни кўргани келган чол-кампирилар, ёшлар Эрназар олакўз ҳақидаги гапларни ёдлаб олиб, кейин ўзлари айтишарди. Бунни эшитган Бойниёз кун сайин яхшироқ ўйнарди.

Бойниёз фақат артист эмас, шу билан бирга у режиссёр, драматург ва рассом ҳам эди. У «Осилган ёрдам» деган пьеса ёзди. «Эрназар олакўз» пьесасини ўзи саҳналаштирди. «Тилак йўлида», «Тенгини топган қиз», «Йигит бўлдик», «Октябрнинг савлати» ва бошқа пьеса-

<sup>1</sup> Эски латталарни коптокка ўхшатиб боғлаб, керосин сингдириб олиб ёқилар, унинг ёруғида томоша кўрсатиларди.

ларни Абдурахмон оға билан биргаликда саҳналаш-  
тирди.

«Эрназар олакўз» спектаклини Чимбойга олиб кел-  
ганимизда халқ янада зўр қизиқиш билан кўрди. Уч  
кунга қадар клубнинг дераза ва эшикларини очиб қўй-  
дик, одам шунчалик кўп бўлишига қарамай, шовқин-  
сурон бўлмас, ҳамманинг диққати саҳнада бўларди.

Чимбой клуби ҳозирги «Чайная»нинг ўрнида бўлиб,  
бойларнинг эски омбори эди. Клуб учун мослаштирил-  
ган омбор катта бўлса ҳам, халқ сифмади. Кўп одамлар  
билет ололмай қолди.

Абдурахмон оға Шаббоздаги каби ташаббус кўта-  
риб чиқди, Чимбой шаҳри меҳнаткашларига маданий  
совға тайёрлаймиз, шу клубни кенгайтиришсин, маб-  
лағни труппамиз йиғиб беради, деб қолди. Бизлар  
унинг фикрини бир овоздан маъқулладик. Бу гал сал  
бошқачароқ бўлди. Бойниёз билан Боғжон аҳду паймон  
қилиб қўйишган. Бугун-эрта тўйларни бўладиган. Келин-  
чак билет сотиб юрса қандай бўларкин, деб ўйланиб  
қолдик. Бунинг устига Чимбой клуби қурилишига шу  
ерликлар ҳам ҳисса қўшиши керак-ку? Бу ерда ёшлар  
кўп, билетни ўшалар сотишсин, деган фикр чиқди, Аб-  
дурахмон оға фикримизни маъқуллади. Шундай қилиб,  
томошага билетни Чимбойлик комсомол-ёшлар сотишди,  
Чимбойда клуб солишга ўнг минг сўм тўплаб бердик.

Уша клуб 1928 йилдан 1950 йилгача халқнинг мада-  
ний дам оладиган жойи, ўйин-кулги ўтказадиган мас-  
кани бўлиб қолди.

Бу сафар Чимбойда кўпроқ бўлдик. Янги тузилган  
колхозларга чиқдик. Овулларда ҳам томошага халқ зўр  
қизиқиш билан келди. Овулларда клуб бўлмагани учун  
ялангликда парда билан тўсиб, саҳна ясаймиз. Шунини  
айтиш керакки, очиқ жойда томоша кўрсатсак ҳам,  
ҳамма билет олар эди.

Район партия комитетининг секретарлари ва район  
ижроия комитетларининг раислари колхозларга биз  
билан бирга бдриб, ҳамма нарсани уюштириб бери-  
шарди.

Чимбойда план бўйича томоша кўрсатиладиган жой-  
ларнинг ҳаммасида бўлдик. Коллектив билан бир фикр-  
га келиб, бир-икки кун дам олишдан кечдик. Чунки ке-  
йин, тўйда ўйин-кулги қилмоқчи эдик.

Бойниёз билан Боғжон «Тонг нури» труппасига кир-

ганларидаёқ бир-бирининг ҳушини олиб қўйишган экан. Боғжон фақат қўшиқ айтиб қолмай, ролларни моҳирлик билан ижро этарди. Очиқ кўнгил, оқ феъл, дадил юракли қиз эди у. Бунинг устига чаққон, абжир қиз бўлиб, қоп-қора кўзлари ҳар қандай юракни ўйнатиб юборарди. Олмадай қип-қизил юзидаги нўхатдек холи ўзига жуда ярашарди. Боғжон сўзлаганда ҳамма одамлар жим қоларди.

«Боғжон, Боғжон, Боғжоним,  
Сенинг учун бор жоним...» —

деганларнинг сон-саногини йўқ эди. «Боғжонга ошиқ бўлмаган йигитнинг юрагида ўти йўқ», дер эди Абдурахмон оға.

Боғжон саҳнага чиқиб қўшиқ айтганда, томошабинлар лоқайд қололмас эди. Боғжонга гул отмаган, олақилламаган одам бўлмасди.

\* \* \*

Кечки пайт.

Чимбой.

Ҳамма йигитлар ясениб кийиндик. Бугун қизлар кундузиёқ Боғжоннинг уйига кетишди. Биз Абдурахмон оға бошчилигида кечқурун боришимиз керак эди. Мана, кеч ҳам бўлди. Ҳаммамиз тўпланиб, Боғжоннинг уйига бордик, у Наримонов кўчасида турарди. Қизнинг овулдошлари бизни қувонч билан кутиб олишди:

— Қудалар келишди!

— Куёв-навкарлар келишди.

— Қани, бу ёққа!

Бойниёзни ўртага олиб, катта айвонга чиқдик. Мен бу уйга яқин бўлганим учун хизматга бел боғладим. Соям каби мендан айрилмайдиган Мадраим билан Холмуродни ҳам хизмат қилишга олиб чиқдим.

Қизлар бир томонга, йигитлар бир томонга ўтиб ўтиришди. Йигитлар қизларга, қизлар йигитларга ер остидан қараб қўйишарди. Бу қарашларнинг маъноси кўп. Уларга қараб кимнинг кўнгли кимдалигини билиш мумкин.

Ўтириш қизиб кетди. Унг томонда ўтирган йигит оғаси қўлига бир пиёла чойни олиб, ичмасдан ерга қўйди-да, қиз янгасига қараб:

Пойгага чопган бедовнинг  
Ўзи ўзиқ бўлади,  
Ўиз билан йигит сўзлашса  
Сўзи қизиқ бўлади.

Гоҳ соз, гоҳ суҳбат деганлар, сўзлашиб ўтирайлик,—  
деди.

— Нўкка учган тўрғайнинг  
Ўаноти ёзиқ бўлади,  
Ўиз боланинг сўзлари,  
Йигитга озиқ бўлади,—

деганлар, тинглашга қулоқ топилса, сўзлашга тил топи-  
лар, сўзлашиб ўтирибмиз-ку,— деб жавоб берди қизлар  
янгаси.

**Й и г и т:** — Отимизни боғлайлик,  
Кўриб кўча қозиқни.  
Ўишласак ҳам бўлади  
Ўизлар берса озиқни!

**Ў и з:** — Бедовингни боғлашга  
Доим қозиқ топилар,  
Йўлин топиб иш тутсанг,  
Ўиздан озиқ топилар.

**Й и г и т:** — Фаслларнинг даври бор,  
Ёз кетидан кузу қиш,  
Ўиз билан озиқ топилар  
Ёш эмасмиз, чиқди тиш.

**Ў и з:** — Тайёр экан озиқ деб  
Ўишлаб ётиб олмангиз.  
Дангасалик ёмон иш,  
Кулгига қолиб кетмангиз.

**Й и г и т:** — Ўизнинг юзи нурли ой,  
Очилади кун сайин.  
Йигитлар ёмон кўради,  
Дангасани, мечкайин.

**Ў и з:** — Ўаноатда баракат,  
Балиқдай кўлда сузингиз,  
Не истаманг, сизники,  
Қолмайди ерда сўзингиз.

Янга қизларга йигитлар билан бемалол сўзлашиб  
ўтиришга рухсат берди. Қизлар билан йигитлар хушчақ-  
чақ гаплашиб ўтиришди.

Бойниёз билан Боғжоннинг тўйи кўнгилли ўтди. Тўй  
ярим кечадан сўнг тарқалди. Йигитлар қизларни уй-  
ларига кузатиб қўйишди.

Чимбойдан Шахамонга келдик. Бу Қораўзак районининг янги маркази эди. Озгина уй бор, қолганлари ўтовлар.

Ўйин бошланди. Клуб йўқлиги учун «Эрназар олакўз» спектаклини кўрсата олмадик. Абдураҳмон оғанинг «Тенгини топган қиз» драмасыни кўрсатдик. Орқасидан концерт қўйиб бердик.

Абдураҳмон оға шеър ўқиди. Гомошабинларни ичаклари узилгунча кулдирди. Сатирик шеърлар томошабинларга ёққани сабабли, мен ҳам шундай шеър ёзсам деб ўйланиб қолдим.

Абдураҳмон оға спектаклда энг қизиқ ролларни, ҳатто кампирлар, келинчаклар ролларини ўйнарди, қизларнинг айтишувларида қатнашар, қизлар қўшиқларини айтарди. Унинг:

Тургил, қариндошим, тезроқ уйғон,  
Сени нурли йўлга олиб бораман.

Ё к и:

Сув оламан оқин дарё бўйдан,  
Ўргилайин севган ёрим бўйдан.

Ёки бўлмаса:

Рўмолимни гул сувига бўяйин,  
Ёрим отин ботир йигит қўяйин.—

деган халқ қўшиқларини ҳамда ўзи ёзган қўшиқларни куйга солар, саҳнада ўзи айтарди.

Шакаманда ҳам концертни асосан Абдураҳмон оғанинг ўзи кўрсатди. Одамлар бундай ўйинни биринчи марта кўриши эди. Шунинг учун аввал парда очилганда тушунишмади. Шу сабабли Абдураҳмон оға дарров одамларни кулдирадиган, аммо пьеса мазмунига таъсир этмайдиган ўйинлар ўйлаб топди.

«Тенгини топган қиз»нинг иккинчи пардасида ўзи кампир кийинмини кийиб, гримм қилди. Менинг бошимга эски қалпоқ кийгазди. «Сен саҳнага олдин чиқасан, мен бир хурмача қатиқни тўкаман, сен ялайсан, мен сени ураман», деди. Мен рози бўлиб кийиндим. Оға менга бир қараб қўйди-да, ўзини четга олди. Парда очилганда мен саҳна ўртасида турардим. Бир вақт қатиқ кўтариб кампир келиб қолди. Келаётиб оёғи бир нарсага қоқилиб, йиңкилиб тушди. Қўлидаги хурмача учиб кетди,



қатиқ тўкилди: «Вой тандири қургур, косовга қоқилиб кетдим. Хув косов қўймай қўлинг синсин...»— дея қаргай кетди. Унинг ўрнидан туролмаёй, тарвақайлаб ўтириб қолганини кўрган одамлар гуриллаб кулди.

Абдураҳмон оға тўкилган қатиқни ялаб, очкўз кампирнинг ўзи бўлди-қўйди. Халққа қўшилиб мен ҳам кулдим. Хурмачани қучоқлаб, қатиқни ялаётган кампир менинг олдимга келди:

- Яла, яла дейман сенга!
- Ялай олмайман,— деб баттар кулдим.
- Яламайсанми?
- Йўқ.

Абдураҳмон оға ёнимга келди. Тўкилган қатиқни ялатиб, менга ташланиб, оёғимни чимчилаб олди. Беихтиёр кўзимдан ёш чиқиб кетди.

- Нега бақрайиб турибсан?
- Нима қилай?

— Ул қил, дард қил!— деди-да, яна оёғимни чимчилаб олди.

— Бу тўкилган қатиқ сенинг насибанг эди, жонинг чиққур! Яла! Яла деяпман сенга!— деб бўйнимдан босиб, тўкилган қатиққа афтимни тикди. Халқ ўзини туталмай куларди.

— Ма, хурмачани ол,— деди у ниҳоят,— юқига зора тўғраб е.

— Хўп бўлади,— деб хурмачани олиб чиқиб кетаётганимда мен ҳам косовга қоқилиб йиқилдим. Қатиқнинг юқи ҳам қолмади.

— Қолган қатиқни ҳам тўкдингми? Ҳа худо ўлим берсин!— деб қаргаб келиб, бошимни яна қатиққа тикди у. Сўнг орқамга бир тепган эди, саҳнадан учиб чиқиб кетдим.

Томошабинлар қотиб-қотиб кулишди, завқланганларидан узоқ қарсак чалишди. Парда ёпилди.

Тарихда биринчи марта саҳна асарини кўрган кишилар спектаклни завқ билан томоша қилишди.

Шақамондан кейин Мўйноқда, у ердан Қўнғирот, Хўжайли ва Қипчоқ районларида томоша кўрсатиб, сўнг Тўрткўлга қайтиб келдик.

Мўйноқдан Қўнғиротга кемада келдик. Овқатимиз пиёзу булка нон эди. Макатой яқинига келганда тўхташга мажбур бўлдик. Бу ерга келганимизда ҳар томондан:

— Макатойда балиқчилар кўп.

— Бу ердагилар артист, театр нималигини билишмайди.

— Бу элатда Аяпберген Мусаев, Асон Бегимов, Абдурахмон Утеповларнинг овулдошлари кўп.

— Тўхтаб ўтамиз,— деган гаплардан сўнг тўхтамай иложимиз йўқ эди. Бу ерда ҳам томоша кўрсатдик. Кўп одам келди. Томошадан сўнг қизғин миннатдорчилик билдириб уй-уйларига тарқалишди.

Азонда йўлга тушмоқчи бўлиб турганимизда Бойниёз Сеитов бир дарёда чўмилиб олайлик, деди. Унинг гапини бошқа шерикларимиз маъқуллаб, дарё бўйига бордик.

Макатойда дарё кенгайиб чуқурликдан оқар экан. Амударёнинг Тўрткўлдан оқиб ўтадиган қисмидан бир неча бор сузиб ўтганим учун ҳозир бу ердан сузиб ўтиш менга ўйинчоқдек кўринди.

Бойниёз ҳаммамизни дарёдан икки юз метр нарига олиб бориб қатор туринглар, деди. Ўзи эса:

— Қимда-ким дарёдан биринчи бўлиб сузиб ўтса, соврун олади,— деди.

Бир, икки, уч дейишлари биланоқ ҳаммадан ўзиб кетдим ва биринчи бўлиб ўзимни дарёга ташладим. Чаққонлик билан дарёнинг нариги бетига борганимда, кўчма оқимга дуч келиб, сузолмай қолдим. Кучли оқим мени чирпирак қилиб кета бошлади. Ўзимни тутолмай қолдим, оғзи-бурнимга сув кирди. Бошим айланиб кетди. Қирғоқ кўринмай қолди. Қўрқиб кетдим.

— Улдим!— деб бақирдим.

— Ҳазиллашяпти,— деган овоз эшитилди.

— Қутқаринг! Чўкиб кетяпман!— овозим қўрқинчли эшитилдими, Абдурахмон оға билан Бойниёз мен томонга сузиб кела бошлади.

Дарёга тушганимни, сузганимни биламан, кўзимни очсам, оқ наMAT устида ётибман. Бошимни кўтара олмайман. Дўстларим мени қутқариб, кемага олиб чиқишибди. Сувга чўкиш ёмон бўларкан. Бир ўлиб тирилдим. Шундан кейин Амударёни сузиб ўтишга ботинолмай қолдим.

\* \* \*

Тўрткўл. 1929 йилнинг кузи. Туш пайтида педбилим юрти, қишлоқ хўжалик техникуми, партия мактаби,

ўқув хўжалиги, ўқув комбинатининг ўқувчиларини партия мактаби олдига тўплашди. Ҳамма ҳайрон. Нима бўлганини ҳеч ким билмайди. Одамлар жим туришибди. Ниҳоят Тахтақўпирдаги босмачилар ҳақида гап бошланди. Босмачиларнинг тор-мор қилинганлигини, ўлгани ўлиб, қолгани асир олинганлигини айтишди. Уларни ҳарбий трибунал суд қилишини маълум қилишди.

Ана шундай гаплардан сўнг:

— Орамизда ўша босмачиларнинг болалари бор, уларни мактабдан ҳайдашимиз керак,— дейишди.

Евуз босмачи Жали Махсумнинг биз билан бирга ўқийдиган ўғли Қароматдинни ўртага олиб чиқишди. Оймирза босмачининг ўғли деб мени ҳам ўртага чиқаришди. Чирқиллаб йиғлаганим икки пул бўлди. Ҳеч ким арзимга қулоқ солмади. Ўша замонидек бизни мактабдан ҳайдашди.

Кечқурун қишлоқ хўжалик техникумида ўқийдиган Холлибек Менглибоев ва Эшберген Қўчқоровларнинг олдига бордим. Холлибек менга плашини, Эшберген эса «қулоғингни боғлаб ол» деб рўмолини берди.

Эрталаб Тўрткўлдан Чимбой йўлига чиқиб арава изидан кетавардим. Яёв юриб беш кун деганда Чимбойга кириб бордим. Бундай йўл юришга кўникиб қолган эдим. Илгарилари ёзги каникулда Тўрткўлдан Чимбойга пиёда борардим, у ерда ишлаб, пул йиғиб, қайтишда аравада ёки кемада келардим. Бешинчи куни Чимбойга келган бўлсам, олтинчи куни Тахтақўпирга етиб бордим.

«Босмачининг боласи» деган сўз юрак-юрагимдан ўтиб кетган эди. Одамларнинг юзига қарай олмайман.

Уйга кирсам, дадамнинг ёнида икки рус киши ўтирибди. Қўрқиб кетдим. Дадам ростданам босмачи бўлган экан-у, уни қамоққа олгани келишибди-да, деб ўйладим. Йўқ, кейин билсам, бизнинг чол Оймирза босмачи бўлиш эмас, рус ва украин қўшнилари босмачилар чангалидан сақлаб қолибди.

Гап шундаки, Тахтақўпирга врач бўлиб келган бир рус ва бир украин дадамга қўшни бўлган экан. Қария уларга «бисмиллоҳу раҳмону раҳим» дейишни ўргатибди. Улар бу сўзларнинг маъносини тушунмаса ҳам ҳазиллашиб, қорақалпоқча талаффуз қилишни ўрганишибди.

Босмачилар хизматчиларни, докторларни ваҳшийлик билан ўлдирганлар. Ҳомиладор аёлларнинг қорнини

ёриб, болаларнинг тилини кесганлар, қарияларнинг кўзини ўйганлар, чақалоқларни оёғидан ушлаб, деворга уриб ўлдирганлар. Қўшнилариимизни ҳам ўлдирмоқчи бўлиб туришганда Оймирза уларнинг олдини тўсиб:

— Буларни ўлдирманглар!— дебди.

— Нега?

— Булар докторлар.

— Доктор бўлганлиги учун ўлдираминиз.

Шу пайт дадамнинг хаёлига бир фикр келиб қолди.

— Улар мусулмон одамлар.

— Қаёқдан биласан?

— Қалиман-шаҳодатни билишади.

— Қани айтишсин-чи,— дейишибди шаштидан сал тушган босмачилар.

Дадам иккала докторга имлабди, улар чол ўргатган сўзларни такрорлашибди. Шундан сўнг босмачилар қариянинг гапига ишониб, докторларни ўлдиришмабди. Мен келсам, дадам тетик, бардам юрган экан.

Мени нима сабабдан мактабдан ҳайдашганини кейин билдим. Ҳақиқатан ҳам Оймирза деган босмачи бўлган экан. У Чуқуркўл овулидан бўлиб, Жали Махсумга ўхшаш қонхўрларга қўшилиб Совет ҳокимиятига қарши курашган.

Чуқуркўл овулида Чимберген деган қашшоқ камбағалларни бой ва муллаларга, эшонларга қарши курашда бирлаштирган. Халқни колхоз қуришга ундаган. Бойларнинг мол-мулкини мусодара қилишда бош бўлган.

Чимберген ўғил кўради. Фарзандига тўй қилиб бермоқчи бўлиб, харажат қилиш учун Тахтакўпир бозорига отланади. Уни пойлаб юрган босмачилар Мискин қумига борганда ушлаб оладилар. Улар Чимбергеннинг икки қўлини, тилини кесишади, кўзларини ўйиб олишади. Сўнгра қорнини чавақлаб ўлдирадилар.

Босмачилар Тахтакўпир район судининг раиси Шарифбой Қутлимуродовни ҳам ана шундай ваҳшийлик билан ўлдирдилар. Комсомол аъзоси Қутлимуродов ҳаётининг сўнгги дамларигача синфий душманларга қарши курашди.

Уша босмачи Оймирзанинг қусурига мен мактабдан ҳайдалган эдим. Мен оқландим. Тўрткўлга қайтмоқчи бўлиб турганимда ёзувчи Хўжамат Аҳмедов Тахтакўпир

район комсомол комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. Унинг маслаҳати билан ҳозирги «Москва» совхози территориясидаги Чийли кўприк деган жойда бошланғич мактабда ўқитувчилик қила бошладим.

\* \* \*

Тожикистон. Душанба шаҳри.

Тожикистон ёзувчиларининг I съезди. Съездга Қорақалпоғистондан меҳмон бўлиб борганман. Совет Иттифоқининг ҳамма томонидан ёзувчилар келишди. Бошқа ёзувчилар қатори Ғафур Ғулом билан танишдим. Унинг номини эшитган, шеърларини кўп ўқиган бўлсам ҳам, ўзини биринчи марта Тожикистонда кўрдим.

Ғафур ака менга бир кўришдаёқ ёқиб қолди. У мендан:

— Съездни қандай табрикламоқчисиз?— деб сўраб қолди. Мен нима жавоб қилишни билмай довдираб қолдим. Аҳволимни сезган Ғафур оға:

— Шоир киши шеър билан сўзлаши керак,— дедилар.

Унинг гапи менга ёқди. Нима дейишни ўйланиб қолдим. Оғанинг гапи кечаю-кундуз кўнглимга тинчлик бермади. Ўйланиб ўтирсам, кўнглимга ҳеч нарса келмайди. «Тўйнинг бўлганидан бўладиси қизиқ» деганларидек, шеърни съездда ўқиб беришдан кўра уни ёзишим қизиқ бўлди. Орол билан Аму бўйидаги пахтакорлар, балиқчилар ва чорвадорлар, пиллачилар ва богбонлар, уларнинг ибратли ишлари, қайта туғилган қорақалпоқ халқининг меҳнати кўз олдимдан ўта бошлади. Тезроқ ёзиш керак. Ўтириб ўйландим, туриб тўлғондим. Бирни ёздим, бирини ўчирдим...

Ғафур оға съезд арафасида оқшом олдимга келди. Чоғимда съездни табриклашга тайёрланганимни билмоқчи эди. У Ўзбекистон ёзувчилар Союзининг ўша вақтдаги раиси Раҳим Мажидий билан бирга келган эди. Уларнинг ғамхўрлиги менга илҳом бағишлади.

Ўша учрашувдан сўнг кўп вақт бирга бўлдик. Ғафур оға Лоҳутий, Бону, Садриддин Айний ва бошқа тожик ёзувчилари, шоирлари билан таништирдим. Ниҳоят съезд очилди. Раҳим Мажидий билан Ғафур Ғулом қўярда қўймай, мени съезд президиумига олиб чиқишди. Ўша кунни кечки пайт мен ҳам Тожикистон ёзувчилар съез-

дини Қорақалпоқ халқи номидан табрикларим. Минбарга чиққанимни биламан, съезд делегатларининг олқишларидан шундай ҳаяжонландимки, шеърни қандай ўқиганимни билмай қолдим. Бу, халқ олдида биринчи марта шеър ўқишим эди.

\* \* \*

1933 йил. Москва. Советлар уйи. СССР ёзувчилари ўзларининг биринчи съездига тўпланишди. Ҳасан Изимович Бегимов съездга Қорақалпоғистон ёзувчиларидан делегат бўлиб келган. Амет Шомуродов билан мен у вақтда Москвада ўқирдик. Ҳасан оға Москвага борган қуниёқ бизни қидириб топди. Иккаламызга съездга таклифнома берди.


Съездга Советлар мамлакатининг ҳамма томонидан делегатлар келган. Қардош ва қондош миллатларнинг энг талантли ўғил-қизлари шу ерга йиғилган. Дунёдаги барча мамлакатлар ёзувчиларининг вакиллари келганлар. Советлар уйининг кенг зали лиқ тўла. Президиумда атоқли ёзувчилар, ҳурматли меҳмонлар орасида совет адабиётининг отаси, устоз Алексей Максимович Горький ўтирибди.

Алексей Максимович дўстлари йиғилган залга кириб келганда делегатлар ўринларидан туриб уни олқишладилар. Гулдурас қарсақлар садосида зал ларзага келди.

Съезд ўз ишини давом этдирди. Ҳасан оға сўз олди. У съезд делегатларини, Алексей Максимович Горькийни қорақалпоқ меҳнаткашлари номидан қизғин табрикларди. Улуғ ёзувчига қорақалпоқ чеварлари тиккан дўппи ва белбоғ совға қилди. Ҳасан оға дўппини кийдирмоқчи бўлган эди, бўйи етмади. Алексей Максимович буни дарҳол фаҳмлаб энгашиб турди, сўнг у Ҳасан оғани қучоқлади. Алексей Максимович бизга ҳам қучоғини очди. У мени бағрига босиб, пешанамдан ўпди. Қувонч ёшларидан кўзим хиралашди.

«Алексей Максимович! Мен бир етим эдим. Советлар ҳокимияти бошимни силади, озодлик машъали бўлган Москвада сиздек буюк зотни кўрдим, бепоён ватаним ёзувчиларининг съездида сиз билан учрашдим. Бу съезд Совет адабиётига порлоқ йўл очиб беради. Шу йўлнинг икки чети боғлар билан безанади, боғларда миллионлаб дарахтлар барқ уради, гуллар яшнайдди,

Мен шу гулларнинг кичик бир япроғи бўлсам розиман. Шунда етимнинг юраги эзилмай, янги дунёда яйраб-яшнаган бўлади»,— дегим келди. Бироқ, қувончимнинг зўридан кўнглимдаги гапларни айта олмайман. Уша пайтдаги аҳволимни, бутун вужудимни ҳаяжон қоплаб олганини сезган Алексей Максимович меҳрибонлик билан елкамни қоқиб қўйди. Бу учрашув етимнинг юрагини юлдуздай ёритди, нур сочди.



---

Ўрта ёшдаги болалар учун. На узбекском языке. Д ж о л м и р з а А й м у р з а е в. Колыбель счастья. Повесть. Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент—1970. Редактор Эркин Миробидов. Рассомлар Л. Мироедова ва Н. Агапова. Рассомлар редактори К. Назаров. Техн. редактор Л. Шишкина. Корректор М. Рустамов. Босмахонага берилди 8/XII-1969 й. Босишга рухсат этилди 11/VI-1970 й. Формати 84×108<sup>1/2</sup>. Босма листи 3,5. Шартли босма листи 5,8. Нашр. листи 6,53. Тиражи 30000. Қоғоз № 2. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети „Ёш гвардия“ нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 10—67. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти босмахонаси. Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, 26. Заказ № 1818. Баҳоси 30 тийин. P11699.

---